

32
К 73

Ш. ҚУДРАТХЎЖАЕВ

**ЎЗБЕКИСТОНДА
ПРОФЕССИОНАЛ ПАРЛАМЕНТ
ТИЗИМИНИНГ СИЁСИЙ ИНСТИТУТ
СИФАТИДА ШАКЛЛАНИШИ ВА
РИВОЖЛАНИШИ ИСТИҚБОЛЛАРИ**



ТОШКЕНТ — 2007

Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖАЕВ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ПРОФЕССИОНАЛ
ПАРЛАМЕНТ ТИЗИМИНИНГ СИЁСИЙ
ИНСТИТУТ СИФАТИДА ШАКЛЛАНИШИ
ВА РИВОЖЛАНИШИ ИСТИҚБОЛЛАРИ**



ТОШКЕНТ
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси Бош таҳририяти
2007

*Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг 16 йиллигига
бағишланади.*

Қудратхўжаев Ш. Т.

Ўзбекистонда профессионал парламент тизимининг сиёсий институт сифатида шаклланиши ва ривожланиши истиқболлари. Т.: «Шарқ» НМАК, 2007— 152 б.

Сиёсий фанлар номзоди Шерзодхон Қудратхўжаевнинг ушбу рисо-ласида мамлакатимизда профессионал парламент тизимининг сиёсий институт сифатида шаклланиши ва ривожланиши истиқболлари ҳақида кенг мушоҳада юритилади.

Китоб олий ўқув юртларининг ҳуқуқшунослик, сиёсатшунослик, журналистика, социология, халқаро муносабатлар, маънавият ва бошқа ижтимоий йўналишлари бўйича таҳсил олаётган талабаларига, тадқиқотчи олимларга, мазкур соҳага қизиққан барча китобхонларга мўлжалланган.

ISBN 978-9943-00-144-2

© Қудратхўжаев Ш. Т., 2007 й.

© «Шарқ» НМАК, 2007 й.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг демократик тараққиёт йўлини танлаганига деярли ўн олти йил тўлди. Ўтган давр бир-бири билан узвий боғлиқ ва босқичма-босқич амалга оширилган ислохот ва янгиланишлар занжиридан иборат бўлди. Дастлабки йиллар мустақилликни мустаҳкамлашга сарфланган бўлса, бу вазифа асосан адо этилгач, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш сари одим ташланди. Ўзбекистонда икки палатали парламентни шакллантириш билан боғлиқ ислохотларнинг кун тартибига қўйилгани тасодиф эмас, зарурат. Чунки мамлакатимизда парламент ислохотларини эркинлаштириш сиёсатининг мантиқий даври ва демократик тараққиётнинг навбатдаги поғонасини ташкил этди. Бу ҳақда парламент ислохотларини ўтказиш ташаббусини илгари сурган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шундай дейди: «Икки палатали парламентга ўтишдан асосий мақсад — парламентнинг ҳаётимиздаги ўрнини ошириш, қонунчилик ҳокимиятини кучайтиришдир. Негаки, бунда парламентимиз фаолияти янги босқичга қўтарилади, унинг ваколатлари анча кенгайди. Аввало, қўйи палатанинг иши анча ўзгаради. Бу палата эртага доимий фаолият кўрсатувчи, профессионал органга айланади. Унга депутат бўлиб келадиган одамлар таркиби ҳам, сўзсиз, ўзгаради. Унинг моҳияти, иши, қўриладиган масалалар, қабул қилинадиган қонунлар сифати ўзгаради. Депутатлар бир чоракда йиғилиш билан чекланмасдан, ҳаётни чуқурроқ ўрганади, уларнинг сиёсий ўзгаришлар, ислохотларга таъсир қилиш имкониятлари кенгайди»¹.

¹ И.Каримовнинг референдум куни сайлов участкасида берган интерв்யусидан. 2002 йил, 27 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати жорий архиви, 2002 йил учун ҳужжатлар тўплами, 21—22-бетлар.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистонда икки палатали парламентни ташкил этиш зарурати ижтимоий тараққиёт талабларидан келиб чиқди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида халқимиз ўтиш даврининг қийинчиликларини енгиш билан банд бўлган бўлса, ҳозирги кунда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётимизда барқарорлик қарор топиб, кенг кўламли ривожланиш палласига қадам қўймоқдамиз. Демак, энди бизга ўтиш даври учун эмас, балки барқарор ривожланиш даври учун хос бўлган мукамал қонунлар керак. Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ профессионал асосда ишловчи икки палатали парламентнинг ташкил этилмаганлиги сабаблари ҳақида юридик фанлар доктори Э. Халилов шундай дейди: «Агар биз мустақилликка эришишимиз биланоқ дарҳол профессионал асосда ишловчи икки палатали парламент тузишни олдимизга мақсад қилиб қўйганимизда, Ўзбекистон парламентиغا доимий асосда ишлаш учун кимлар ва қандай кучлар келиши мумкинлигини, улар қандай қонунлар қабул қилишлари мумкинлигини ва умуман, мамлакатимиз қандай аҳволга тушиши мумкинлигини ҳозир тасаввур қилиш қийин эмас»².

Ўзбекистонда 2005 йилга қадар икки палатали парламент мавжуд бўлмаган. Шунинг учун парламент ислохотларини амалга оширишда, икки палатали парламентни шакллантириш билан боғлиқ қонунларни ишлаб чиқишда, бир томондан, Ўзбекистон сиёсий тизимининг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинган бўлса, иккинчи томондан, жаҳон тажрибаси чуқур ўрганилди. Жаҳон тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак, охириги вақтларда парламент палаталари сонининг ўсиши кузатилаётганини таъкидлаш жоиз. Маълумотларга кўра, «XX аср сўнгги ўн йилликларининг ўзида умуммиллий қонун чиқарувчи органлардаги иккинчи палаталар сони 45 тадан 70 тага кўпайди»³. Эътиборлиси шундаки, дунёнинг илғор мамлакатлари икки палатали парламентнинг афзаллигини тан

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Э.Х.Халиловнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиси еттинчи сессиясидаги Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш тўғрисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2001 йил 11, декабрь.

³ Ўша манба.

олиб, шунга мос равишда ўз парламентларини ислоҳ қилганлар. АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия, Германия, Япония, Швейцария каби мамлакатлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистондаги парламент ислоҳотлари мамлакатимиздаги қонун чиқарувчи олий органни фақатгина шаклан ўзгартиришга эмас, балки унинг фаолиятини моҳиятан такомиллаштириш, уни тараққий этган давлатлар тажрибасига таянган ҳолда ташкил этишга йўналтирилган. Дарҳақиқат, Ўзбекистон парламентининг фаолияти профессионал асосга қурилди. Яъни, қонунларни тайёрлаш ва қабул қилиш билан шуғулланадиган қуйи палата малакали юристлар, иқтисодчилар, сиёсатшунослардан иборат бўлди. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида қонунларни ишлаб чиқиш депутатлар учун асосий машғулот, касб-корга айланди. Соҳасининг билимдонлари, юқори малакали кадрлар, ўз касбининг усталари, бошқача айтганда, профессионалларнинг қуйи палатада доимий ишлаши қонунларнинг сифатига ижобий таъсир кўрсатиши муқаррар. Кўриниб турибдики, икки палатали парламент қонун устуворлигига асосланган ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг жаҳон тажрибасида синовдан ўтган воситаларидан бири саналади.

Табиийки, Ўзбекистонда икки палатали парламентни шакллантириш ва ривожлантириш жараёни илмий асосланган ёндошувни талаб этади, айниқса, профессионал парламентни сиёсий институт сифатида ўрганиш, уни шакллантириш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал қилиш чораларини кўриш ва истиқболни белгилашни шарт қилиб қўяди. Бу сиёсий жараённинг қандай кечаётганини, унга таъсир этган омилларни сиёсий фанлар нуқтаи назаридан чуқур илмий тадқиқ этиш ва зарур тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда профессионал парламент тизимининг сиёсий институт сифатида шаклланиши ва ривожланиши истиқболларини илмий тадқиқ этишнинг долзарблиги қатор объектив сабаблар билан боғлиқдир.

Биринчидан, Ўзбекистонда икки палатали парламентни шакллантириш жараёнлари бу соҳадаги жаҳон тажри-

басини ўрганишни тақозо этади, ривожланган демократик мамлакатлар, хусусан, ғарб давлатлари тажрибаси мисолида икки палатали парламентни шакллантиришнинг сиёсий асосларини илмий таҳлил қилиш заруратини туғдиради.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасида икки палатали парламентни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш бу жараённинг тараққиёти йўналишларини кўра билиш имконини беради ҳамда бу борада ташкилий қарорлар қабул қилишда катта назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Учинчидан, профессионал парламент тизимининг шаклланиши ва ривожланишида демократик институтларнинг ўрни ва ролининг таҳлил этилиши асосида мамлакатимизда ҳуқуқий давлат қуриш соҳасида олиб борилаётган ислохотларга илмий баҳо берилади ҳамда Ўзбекистондаги эркинлаштириш жараёнлари учун пухта назарий замин яратилади.

Тўртинчидан, Ўзбекистонда шакллантирилган икки палатали парламентнинг иш сифати, парламент томонидан қабул қилинажак қонунларнинг мукамаллиги халқимиз томонидан бу парламентга кимларнинг сайланишига бевосита боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан икки палатали парламентга сайловлар жараёнининг илмий таҳлил этилиши ва ушбу жараёнда сиёсий партиялар ролининг ўрганилиши бу жараёни такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар бериш учун замин яратади.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда профессионал парламент тизимининг сиёсий институт сифатида шаклланиши ва ривожланиши истиқболларини таҳлил қилиш ҳамда мазкур муаммо юзасидан илмий асосланган хулосалар чиқариш ҳозирги кунда сиёсий фан вакиллари олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

I-БОБ

ПАРЛАМЕНТНИНГ СИЁСИЙ ТИЗИМДАГИ ЎРНИ ВА РОЛИ

1. Парламент: генезиси, моҳияти ва ривожланиши

Ўзбекистон тарихий ривожланиш тажрибаси ва давлат мустақиллигига эришиши жамият ва давлат бошқаруви-нинг мукамал институтларини яратди. Жамиятни бошқариш асрлар ўтиши билан инсон ҳуқуқлари ва қадр-қимматини сақлашга хизмат қилиши билан такомиллашиб борди. Бу соҳадаги кашфиётлардан бири ҳокимиятларнинг ўзаро тақсимланиши бўлди. Маълумки, ҳуқуқий давлатга ўтиш ва унинг барқарорлигининг кафолатларидан бири ҳам ҳокимиятлар тақсимланиши принциpidир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда замонавий парламент босқичма-босқич шаклланди. Олий Мажлис жамиятдаги турли ижтимоий табақалар иродасини ифода-лаш ва улар манфаатларини рўёбга чиқаришнинг ҳақиқий институтига айланди. Бунинг асосий сабаби шундаки, мамлакат ҳукумати ва парламенти ҳамжиҳатликда илғор хорижий тажрибаларни, шунингдек, миллий анъаналарни ўрганиш асосида йилдан-йилга парламентчилик ислохотларини изчиллик билан амалга ошириб бордилар. Айниқса, ўз мамлакатларида фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этган давлатлар тажрибаси синчковлик ва қунт билан ўрганилди. Шунингдек, парламентнинг келиб чиқиш сабаблари, унга бўлган дастлабки заруриятлар, парламентнинг сиёсий тизимдаги ўрни чуқур ўрганилди. Шу билан бирга бу соҳадаги ислохотлар изчиллик билан давом этмоқда. Мамлакатда қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятлари мустақиллигини таъминлаш, уларнинг ўзаро мувозанатлашиши асосида жамият барқарорлигининг доимийлигига эришиш ислохотларнинг муҳим ва долзарб йўналишига айланди.

Мамлакатда икки палатали парламентни шакллантириш борасида илғор тажрибалар кенг қўлланилиши табиий ҳолга айланган. Ислохотларнинг ҳозирги босқичида илк

парламентларнинг пайдо бўлиш заруриятига бўлган қизиқишлар янада ортди. Икки палатали парламентларнинг жамият ва давлат ҳаётидаги аҳамияти ва ўрнини англаб етиш учун унинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш, замонавий парламентаризмнинг тараққиётини тадқиқ этиш зарурияти туғилади.

Аслида, «парламент» сўзининг ўзаги французча «parler» дан келиб чиққан бўлиб, у «сўзламоқ» ёки «гапирмоқ» маъносини англатади. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, парламент ўзининг тарихий кўринишларида, асосан, фикр ифодалаш ва шу билан давлат сиёсатига у ёки бу кўринишда таъсир ўтказиш жойи бўлиб келган. Аммо бугунги кунга келиб, замонавий парламентлар давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи олий вакиллик органи, сиёсий тизимнинг ажралмас таркибий қисми, мустақил сиёсий институт сифатида шаклланди.

Замонавий парламентлар вазифасидан келиб чиқиб, уларнинг аҳамияти хусусида хулоса чиқариш мумкин:

Биринчидан, парламентнинг қонунчилик вазифаси шахсни, жамиятни, давлатни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш имконини беради. Зеро, қонунлар ҳуқуқнинг асосий манбаи бўлиб, унга риоя этиш ҳар бир фуқаро, давлат органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ва демократик институтларнинг ижтимоий мажбуриятидир.

Иккинчидан, парламент давлат ҳокимияти институтлари тизимида сайлаб қўйиладиган асосий вакиллик органи саналади. Бу эса унинг фуқаролар учун очиқ ва демократик табиатини белгилаб беради.

Учинчидан, парламент ўзининг таъсири, ваколатлари нуқтаи назаридан ҳокимият шохобчалари ичида муҳим аҳамият касб этади. Турли ижтимоий манфаатлар ва қарашларнинг айнан парламентда жамланганлиги жамият аъзолари, ҳокимият шохобчалари, «марказ» ва «худуд» ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган турли зиддиятларнинг олдини олиш имконини беради.

Умуман, сиёсий фанга доир қатор адабиётларда парламент демократиянинг муҳим шарти, ҳокимиятлар бўлиниши тамойилининг асосий механизмларидан бири сифатида талқин қилинади. Масалан, «Сиёсатшунослик: энциклопедик луғат»да парламентга «жамиятдаги ижти-

мой қатламлар вакиллигини таъминловчи сайлаб қўйиладиган олий қонунчилик органи»⁴, сифатида таъриф берилган.

«Парламентаризм» атамасига тўхталадиган бўлсак, унинг турли хил маънолари борлигига гувоҳ бўламиз. Баъзи олимлар томонидан парламентаризм «ҳокимиятлар бўлиниши тамойили асосида бошқариладиган тизимда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг устуворлиги»⁵ сифатида таърифлаганлар. Бироқ бу таъриф «парламентаризм» атамасининг моҳиятини тўла очиб бера олмайди. Одатда «парламентаризм» деганда, парламент ҳақида, унинг ривожланиши ва шаклланиши, фаолият юритиши ҳақидаги барча қарашлар, фикрлар ва ҳуқуқий меъёрларнинг йиғиндиси тушунилади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, парламентаризм бу кўп қиррали универсал ҳодиса бўлиб, ҳар бир мамлакатда ўзига хос кўринишига эга.

Умуман, парламент нафақат қонунчилик ва вакиллик функциялари билан, балки ҳокимиятлар бўлиниши принципини амалга ошириши билан ҳам аҳамиятлидир. Бу эса замонавий демократиянинг энг асосий шартларидан бирига айланган. Бу ҳақда таниқли ҳуқуқшунос олим Э. Халилов шундай ёзади: «XXI асрнинг бошларига келиб, оддий бир ҳақиқат — тўла ваколатга эга бўлган парламентсиз мамлакатда тўлақонли демократия бўлиши мумкин эмаслиги яққол кўзга ташланиб қолди. Бинобарин, фуқаролар демократия тўғрисидаги тасаввурларини аввало давлатни идора этишда ўзлари иштирок этишларининг реал имконияти билан, қолаверса, парламент орқали қонун ижодкорлиги жараёнига таъсир кўрсата олиш имкониятлари билан боғлайдилар»⁶.

Таниқли сиёсатшунос олим С. Жўраев ҳокимиятлар бўлиниши принципининг демократик жамият барпо этишда нақадар аҳамиятли эканлигини таъкидлаб, «жамият

⁴ Политология: энциклопедический словарь./обш.ред.и сост.: Ю. И. Аверьянов. М.: Изд-во.Моск.коммерч.Ун-та. 1993.— С.204.

⁵ Юридическая энциклопедия М.: 1997. — С.178.

⁶ Халилов Э. Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи олий органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. Т.: Ўзбекистон. 2001. 5-бет.

демократлашувини таъминлашнинг сиёсий-ҳуқуқий механизми — бу сиёсий системанинг демократик қоидалар асосида шаклланиб бориши ва фаолият кўрсатишидир. Бунда ҳокимиятнинг бўлиниши принципи муҳим аҳамият касб этади. Ҳокимиятнинг бўлинишида унинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши назарда тутилади. Ҳокимият халқ учун ишлаши, унинг юқоридаги бўлимлари орасидаги ўзаро муносабат демократик шаклда бўлиши керак»⁷, деб ёзади.

Аммо шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, баъзи олимларнинг фикрича, парламент ўзининг конституция ва қонунларда белгиланган ваколатлари доирасида фаолият юритган тақдирдагина у демократияга хизмат қилиши мумкин. Масалан, таниқли олимлар Леонид Левитин ва Дональд Карлайл: «Парламент — демократиянинг бош газнаси эканлигига оид хомхаёллар узоқ тарихга эга. Парламентаризмнинг таржимаи ҳоли, бу Афинада ақидапараст-писсистратларнинг бошқаруви, Римда Сенатнинг дунёга келиши ва Буюк Француз инқилоби миллий Конвентининг хотираси ҳамдир... буларнинг барчаси вакиллик муассасалари бутунлай демократик бўлмаганига айланиб кетишга қодирлигини яққол кўрсатиб турибди»⁸, деб ёзадилар. Тўғри, бугунги кунда, вужудга келган айрим ёш мустақил мамлакатлар парламентлари фаолиятида ўз ваколатларидан чекиниш, парламентни доимий кураш ва зиддиятлар минбарига айлантириш ҳолатлари кузатилади. Дарҳақиқат, парламент турли сиёсий кучлар, турли табақа вакиллари ва турли ғоялар жамланган орган эканлигини эътиборга олсак, у ўзининг демократик табиатини сақлаб қолиши учун фақат қонунда кўрсатилган ваколатларини амалга ошириши лозимдир, деган фикрга ҳам қўшилиш мумкин. Аммо парламентнинг демократик тузумдаги белгиловчи ролини инкор этиш мумкин эмас.

⁷ Жўраёв С. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт / Илмий-таҳлилий мақолалар тўплами/. — Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институтини нашр., 2003. 194-бет.

⁸ Левитин Л., Карлайл Д. Ислоҳ Каримов — янги Ўзбекистон Президентини. — Т.: Ўзбекистон. 1996.—107.

Шу ўринда, парламентнинг сиёсий институт сифатида шаклланиши тарихига назар ташлаш лозим. Франциядаги Людовик IX (1226—1270) қироллиги даврида шаклланган Париж парламенти суд палатаси функцияларини бажарган эди. Ўша даврларда Франция провинцияларининг аста-секинлик билан қирол ерларига ўтиб бориши натижаси ўлароқ провинцияларнинг ҳам парламентлари тузилган эди. Мазкур парламентлар ҳам провинция олий суди функцияларини амалга оширар эди. Марказдаги Париж парламенти эса бутун мамлакат миқёсидаги шикоятларни ўрганиш ва уларга нисбатан чора-тадбирлар кўришнинг олий даражаси мақомига эга эди⁹.

XIV—XVII асрларда бу парламентлардаги олий насабли амалдорларни сиқиб чиқариб, унда доимий ишлаш касбларига айланган легистлар Франция мутлақ тузумини мустақамлади ва улар қиролни йирик феодалларнинг ажралиб чиқиш ёки мустақил бошқаришга доир ҳаракатларига қарши курашига ёрдамлашиб келди. Лекин, айни пайтда улар қирол ҳокимиятини ўз назорати остига олиб, унга таъсир этишга ҳам интилдилар. Шу сабабли ҳам қироллар уларнинг кучайиб кетишига қарши чоралар кўриб келганлар.

Франциядаги табақавий вакиллик маҳаллий провинциал ва Генерал штатлардан иборат ҳолда шаклланган эди. Аслида Генерал штатлар мамлакатнинг умумдавлат миқёсида марказлашуви даврининг таркибий қисми эди. Генерал штатлари табақалари учта палатадан иборат бўлиб, уларнинг мажлислари алоҳида ўтказилган. Биринчи палата қирол томонидан шахсан таклиф этилган прелатлардан иборат эди. Ундан ташқари, бу палатага провинциялардаги руҳонийлар, черковларда сайланган прелатлар, черков мансабдорлари ҳам аъзо эдилар. Иккинчи палата аъзолари эса йирик ер эгаларидан иборат бўлиб, улар асосан дунёвий бойлар табақаси вакиллари эди. Бу палата аъзолари ҳам шахсан қирол томонидан таклиф этилган. Учинчи палата таркиби эса шаҳарлар вакиллари — шаҳар бошқаруви вакилларидан иборат бўлиб, уларни асосан бой ва

⁹ История Франции. В 3-х томах. Т. 1. Отв. ред. А. З. Манфред. — М.: Наука, 1972, с. 99—100, 107.

таъсирли шаҳарликлар ташкил этган. Бу палата аъзоларини кейинроқ «учинчи табақа» деб аташ расм бўлди. Мазкур палата аъзолари кўпинча тўғридан-тўғри шаҳар жамоасида сайланар ёки шаҳар кенгаши томонидан тайинланар эди.

Ҳар бир палата бир овозга эга бўлиб, икки палата қарорини учинчи палата қайтадан қабул қилиши шарт эмас эди. XV асрнинг охиридан бошлаб эса ҳар учала палаталар аъзоларининг сайланиши одатий ҳолга айланди. Шунга қарамай, Генерал штатлар мунтазам ишлаб турувчи доимий органларга айлана олмади. Генерал штатлар қачонки қирол қийин аҳволга тушиб қолганида, уни моддий ёки сиёсий қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезилгандагина чақирилар эди. Генерал штатлар мажлисини чақириш ҳуқуқи ҳам фақат қиролга берилган эди. Албатта, у баъзан сиёсий масалаларни ҳам муҳокама этар, лекин у қонунларни расман тасдиқламас эди. Бу жиҳатлардан у инглиз парламенти даражасига кўтарила олмади.

1789 йилда учинчи табақа депутатлари ўзларининг мажлисини Миллий мажлис (кейинроқ Таъсис мажлиси) деб атай бошладилар. Шу тариқа 1791 йилнинг октябрида Франция қонун чиқарувчи мажлиси чақирилгунга қадар мазкур Таъсис мажлиси мамлакатнинг вакиллик ва қонун чиқарувчи органи функциясини бажарди.

Таъсис мажлиси Француз инқилобининг дастлабки кунларидан бошлаб янги давлат ҳокимияти принципларини ишлаб чиқиш мақсадларида конституция ишлаб чиқишга киришди. Бу йўлдаги энг муҳим босқич — «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларацияси»нинг қабул қилиниши бўлди. Бу машҳур ҳужжатда асосан учинчи табақанинги сиёсий талаблари шаклланган эди. Мазкур Декларацияга мувофиқ инсон табиий ва доимий ҳуқуқларга эга мавжудот сифатида тан олиниб, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилмаслик — ҳукумат фаолиятида қусурлар келиб чиқишининг асосий сабаби сифатида эътироф этилди. Эркинлик, мулкчилик, хавфсизлик ва зулмга қаршилик кўрсатиш кабилар инсоннинг табиий ҳуқуқлари сифатида эълон қилинди.

Декларацияда давлат ҳокимиятининг миллий суверенитет сифатида ифодаланиши концепцияси ҳам ўз ифо-

дасини топди. Унга биноан: «суверенитет манбаи моҳиятан миллатга таянади. Давлатдаги ҳар қандай ҳокимият, жумладан, қирол ҳокимияти ҳам ана шу манбадан келиб чиқиши лозим. Жамият ҳар бир мансабдор шахсдан унга топширилган бошқарув фаолияти юзасидан ҳисобот сўрашга ҳақлидир»¹⁰. Шунингдек, Декларациянинг 6-моддаси куйидаги принципни ўзида мужассамлаштирган эди: «Қонун умумироданинг ифодасидир. Ҳар бир фуқаро шахсан ўзи ёки вакиллари орқали қонун қабул қилиш жараёнида иштирок этишга ҳақлидир. Қонун қоралаш ва ҳимоялашда ҳамма учун баб-баравар амал қилиши лозим. Барча фуқаролар қонун олдида тенгдирлар»¹¹. Шунингдек, шубҳаланиш асосидаги айблов ўрнига айбсизлик презумпцияси (айбсиз бўлиб чиқиш эҳтимоли) ҳам эълон қилинди. Умуман, Декларация дунёдаги барча халқлар тараққиёти учун муҳим ўринга эга бўлган ғояларни ўзида мужассам этган эди.

Таъсис мажлиси 1791 йилнинг 3 сентябрида биринчи Конституцияни қабул қилди. Унда Декларацияда эълон қилинган демократик ҳуқуқлар янада кенгайтирилди. Конституцияда фуқароларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиш эркинлиги, мажлислар ўтказиш, давлат органларига эркин мурожаат этиш, диний эътиқод эркинликлари, диний мансабдорларнинг сайланиш ҳуқуқлари эътироф этилган эди.

Қонун чиқарувчи ҳокимият — Миллий Қонун чиқарувчи мажлис томонидан амалга оширилиши кўзда тутилди. Бу мажлиснинг ҳар йили солиқларни ўрнатиши, вазирлар ҳисоботини эшитиши, давлат маблағлари сарфини назорат этиши каби ҳуқуқлари унинг жамиятдаги ўрнини беқиёс кўтарди. Фақат шу мажлисгагина қонун чиқариш ташаббуси, қонунлар қабул қилиш, уруш эълон қилиш ҳуқуқлари берилди. Шунингдек, конституцияда янги маъмурий бўлиниш, яъни Франциянинг департаментлар, ди-

¹⁰ Конституции зарубежных государств. М.: Изд-во БЕК, 1996. Constitution Francaise du octobre 1958//La Documentation Francaise documents d'etudes. Droit constitutionnel et institutions politiques. 1/4/P. Edition 1996. Ст.—3. С 135.

¹¹ Ўша жойда.

стриктлар (округлар) ва кантонлардан иборат тузилиши ҳам ифода этилди¹².

Бу даврда Францияда Ш. Монтескьенинг ҳокимиятларнинг бўлиниши принципига доир ғоялари кенг ёйилган эди. Бу ҳақда Ш. Монтескье шундай деб ёзган эди: «Ҳокимиятнинг суистеъмол қилинишига имконият яратмаслик учун шундай тартиб ўрнатиш муҳимки, бунда турли ҳокимиятлар ўзаро бир-бирини ушлаб турсинлар. Шундай давлат тузуми ўрнатиш керакки, унда қонунлар мажбурламайдиган ишни қилишга ҳеч ким зўрлай олмасин, қонунлар йўл бермайдиган ишни қилмасин»¹³. Албатта, мутафаккирнинг бу ғоялари Франция инқилоби ва ундан кейинги даврлардаги парламент фаолиятида, конституциялар ишлаб чиқишда, қонунчилик соҳасида мамлакатдаги демократик руҳдаги сиёсий арбобларнинг диққат марказида турди.

1793 йил 24 июлда қабул қилинган конституция Ж. Руссо ғоялари асосида янада кўпроқ демократик қоидаларни ўзида мужассам этди. Унга биноан ҳар бир французга умумий таълим, давлат таъминоти, чекланган матбуот эркинлиги, петициялар уюштириш, халқнинг жамиятда бирлашиш ҳуқуқлари эълон қилинди. Бу конституция ҳам фуқароларни деспотизм ва давлат ҳокимияти ўзбошимчаликларидан ҳимоялаш кафолатларини яратишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Францияда иккинчи (1871—1917), учинчи (1918—1945) ва тўртинчи (1946—1958) республикалар даврида парламентнинг мавқеи ва мақоми турли хил нисбатлардаги ўзгаришларга учради. Лекин у ўзининг қонун чиқарувчилик, ижроия ҳокимияти устидан назорат ўрнатиш, ҳокимиятлар ўртасидаги нисбат ва мувозанатни ушлаб туриш каби ўзининг асосий функцияларини бажара олиш қобилиятини сақлаб келди. Лекин бешинчи республика даврида парламент мамлакатдаги сиёсий воқеликнинг ифодаланиши ўлароқ жиддий ўзгаришларга учради. Бешинчи республика конституциясига биноан «Франция Республикаси пар-

¹² Қаранг: Конституции и законодательные акты буржуазных государств XVII—XIX вв. Сб. док. — Москва, 1957, с. 131—144.

¹³ Монтескье Ш. Л. Избр. произв. М.: 1955. с. 169.

ламенти икки палатадан — қуйи палата бўлган Миллий мажлис ва юқори палата ҳисобланмиш Сенатдан иборат бўлди»¹⁴.

Англиядаги илк парламент эса ҳозирги даврдаги парламент ўтмишдоши сифатида шаклланди. Англия қироли Иоанн (1199—1216) монархияни мустақкамлаш мақсадида жамиятдаги турли ижтимоий табақаларга тазйиқ ўтказишни кучайтирди. Қирол томонидан йирик магнатлар ерларини ўзбошимчалик билан тортиб олиш, уларни қамаш ва қатл этиш, эски анъаналарни қўпол равишда бузишларга қарши реакция сифатида мамлакатда зодагонлар мухолифати пайдо бўлди. 1215 йилда мухолифат қиролга қарши очиқдан-очиқ уруш эълон қилди. Натижада 1215 йил 15 июнда қирол «Эркинликларнинг буюк хартияси» ҳужжатини имзолади.

«Эркинликларнинг буюк хартияси» қиролнинг ўзбошимчилигини анча чеклади. XIII асрнинг 20—40-йилларида солиқлар ва йиғимларнинг ортиб бориши, Англияга нисбатан папанинг таъсири кучайиб бориши натижасида 1258 йилда яна сиёсий ҳаракатлар ва тўқнашувлар бошланди. Шу йили Оксфордда магнатлар кенгаши тўпланиб, у «Оксфорд тадбир-мўлжаллари» ҳужжатини тасдиқлади. Унга мувофиқ мамлакатда баронлар олигархияси ўрнатилди. Улар барча ҳокимиятни 15 та барондан иборат кенгашга бериб, бу кенгашнинг розилигисиз қирол ҳеч қандай қарор қабул қилиши мумкин эмас эди.

Англияда парламент тадрижоти қирол Эдуард I (1272—1307) даврига келиб ўз ниҳоясига етди. Шундан бошлаб инглиз давлати ўзида чекланган монархия шаклини ифодалай бошлади. Парламентга қиролнинг шахсий хатига биноан руҳонийлар, зодагонлар ва бошқа вакиллар таклиф қилинар эди. Вакилликка номзодлар графликдаги маҳаллий мажлислар, шаҳарлик номзодлар эса фуқаролар иштирокидаги йиғинларда сайланар эдилар. «1297 йилдан бошлаб, — деб ёзади Англия парламенти тарихини ўрганган олим В. Гутнова, — узоқ давом этган зиддиятлар на-

¹⁴ Leorganisation Administrative de la France. Centre National de la fonction publique territoriale (CNFPT). -P., 1993. P. 17—20.

тижаси ўлароқ парламентга солиқларни белгилашда иштирок этиш ҳуқуқи берилди.

Англияда XIV асрнинг биринчи ярмидан бошлаб илк бор парламент ўзининг иккита (юқори ва қуйи) палатага бўлинган ҳолдаги фаолиятини бошлади. Юқори палата — лордлар палатасида прелатлар ва баронлар, қуйи палата — жамоалар палатасида рицарлар ва шаҳарлар вакиллари мажлис қилиши одатга айланди. Рицарлар билан шаҳарлар вакилларининг мустаҳкам иттифоқи қуйи палатани сиёсий жиҳатлардан анча таъсирчан бўлишини таъминлади. Шу даврдан бошлаб парламент солиқларни ўрнатишдан ташқари мақомлар (қонунлар) қабул қилишда ҳам қатнашиш ҳуқуқини олди. Қонунлар жамоалар палатаси петицияси (сўрови) асосида қирол ва лордлар палатаси томонидан қабул қилина бошлади.

Парламент мамлакатда сиёсий ҳокимият тақсимланиши принципини ўрнатди, қирол ва унинг мансабдорлари ўзбошимчаликларини чеклади. Шу билан бирга, парламентнинг шаклланиши натижасида давлатни даврнинг илғор табақалари — рицарлар ва шаҳарликлар сиёсий иродалари ва манфаатларини ифодалаш ҳамда уларни қонунлар ва бошқа ҳуқуқий меъёрлар қабул қилишда эътиборга олиш учун мустаҳкам пойдевор яратилди.


XV—XVI асрларда Англия жамиятидаги турли ижтимоий табақалар манфаатларининг парламентдаги тўқнашуви, уларнинг парламентдаги мулоқотларда нисбатан ўзаро мувофиқлашуви мамлакат миқёсидаги зиддиятларни тинч йўл билан ҳал этишга шарт-шароит яратиб, нисбатан барқарор жамият шаклланишини таъминлади.

Давлат сиёсий тизимида парламентларнинг шаклланиши ва ривожланиши, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнининг пайдо бўлишига доир тарихий тадрижийлик парламент тизими шаклланишининг классик намунаси бўлган Англия ва Франция мисолида ўзининг ёрқин ифодасини топганлигини қисқача тарзда кузатдик. Лекин шу билан бирга Фарбий Европа мамлакатларининг деярли барчасида ўрта асрлардан бошлаб илк парламентларнинг шаклланиш жараёнлари бошланди. Илк парламентлар шаклланиши Европадаги давлатни идора этишнинг ҳам парламентар монархия, ҳам

республика шаклидаги давлатларда ва деярли бир даврининг ўзида рўй берди. XX асрнинг 90-йиллар ўрталарида Европа Иттифоқига аъзо бўлган мамлакатлардан саккизтаси республика, еттитаси эса монархия тузумидаги давлатлар эканлиги фикримиз далилидир. Айниқса, Европа давлатчилигининг XX асрдаги ривожланиши ҳозирги замонавий парламентларининг ҳар томонлама такомиллашувини таъминлади. Европада парламентлар пайдо бўлиши, фаолият кўрсатиши, иш услублари, тузилмавий таркиби турлича бўлиши уларнинг демократик қадриятлар асосида фаолият кўрсатиши учун монелик қилмади. Бошқача айтганда, уларнинг шакли турлича бўлгани билан моҳиятлари жиҳатидан бир-бирларига монанд равишда ривожландилар. Улар ҳокимиятлар тақсимланишидаги қонунчилик ҳокимияти функцияларини бажаришга қобил бўлган сиёсий институтга хос барча мезонлар ва жиҳатларни ўзларида ифодалай бошладилар. Шу билан бирга, Европа мамлакатларидаги ҳокимият бўлинишида парламент қонун чиқарувчи ҳокимият ва олий вакиллик органи сифатида анча устуворлик касб этмоқда.

Ривожланган Европа давлатларида парламент сиёсий тизимда муттасил ва доимий равишда иштирок этади. Бу мамлакатларда асосан икки палатали парламентлар (Дания, Швеция, Португалияда бир палатали) шаклланди. Парламентнинг қуйи палаталари асосан умуммиллий вакиллик органи сифатида шаклланди. Кўпчилик федератив Европа давлатларида юқори палаталар федерация субъектлари манфаатларини ўзларида ифода этади. Англияда эса юқори палата ўрта асрлардаги табақавийликнинг ифодачиси сифатида фаолият юритади.

Европа мамлакатларида парламент палаталарининг фаолияти ҳам, шаклланиши ҳам турличадир. Бу соҳадаги умумийлик шундан иборатки, қуйи палаталарнинг таркибини умумий ва тўғридан-тўғри сайланган депутатлар ташкил этади. Шу билан бирга, сайловларда тенглик ва яширинлик принципларига амал қилинади. Парламентларни шакллантириш омили бўлган сайловларнинг аксарияти мажоритар тизимда амалга оширилади. Яъни, сайлов округидаги депутатликка номзодлардан нисбатан кўпроқ овоз олишга муваффақ бўлгани депутатлик мандатини олишга



эришади. Бу сайлов тизими Буюк Британия, Австралия, Канада каби икки партиявийлик тизими амал қиладиган мамлакатларда сиёсий барқарорликни сақлаш кафолатларидан биридир.

Сайловнинг пропорционал тизимига асосланган мамлакатларда эса сайловчилар номзодларга эмас, балки партиявий рўйхатларга овоз берадилар. Бу тизимда кичик партиялар ҳам ўз номзодларини ўтказиш имкониятларига эга бўладилар ва улар ҳисобига кўппартиявийлик тизими устуворлик қилади. XX асрнинг 80—90-йилларида бу сайлов тизими жорий этилган мамлакатларда кўплаб ҳукумат инқирози рўй берганлиги учун ҳам улар депутатларнинг бир қисмини мажоритар, иккинчи қисмини эса пропорционал тизимда сайлаш амалиётига ўтдилар.

Жаҳондаги барча мамлакатларнинг молиявий ва бюджетга доир қонунлари лойиҳалари қуйи палата томонидан қабул қилинади. Маълумки, бюджетга тушадиган тушумлар асосан аҳолидан солиқ сифатида олинади. Шунинг учун ҳам молиявий масалалар федерация субъектлари вакиллари — юқори палата томонидан эмас, балки халқнинг бевосита вакили бўлган қуйи палата томонидан ҳал этилади. Шунинг учун ҳам фақат қуйи палата ҳар қандай турдаги солиқлар ўрнатишни тасдиқлаш ёки рад этиши мумкин. Шунингдек, солиқлар ҳукумат дастурини амалга оширишнинг моддий имкониятларини ҳам белгилайди. Ундан ташқари, парламент бюджетнинг ижросини назорат қилиш ваколатларига ҳам эгадир. Кўпинча бу функцияни парламентнинг комиссияси, қўмитаси ёки парламент томонидан тузилган махсус молиявий назорат органи, ёки бош аудитор бошқармаси, ҳисоб палатаси кабилар бажаради. Ҳуқуқий давлатларга хос парламентлар ташқи сиёсат ва мудофаа соҳасида ҳам муҳим ўрин тутади¹⁵.

Умуман, Шимолий Америка, Европа давлатлари, Осиёнинг илғор мамлакатлари, Австралия парламентларининг шаклланиш ва фаолият кўрсатиш жараёнларини ўрганиш

¹⁵ Қаранг: Скидмор М. Дж., Трипп М. К. Американская система государственного управления. Вводный курс. — Москва: СП «Квадрат», 1993, с. 152—188; Oleszek W. Congressional Procedures and the Policy Process. 2d ed. Wash., 1984. P. 111—152.

жаҳондаги барча демократик қадриятлар асосида ишлаётган парламентлар тўғрисида умумий хулосалар чиқаришга имкон беради.

Ривожланган давлатлар парламентлари тузилишининг анъанавий тизими бикамерализм (икки палатали) бўлиб қолмоқда. Юқори палата дастлаб аристократия вакиллиги сифатида ва куйи палата радикализмини пасайтириб турувчи посанги воситаси вазифасини бажариш учун шакллантирилган. Юқори палата федератив давлатларда кенг тарқалиб, улар асосан федерация субъектлари манфаатлари ифодачиси сифатида намоён бўлдилар.

Парламентларнинг компетенциялари нафақат уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаб беради, балки парламентларнинг мамлакат сиёсий ҳаётида бошқа олий давлат органлари билан ўзаро муносабатларини ҳам мувофиқлаштиришга имкон беради.

Халқаро конституционализмда парламентлар компетенцияларини аниқлашнинг уч хил усули шаклланган:

1) мутлақ аниқ компетенцияларга эга бўлган, бунинг учун конституция қонун чиқариш фаолияти учун аниқ масалалар рўйхатини ўрнатган парламентлар. Бу каби парламентлар ўз ваколатлари чегарасидан чиқиш ҳуқуқига эга эмаслар. Акс ҳолда, суд ҳокимияти улар қабул қилган мезъорий актларни бекор қилади (масалан, АҚШ конгресси)¹⁶;

2) компетенциялари мутлақ аниқ бўлмаган, яъни, ҳуқуқий жиҳатлардан чекланмаган ваколатларга эга бўлган ва ҳар қандай масала бўйича қонунлар қабул қилиш ҳуқуқига эга парламентлар (масалан, Буюк Британия, Италия, Янги Зеландия, Ирландия ва бошқалар)¹⁷;

3) нисбатан маълум компетенцияларга эга бўлган парламентлар. Бу каби парламентлар ўзларининг ҳокимиятга доир функциялари чегаралари анча нисбийдир (масалан, Ҳиндистон ва Германия Федератив Республикаси парламентлари)¹⁸.

¹⁶ Қаранг: Лафитский В. И. Конгресс США. В кн.: Парламенты мира. — Москва: Высшая школа, 1991, с. 293—342.

¹⁷ Парламенты мира. Москва: Высшая школа, 1991, с. 63—122, 159—202.

¹⁸ Қаранг: Основной Закон Федеративной Республики Германии. — Бонн, 1998, с. 34—40.

Парламентларнинг ички сиёсий ваколатлари чекланган характерга эгадир. Парламентлар деярли амалда ташқи сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга ҳал қилувчи таъсир ўтказиш имкониятларига эга эмаслар. Улар ҳукуматнинг ташқи сиёсатини назорат қилишда нисбатан иштирок этиши ва у ҳақда фикрлар билдириши мумкин. Одатда, бу каби функциялар ташқи ишлар бўйича палаталарнинг кўмига ёки комиссияларига берилади. Уруш эълон қилиш ва тинчлик масалаларини ҳал этишда ҳам парламент фақат расмий ҳуқуқларга эгадир. Бу ваколатлар асосан ҳукуматлар кўлида тўпланган. Парламентнинг халқаро битимларни ратификация ва денонсация қилиш ҳуқуқига келсак, бу ваколат ҳам унчалик таъсирли эмас. Кўпчилик ҳолатларда ҳукуматлар парламент томонидан ратификация қилинмайдиган халқаро битимлар тузишга ҳақлидирлар.

Барча хорижий конституцияларда парламентнинг бош вазифаси — қонунлар қабул қилиш ваколати мустақкамлаб кўйилган. Назарий жиҳатдан қараганда фақат парламент қонунлар қабул қилишнинг суверен ҳуқуқига эгадир. Булар қуйидагилардан иборатдир:

Биринчидан, бюджет қабул қилиш ва бошқа молиявий ваколатлар парламентнинг кўҳна ваколатларидан биридир. Лекин ижроия ҳокимиятни қанчалик идора этиш қобилиятини мустақкамлигига боғлиқ ҳолда молиявий ваколатлар нисбатан парламентдан ҳукуматга ўтиб бормоқда. Замонавий ривожланган индустриал давлатларда бюджетни тайёрлаш ва унинг ижросини амалга ошириш ва бошқа молиявий ваколатлар деярли ҳукуматларга ўтиб бормоқда. Бу соҳада парламентларнинг фаолиятлари анча пасайди. Ҳуқуқий жиҳатлардан барча молиявий қонунчилик парламент ташаббуси билан шаклланиши лозим. Амалиётда эса парламент бу соҳада номинал рол ўйнамоқда. Парламент бюджет муносабатларида фаол бўла олмаслигининг асосий сабаби — унга бу соҳага доир маълумотлар ва ахборотларнинг етишмаслигидир.

Иккинчидан, ҳукумат фаолияти устидан назорат қилиш парламентнинг муҳим ваколатларидан биридир. Лекин ҳукумат устидан парламент назоратини амалга ошириш фақат демократик режимларга тааллуқли. Президент бош-

қарувидаги республикаларда парламентларнинг назорат ваколатлари турлари нисбатан камроқ учрайди. Парламентар республикаларда эса аксинча, парламентлар бу йўналишда кенг ваколатларга эга бўлиб, улар ҳукуматга тегишли бўлган парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқи билан мувозанатлаштирилади.

Парламентларнинг ҳукуматлар фаолияти устидан назорат қилишларининг асосий усуллари қуйидагилардан иборатдир:

- ишонч тўғрисидаги масалани қўйиш. Бу фақат ҳукуматлар парламент (асосан қўйи палата) олдида масъулликка эга бўлган парламентар республикаларда қўлланилади;
- танбеҳ бериш резолюциясини қабул қилиш. Бу ишончсизлик билдиришдан фарқ қилиб, ҳукумат ташаббуси билан эмас, балки палаталар таклифи билан билдирилади;
- интерпелляция. Бунда ҳукуматга мурожаат қилиниб, ҳукуматнинг амалга ошираётган ички ёки ташқи сиёсати, шунингдек, у ёки бу аниқ масала юзасидан тушунтириш беришни талаб қилишдир. (Масалан, Италия, Бельгия, Дания, Финляндия, Нидерландия, Норвегия, Япония каби мамлакатларда). Буюк Британия ва Буюк Британия ҳуқуқий тизимини қабул қилган мамлакатларда интерпелляция қўлланилмайди. Шунингдек, интерпелляцияни киритиш фақат қўйи палаталар томонидан амалга оширилади;
- оғзаки ва ёзма саволлар бериш. Бу шакл парламентар республикаларда кенг тарқалган бўлиб, у нафақат ҳукуматни назорат қилиш учун, балки уни танқид қилиш учун ҳам қўлланилади;
- идора этиш шаклидан қатъи назар барча мамлакатлар парламентлари томонидан тузиладиган суриштирув қўмиталари ва комиссиялари фаолияти.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, жаҳондаги парламентлар турли тарихий шароитларда ташкил топганлиги, уларнинг тузилишидаги фарқланишлар, шунингдек, уларнинг миллий анъанавий хусусиятларга эга эканликлари мазкур парламентларнинг қонун чиқарувчи ҳокимият сифатидаги ўрни ва ролига ҳеч бир монелик қилмайди.

Шунингдек, жаҳон парламентлари ўзларининг тадрижий тараққиёти давомида профессионал парламент даражасига эришишга интиланлар.

Шу ўринда, «профессионал парламент» атамасига тўхталиб ўтиш лозим бўлади. Юқорида таъкидланганидек, парламент давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи шохобчасидир. Шу билан бирга, парламентнинг профессионал табиатини ҳам белгилаб берувчи бир қатор омиллар мавжуд. Биринчидан, нафақат қонун чиқариш функциясини бажарадиган, балки ҳокимиятлар бўлиниши тамойилини амалда қўллаш имконини берадиган, халқ вакиллигини ҳаққоний амалга ошира оладиган парламентнигина «профессионал парламент» деб аташ мумкин бўлади. Иккинчидан, депутатларнинг парламент ишида доимий иштирок этиши, яъни уларнинг ваколат муддати давомида қонун яратиш билан бевосита шуғулланишлари, уларнинг бошқа турдаги фаолият билан шуғулланмасликлари ҳам профессионал парламентнинг муҳим белгисидир. Учинчидан, профессионал парламентнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, унинг аъзолари қонунчилик фаолиятини яхши тушунадиган, бу жараённинг масъулиятини ҳис этадиган мутахассис бўлишлари лозим.

Замонавий парламентларнинг юксалиб ва такомиллашиб бориши натижасида XX асрда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг яшаши учун муҳим бўлган — давлат ҳокимиятининг учга тақсимланиши принципини амалга ошириш имконини берди. Қонун чиқарувчи ҳокимият парламент тимсолида ижро ва суд ҳокимиятлари билан ўзаро сиёсий муносабатларда ҳокимиятлар мувозанати қондасини ҳам, таъминлаб туриш функциясини ҳам бажариб келмоқда. Ҳозирги даврга келиб, давлат ҳокимиятининг ҳар уч тармоғи нафақат бир-бирларидан мустақил сиёсий кучларга айланди, балки улар ўзаро бир-бирларини назорат қилиш, ўзаро масъуллик асосида фаолият юритиш, фуқаролар фаровонлиги йўлида эса ўзаро ҳамкорлик қила олиш тамойилларини эгалладилар. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда илк парламентга асос солиниши, унинг икки палатали бўлишига доир ислохотларнинг бошланиши мамлакатда стратегик ва бош мақсад бўлган фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат

барпо этишга доир туб ўзгаришларнинг энг асосий йўналишларидан биридир.

2. Икки палатали парламент тизимининг шаклланиши: жаҳон тажрибаси

Икки палатали парламентларнинг жамиятдаги барча ижтимоий табақалар манфаатларини ва сиёсий иродаларини ифодалашга қобиллигини илк бор назарий жиҳатлардан буюк француз маърифатпарвари Шарль Луи Монтескье тадқиқ этган эди. У икки палатали парламентни ҳам ижроия, ҳам қонун чиқарувчи ҳокимиятларни «жиловлаб турувчи унумли восита» сифатида асослаб берган эди. Монтескьенинг фикрича, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг аристократик қатлами, яъни юқори палатаси қарор қабул қилиш ҳуқуқи асосида эмас, балки бекор қилиш ҳуқуқи асосида қурилиши лозим. Мутафаккир «эркинликни таъминловчи» ҳокимиятни қуйидаги қоида асосида кўрсатган эди: «Бунда қонун чиқарувчи мажлис бир-бирини ўзларига тегишли бўлган бекор қилиш ҳуқуқи асосида ўзаро жиловлаб турувчи икки қисмдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар иккаласи ҳам ўз ўрнида ижроия ҳокимият билан боғланадилар, қайсики, у ҳам ўз навбатида қонун чиқарувчи ҳокимият билан боғлиқ бўлади»¹⁹.

Мутафаккирнинг бу ғоялари АҚШ давлатчилиги асосчилари фалсафасининг асоси бўлди. Томас Жефферсон АҚШда илк давлат асослари эндигина қурилаётган даврдаги икки палатали парламент тўғрисида (1785 йилда) «Виржиния штати ҳақида қайдлар» асарида шундай деб ёзган эди: «Сенат ўз тузилишига биноан депутатлар палатаси билан бир хилдир. Модомики, бир хил сайловчилар бир вақтнинг ўзида бир хил номзодлар ичидан сайлар эканлар, албатта, бу танлашлар бир хил сифатларга эга бўлган кишилар устига тушади. Турли қонун чиқариш палаталарини тузишдан мақсад — турлича манфаатлар ёки турлича принциплар таъсирини таъминлашдир. Шундай дейишадики, Буюк Британияда Конституция жамоалар палатасининг

¹⁹ Монтескье Ш. Л. Избр. произв. М.: 1955. с...

одиллигига ва лордлар палатасининг донишмандлигига та-
янадилар. Агар одилликни пулга сотиб олиш мумкин бўлса,
донишмандликни эса мерос қилиб қолдириш имкони бўлса,
бу албатта мантиқан тўғри бўларди. Бир қанча Америка
штатларида делегатлар (*қуйи палата депутатлари демоқчи*;
Ш. Қ.) ва сенаторларни шундай тарзда сайлайдиларки,
биринчиси инсонларни, иккинчиси эса мулкни ифодалай-
ди ва ҳимоя қилади. Лекин бизда бойлик ҳам, донишманд-
лик ҳам ҳар иккала палатага ўтиш учун тенг имкониятлар-
га эгадир. Шунинг учун ҳам биз легислатурамининг²⁰ икки
палатага бўлинишидан, шунингдек, уларнинг принципларни
етарлича уйғунлаштиришга қодирлигидан шундай фойда
оламизки, қайсики, улардан биттаси ўзаро келишмовчи-
ликлардан келиб чиққан ёвузликни бартараф этиб, унинг
ўрнини тўлдириши мумкин»²¹.

АҚШда икки палатали парламент тузиш ғояси аввало
штатлар тажрибасидан келиб чиққан бўлса, қолаверса,
штатларни бир давлат федерацияси сифатида уйғунлаш-
тириш мақсади ҳам бу ғояни амалга оширишни тақозо
этар эди. 1788 йилдаёқ Ж. Мэдисон икки палатали тизим-
нинг бирлаштирувчилик тамойилини «аҳоли мутаносиб
вакиллиги (вакиллар палатаси) ва алоҳида штатлар тенг
вакиллиги (сенат) принципларини «қориштириш»дир», деб
таърифлаган эди.

АҚШ давлатчилиги асосчиларининг фикрича, парла-
ментнинг икки палатали қилиб қурилиши, биринчидан,
ҳокимият тепасида турганларнинг сайловчилар олдидаги
мажбуриятларини унутишдан ҳимоя қилади. Бу модел пухта
ўйланмаган, самарасиз қарорларнинг қабул қилиниши
йўлида тўсиқ бўлиб хизмат қилади. Учунчидан, қонунчи-
лик принциплари ва вазифалари билан етарлича таниш
бўлмаган ҳолда сайланаётган вакилларнинг йўл қўядиган
камчиликларини тўғрилайди. Ва ниҳоят, вакиллар пала-
тасининг тез-тез алмашиб туриши шароитларида парла-
мент фаолиятидаги ворисийлик, изчилликни сақлаб ту-
ришга ёрдам беради.

²⁰ Legislature — қонунчилик (Ш. Қ)

²¹ Джефферсон Т. Автобиография. Заметки о штате Виргиния. — Ленинград: Наука, 1990, с. 196.

Шунингдек, икки палатали парламентни инглиз олими И. Бентам ҳам чуқур таҳлил этган эди. Унинг фикрича, икки палатали парламентнинг устунликлари шундаки, у ўрнатилган қоида, низом, тартиботларнинг тўлалигича сақланишига кафолат беради. Унинг фикрича, икки палатали тизимнинг яна бир устун томони шундан иборатки, у манфаатлар, қарашлар ва одатларнинг турли-туманлигидан келиб чиқиб, масалани ҳар томонлама кўриб чиқиш заруриятини эътиборга олади²².

Икки палатали парламент тизимининг афзалликлари ҳақидаги фикрларни Гегель асарларида ҳам учратиш мумкин: «Баъзан бир палатали тизим фойдасига қарор қабул қиладилар, гўёки, бир палата жамият тузилишининг демократик элементини ўзида ифодалашда вазифасини яхши бажаради. Агар катта мажлисдаги муҳокамалар қандай кечиши, ундаги ўз чиқишлари билан ҳурматга эришишга уринишлар, тез ва ўйланмаган қарорлар қабул қилиш кабилар эсланса, бир палаталик тизимнинг камчиликлари осонгина кўзга ташланади»²³.

XX аср илғор мамлакатларда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этилиши билан характерланди. Бундай жамият қуришда қонун чиқарувчи ҳокимиятни ислоҳ этиш ва янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этди. Жумладан, ҳокимиятни демократлаштиришнинг муҳим омили, жамиятдаги ижтимоий табақаларнинг ирода ва манфаатларини кенгроқ ва чуқурроқ ифодалаш воситаси бўлган икки палатали парламентлар демократлаштириш ва фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим белгиларидан бирига айланди.

XX асрнинг сўнги уч ўн йиллигида икки палатали парламентлар 45 тадан 67 тага кўпайди. Шунингдек, яна кўплаб давлатлар икки палатали тизимга ўтмоқдалар. Бир палатали парламентларнинг деярли 70 фоизи асосан ривожланаётган давлатлар ҳиссасига тўғри келмоқда: агар бугун жаҳонда 87 та бир палатали парламентлар ишлаёт-

²² Қаранг. Политология. Хрестоматия. Авт. -сост. Мухаев Т., М. «Приор». С. 94

²³ Гегель Г. В. Ф. Философия права. — Москва: Мысль, 1990, с. 476.

ган бўлса, уларнинг 62 таси 60-йилларда мустақилликка эришган учинчи дунё мамлакатларига тегишлидир²⁴.

Жаҳон тажрибасида икки палатали парламент тизимининг шаклланиши масаласини кўриб чиқишда, давлатларни тузилишига кўра, яъни уларнинг унитар ёхуд федератив эканлигига эътибор қаратиш лозим бўлади. Чунки унитар ҳамда федератив давлатлардаги парламентларнинг фаолиятида ўхшашлик билан бир қаторда, фарқлар ҳам мавжуд. Тан олиш керак, бир вақтлар «икки палатали парламентлар фақат федератив давлатларга хос», деган қараш мавжуд эди. Бунда иккинчи палатанинг федерация субъектлари манфаатларини ифодалашига урғу берилар эди. Бироқ ҳозирги кунда бикамерализм федератив тузилишга эга давлатларнинг барчасида, яъни 24 давлатда мавжуд бўлса, қирққа яқин унитар давлатларда ҳам икки палатали парламентлар амал қилади. Айни пайтда, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган 12 мамлакатнинг олтита-сида — Украина, Туркменистон, Арманистон, Озарбайжон, Грузия, Молдовада бир палатали парламент амал қилади. Россия Федерацияси, Қозоғистон, Беларус ва Тожикистонда эса икки палатали парламент фаолият кўрсатмоқда. (Қирғизистонда икки палатали парламент тизимидан бир палатали тизимга ўтиш бўйича ислоҳот олиб борилди. Бунга мамлакат ҳудудининг кичиклиги, давлат муассасалари харажатларини камайтиришга доир ислоҳотлар сабаб бўлган). Бу ҳол парламент даражасида федерациялар билан унитар давлатлар ўртасида фарқнинг йўқолаётганига ишора қилади. Демак, Ўзбекистоннинг унитар давлат эканлиги мамлакатимизда икки палатали парламентни шакллантиришга ғов бўлмайди. Зеро, икки палатали парламент мамлакатнинг минтақалари, кичик тузилмалари, олисроқ жойлашган қисмлари манфаатларига риоя этилишига олиб келади. Иккинчи палата қонунлар чиқариш жараёнида учрайдиган популизм, тор доирадаги манфаатларга қарши турувчи қўшимча филтер сифатида иш

²⁴ Қаранг. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Э. Ҳ. Халиловнинг иккинчи чақирғи Олий Мажлиси еттинчи сессиясидаги Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш тўғрисидаги маърузасидан. //Халқ сўзи, 2001 йил 11 декабрь.

тутади. Икки палатали тизим ижроия ҳокимияти билан бир палатали парламент ўртасидаги ортиқча тортишувларнинг олдини олади ҳамда парламент ва ҳукумат ваколатларининг аралашиб кетишига йўл қўймайди.

Маълумки, икки палатали парламент ижтимоий табақалар манфаатларини ифодалаш, минтақалар анъаналари ва ҳудудий манфаатларини ифодалаш, ўзаро зиддиятларга киришиш асосида манфаатлар силсиласини мувозанатлаш, шу асосларда бу манфаатларни ўзаро келиштириш эҳтиёжлари асосида туғилган эди. Икки палатали парламентнинг классик намунасини Франция мисолида кузатиш мумкин.

Бугунги кунда Франция парламенти икки палата (Миллий мажлис — қуйи палата ва Сенат — юқори палата)дан иборат бўлиб, қуйи палата умуммиллий вакиллик органидир. У умумий, тенг, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Сенат эса билвосита йўл билан сайланади. Унинг аъзолари департаментлар бўйича махсус сайловчилар жамоаси томонидан сайланади. Конституцияга биноан, қонун ҳар иккала палата томонидан қўллаб-қувватланганидан кейингина қабул қилинган ҳисобланади. Агар бу жараёнларда ўзаро келишмовчилик рўй берса, лойиҳа рад этилган ҳисобланади. Бундай ҳолатларда ҳукумат Сенатни четлаб ўтиб, Миллий мажлисдан узил-кесил қонунни қабул қилишни сўраши мумкин. Шунингдек, бюджетни узил-кесил тасдиқлаш ҳам Миллий мажлис ҳуқуқига киради. Палаталардан фақат Миллий мажлис ҳукуматга ишонч билдириши ёки унга танбеҳ билдириши мумкин. Демак, қуйи палата парламент фаолиятини амалга оширишда устувор рол ўйнайди. Чунки демократик қадриятларга биноан ҳам қуйи палата умуммиллий манфаатларни ифодалайди.

Қуйи палатага нисбатан мувозанатни таъминловчи Сенат тўққиз йил муддатга сайланади. Ҳар уч йилда бир марта унинг учдан бир қисм аъзолари янгиланиб боради. Уларнинг сайланиш шарт-шароитлари ҳам депутатликка номзодлар билан бир хил бўлиб, ундан фақат ёш цензи жиҳатидан фарқ қилади. Сенатор бўлиш учун номзод 30 ёшга тўлган бўлиши лозим.

Сенаторлар махсус сайловчилар жамоалари томонидан департаментлар бўйича сайланади. Бундай жамоа тарки-

бини мазкур департаментдан сайланган депутатлар, генерал маслаҳатчилар (яъни, Генерал кенгаш аъзолари — департаментлар сайлов органлари), мазкур департаментдаги коммуналар муниципал кенгашлари вакиллари ташкил этади. Ҳар бир департаментга бериладиган мандатлар сони унинг аҳолисига қараб белгиланади. Сенаторларнинг умумий сони 320 киши атрофидадир.

Тўртта ва ундан кам сенаторлар сайланадиган департаментларда сайловларнинг мажоритар тизими қўлланилиб, у икки турда ўтказилади. Биринчи турда сайланиш учун сайловчиларнинг мутлақ кўпчилиги овоз берган бўлиши лозим. Лекин бу миқдор сайловчиларнинг камида тўртдан бирини ташкил этиши лозим. Иккинчи турда эса нисбий кўп овоз олиш кифоядир²⁵. Беш ва ундан ортиқ сенаторлар сайланадиган департаментларда эса сайловнинг пропорционал тизими қўлланилади. Олтита сенатор хорижда яшаётган французлар олий кенгаши тавсиясига биноан Сенат томонидан тайинланади.

Францияда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи Бош вазир ва парламентга тегишлидир. Қабул қилинган қонун лойиҳаси ўрганиб чиқиш учун доимий комиссиялардан бирига ёки шу мақсадда тузилган махсус комиссияга юборилади. Комиссия ишида ҳуқуқат вакили иштирок этиши мумкин. Комиссия томонидан маъқулланган лойиҳа матни муҳокама учун палатага чиқарилади. Қатор талаблар доирасида депутатлар лойиҳага ўзгартиришлар киритиши мумкин. Кейин у кўриб чиқиш учун юқори палатага берилади. Қонун лойиҳаси у ёки бу палатага берилиши мумкин. Лекин молиявий қонун лойиҳалари дастлаб фақат қуйи палатага берилади. Қонун лойиҳаси бир хил матн ва таҳрирда ҳар икки палата томонидан тасдиқланганидан кейингина қабул қилинади. Агар ўртада келишмовчиликлар туғилса, у вақтда Бош вазир келиштирувчи комиссия тузади. Комиссия кўриб чиққан келишилган матн палаталарга берилади. Агар келишмовчиликлар яна тақрорланса, ҳуқуқат уни узил-кесил қабул қилиш учун Миллий мажлисга тавсия этади.

²⁵ L'organisation Administrative de la France. Centre National de la fonction publique territoriale (CNFPT). — P., 1993. P. 17—20.

Парламентнинг муҳим функцияларидан бири — ҳукумат фаолиятини назорат қилишдир. Парламент аъзолари Бош вазир ва ҳукумат аъзоларига оғзаки ва ёзма саволлар билан мурожаат этиш ҳуқуқига эгадирлар. Қоидага биноан оғзаки саволларга жавоб бериш учун ҳафтасига камида битта мажлис ажратилади. Ёзма саволларга ёзма жавоблар берилади. Улар расмий нашрларда эълон қилинади. Назоратнинг энг муҳими, бу ҳукуматнинг парламент олдигаги масъуллигидир.

Франция парламенти механизмнинг ишлаши ижроия ҳокимияти билан яқин ўзаро ҳамкорлик қилиш асосига қурилган. 80-йилларнинг охиридан бошлаб парламент ўзининг илгариги республикалар давридаги баъзи ҳуқуқларини қайтариб олди. Республика президентининг парламентдаги кўпчиликни ташкил этган партия етакчисини ҳукумат раҳбари этиб тайинлаши қоидага кирди; ҳукумат парламентнинг қўллаб-қувватлашига эриша олса, у ҳолда президентнинг қарши туришини ҳам енга олиши ва ўз фаолиятини тўла амалга ошира олиши мумкин.

Президент бошқарувидаги республикада парламент фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини ўрганишга АҚШ парламент тизими мисол бўла олади. АҚШ конституцияси олий давлат органлари — конгресс, президент, олий судларни сайлаш, шакллантириш ва фаолият кўрсатиш тартибларини мувофиқлаштириб туради. Ҳокимиятлар бўлиниши принципнинг моҳияти — уч ҳокимиятнинг ўзаро мувозанатини таъминлаш, улардан бирининг бошқаларига нисбатан кучайиб кетишига йўл қўймасликдир. Конституцияга биноан Конгресс ўзи қабул қилган қонунлар воситасида республика президенти ва олий судни чеклаб туради. Қонунларнинг бажарилишидан чекиниш рўй берганида эса импичмент воситасини қўллайди. Президент Конгрессга ўзининг вето ҳуқуқи, олий судга эса бу суд аъзоларини тайинлаш ҳуқуқи воситаларида таъсир этади. Олий суд эса конгресс ва президентни уларнинг актларини конституцияга мувофиқлигини назорат этиш ҳуқуқи билан назорат этади.

АҚШ конституциясида «Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг барча ваколатлари Сенат ва вакиллар палатасидан иборат Конгрессга тегишлидир», деб белгиланган. Бу би-

лан бевосита қонун чиқарувчи ҳокимият амал қилиши эмас, балки унинг ваколатлари белгилаб берилгандир. Чунки АҚШда ўз ваколатлари доирасида қонун чиқариш фаолиятини олиб борувчи яна 50 та штатнинг қонун чиқарувчи мажлислари фаолият кўрсатади.

Конгресс умумий, тенг, тўғридан-тўғри, шунингдек, яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Вакиллар палатаси 435 депутатдан иборат бўлиб, улар бир мандатли сайлов округларида икки йил муддатга сайланадилар. Депутатликка номзод бўлиш ҳуқуқига камида етти йил АҚШ фуқароси бўлган, 25 ёшга тўлган, сайлов округи жойлашган штатда яшаётган фуқаро эгадир. Сенат эса 100 та сенатордан иборат бўлиб, ҳар бир штат олти йил муддатга иккитадан сенатор сайлайди. Ҳар уч йилда уларнинг учдан бир қисми янгиланиб боради. Сенатор бўлиш учун номзод АҚШда камида тўққиз йил яшаган, 30 ёшга тўлган, ўзи сайланаётган штатда яшаётган фуқаро бўлиши лозим.

Конгресс аъзолари имтиёзли ҳуқуқларга эгадирлар. Улар ўз фаолиятлари учун сайловчилар олдида расман масъулиятли бўлмай, уларни муддатидан илгари чақириб олиш мумкин эмас. Иккинчидан, улар чекланган парламент иммунитетига эгадирлар. Конгресс аъзолари учун сўз ва овоз бериш эркинлиги сақланиб, улар Конгрессдаги фаолиятлари учун масъул эмаслар. Бошқа мамлакатлардаги парламентлардан фарқ қилиб, конгресс аъзолари депутатлик дахлсизлигидан фойдаланмайдилар: агар улардан кимдир жиноят содир этса, умумий асосларда қамоққа олиниши мумкин. Конгресс аъзолиги доимий касб ҳисобланиб, уларнинг вазир бўлиши, федерал давлат аппаратида ишлаши, судлик лавозимида бўлиши таъқиқланади.

Вакиллар палатаси спикери давлат миқёсидаги «учинчи» мансаб ҳисобланиб, у палатадаги партиявий кўпчиликнинг етакчиси сифатида мазкур лавозимни эгаллайди. У президентлик лавозими баъзи бир сабабларга биноан муддатидан илгари бўшаб қолса, вице-президентдан кейин мазкур лавозимни эгаллаш ҳуқуқига эгадир. Спикер палата мажлисининг кун тартибини белгилайди, қонун лойиҳаларини муҳокама этишга раислик қилади, келишув комиссияси аъзоларини тайинлайди, доимий қўмиталарга кўриб чиқиш учун қонун лойиҳаларини юборади, унинг

бошчилигида палата маъмурияти фаолият кўрсатади. Сенатда эса ўз лавозимига биноан вице-президент раислик қилади. У мажлисда қатнашмаган пайтларда эса кўпчиликни ташкил этган партиявий фракция бошлиғи сенатда раислик қилади.

Ижроия ҳокимият фаолиятини назорат қилиш мақсадларида доимий қўмиталар текширув ҳаракатларини олиб бориши, уларнинг ҳисоботларини махсус эшитишни ташкил этишлари мумкин. Бу каби фаолиятлар вазирлар ва бошқа давлат мансабдорлари, хусусий компания ёки жамоат бирлашмаларидаги турли лавозимлардаги мансабдорларга нисбатан айбловлар натижасида олиб борилади. Доимий қўмита раислари ҳар қандай мансабдордан исталган маълумотларни олиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар йили вазирларнинг доимий қўмиталарга ўз фаолиятлари тўғрисида ҳисоботлар бериб бориши ҳам анъанага айланган.

Конгресс фаолиятида партия фракцияларининг ўрни жуда каттадир. Уларнинг етакчилари палаталардаги партия фракциялари томонидан сайланадилар. Улар партияларнинг қонун чиқариш соҳасидаги партия дастурлари ишлаб чиқувчи сиёсий қўмиталарига ҳам раҳбарлик қиладилар. Айниқса, палаталарда кўпчиликни эгаллаган партия фракцияларининг мавқеи юқоридир. Бу каби фракция етакчилари партиянинг парламент фаолияти стратегиясини ишлаб чиқади, расмий мансабдорлар билан алоқаларни амалга оширади, президент ва вазирлар билан сиёсий муаммоларни бартараф этиш мақсадларида учрашиб туради, палаталар қўмиталаридаги тайинлашлар жараёнига кучли таъсир кўрсатади. Улар асосан қонун лойиҳаларининг палатадан ўтишига асосий таъсир кўрсатиш имкониятларига эгадир.

Конгресснинг молиявий ваколатларига солиқ ўрнатиш ва йиғиш, қарзларини тўлаш, қарзлар олиш, қимматли қоғозлар ва тангалар чиқариш ва зарб қилиш, АҚШ валютаси қийматини мувофиқлаштириш кабилар киради. Иқтисод ва савдо соҳасида эса Конгресс иқтисодий ёки молиявий синиш ҳақидаги қонунлар қабул қилади, хорижий давлатлар билан бўладиган савдони ва штатлараро почта хизматини мувофиқлаштиради, фан ва фойдали касбларни ривожлантиришга ғамхўрлик қилади, патент ва

муаллифлик ҳуқуқларини мувофиқлаштиради, тўлов ва оғирлик бирликларини ўрнатади. Шунингдек, унинг яна бир қанча ваколатлари мавжуддир.

Конгресс урушлар эълон қилиш, армияни таъминлаш, ҳарбий флотни тузиш ва таъминлаш, армия ва флотни тузиш ва бошқариш қоидаларини ишлаб чиқиш, қонунлар ижросини таъминлаш мақсадларида милиция тузиш, исёнларни бостириш, АҚШ фуқаролигини олиш тартибини мувофиқлаштириш, федерал судларни ташкил этиш, федерал Колумбия округидаги махсус қонун чиқарувчилик ваколатини амалга ошириш каби ҳуқуқларга эгадир.

Конгресс палаталарининг ваколатлари турличадир. Молиявий қонунларни фақат вакиллар палатаси киритиши мумкин. Шунингдек, у президент ва бошқа олий мансабдорларга нисбатан импичмент тартибида айбловлар қўзғаш ташаббуси билан чиқиши, шунингдек, баъзан республика президентини сайлаш²⁶ каби ваколатларга ҳам эгадир.

Сенат халқаро битимларни ратификация қилиш, давлатдаги олий мансабдорларни президент томонидан тайинланишини тасдиқлаш, импичмент жараёнида мансабдор шахснинг айбдорлиги масаласини ҳал этиш, сайловчиларнинг мутлақ кўпчилиги овозини олишга эриша олмаган номзодлардан бирини вице-президентликка сайлаш каби ваколатларга эгадир. Сенат штатлар манфаатларини ифода этувчи ва давлат ҳокимиятининг меросийлигини таъминлаш органидир. Шунинг учун ҳам сенатнинг таркиби бирданига эмас, балки ҳар икки йилда учдан бир қисми янгиланиб боради.

Конгресснинг қонун чиқариш жараёни қуйидаги босқичларга бўлинади: қонун лойиҳасини киритиш, уни муҳокама этиш ва қабул қилиш. АҚШ конституциясига биноан қонун чиқариш ташаббуси ҳуқуқига фақат конгресснинг икки палатаси эгадир. Шунингдек, Франция парламентида фарқли равишда қонун лойиҳалари бир вақтнинг ўзида ҳар иккала палата томонидан киритилади.

²⁶ Президентлик сайловларида номзодлар сайланиш учун тегишли овозларни олишга эриша олмасалар, у ҳолда номзодлар вакиллар палатаси аъзолари томонидан сайланишга ҳавола этилади ва унда кўпчилик овоз олган номзодлардан бири республика президенти этиб сайланади.

Амалда конгресс аъзоларининг қонун чиқариш ташаббу-си кўпинча республика президентининг мурожаати томо-нидан белгиланиб, унда қандай қонунлар қабул қилиш лозимлиги кўрсатилади.

Ҳар бир палатадаги қонун лойиҳаларини муҳокама этиш уч ўқишда давом этади. Конгресс палаталаридаги бирин-чи ўқиш расмий шаклдадир: вакиллар палатаси клерки ва сенат котиби қонун лойиҳасини рўйхатга олади, бу ҳақда депутатлар ва сенаторларга хабар беради, сўнгра уни па-латаларнинг доимий кўмиталарига юборади. Шундан кей-ин кўмита раиси ёки кўмита номидан чиқувчи маърузачи маскур қонун лойиҳаси бўйича ишлаб чиқилган тавсияни баён этади.

Муҳокамалардан кейин қонун лойиҳаси яна доимий кўмитага қайта ишлаш учун юборилади. Бу ўқишда қонун лойиҳаси киритилган ўзгаришлар асосида палаталарда му-ҳокама этилади. Учинчи ўқишда депутатлар ва сенатор-лар қонун лойиҳасига фақат таҳририй тузатишлар кири-тиши мумкин. Шундан сўнг қонун лойиҳаси овозга қўйи-лади.

Конгресс амалиётида овоз беришнинг турли усуллари қўлланилади: овоз чиқариш йўли билан, ўрнидан туриш билан, номма-ном электрон машиналар воситасида.

Одатда қонунлар мутлақ кўпчилик асосида қабул қили-нади. Конституцион тузатишлар киритиш учун ҳар пала-тада конгресс аъзоларининг 2/3 овозини олиш лозим. Қо-нуннинг бир хил матни ҳар иккала палатада қабул қилин-ганидан кейин, у тасдиқлаш учун президентга юборилади.

Агар палаталар ўртасида қонун лойиҳасига доир ўзаро келишмовчиликлар пайдо бўлса, у ҳолда келишув комис-сияси тузилади. Бу комиссия томонидан қўллаб-қувват-ланган қонун лойиҳаси матнини палаталар ўзгартириши мумкин эмас. Мабодо иккинчи марта шундай ҳолат пай-до бўлса, янги келишилган комиссия тузилади ёки қонун лойиҳаси рад қилинган ҳисобланади²⁷.

Германия Федератив Республикаси парламентининг юқори палатаси Бундесрат 16 та федерал давлатларнинг

²⁷ Oleszek W. Congressional Procedures and the Policy Process. 2d ed. Wash., 1984. P. 111—152.

вакиллиги ҳисобланиб, у федерация миқёсидаги қонун чиқарувчи ва ижроия фаолияти билан шуғулланади. АҚШ ёки Швейцария федератив давлатларининг сенатлик тизимидан фарқли ўлароқ, Бундесрат сайланган халқ вакиллари билан иборат эмас. Бу палатага федерал давлат аъзолари ёки уларнинг вакиллари аъзо бўлиб киради. Аҳолисининг сонига қараб Бундесрат аъзолигига ўлкалардан учтадан то олтигача жой ажратилган²⁸. Бундесрат аъзоларининг ҳар бир ўлкадан юборилган вакиллари палата мажлисларида деярли ягона фикр, манфаатлар асосида иштирок этишлари талаб этилади. Чунки Бундесрат аъзолари ўзлари вакиллик қилаётган ўлка манфаатларининг ифодачисидирлар. Германияда қабул қилинаётган қонунларнинг деярли ярми ўлкалар фуқаролари манфаатлари ва иродалари билан боғлиқ. Шу сабабдан ҳам барча қабул қилинаётган қонунларнинг ярмидан кўпроғи (яъни, ўлкалар манфаатлари билан боғлиқ бўлган қонунлар) Бундесрат томонидан қўллаб-қувватланиши қоидага кирган. Қолаверса, қабул қилинаётган қонунлар лойиҳаси ўлкаларнинг манфаатларига ва суверенитетига ёки ижроия ҳокимиятининг молиявий ҳолатига тажовуз қилмаслиги учун ҳам улар Бундесрат томонидан кўриб чиқилиб, қўллаб-қувватланиши қоидага киритилган. Ҳар қандай шароитда ҳам Конституцияга ўзгартириш киритиш учун Бундесрат аъзоларининг кўпчилик қисми — учдан икки қисми розилигини олиш талаб этилади. Қонунлар қабул қилишнинг барча қолган ҳолатларида Бундесрат фақат рад қилиш ҳуқуқига эга, холос. Бундай рад этиш ҳолатларида қонунлар лойиҳаларини Бундестаг аъзолари қайта кўриб чиқиб, кўпчилик овоз билан (учдан икки қисми) қайтадан қабул қилишлари мумкин. Агар Бундестаг билан Бундесрат келиша олмасалар, у ҳолда иккала палата аъзоларидан келишув кўмитаси тузилади.

Тажрибадан маълумки, кўп ҳолатларда кўмитада муросали ечим ишлаб чиқилади. Бундесратда ерларнинг манфаатлари партия манфаатидан юқори қўйилади. Шунинг учун баъзида овоз беришлар шундай натижаларга олиб

²⁸ Бундесрат-федеративный конституционный орган. — Магдебург: Гебр. Гарлофф, 1998, 8—43.

келадикки, у сиёсий партиялар кучларининг мажоритар мутаносиблигига жавоб бермай қолади. Бу фаолиятдаги федерализмдан далолат беради²⁹.

Мамлакат марказий ҳукумати ҳар доим ҳамма соҳаларда, худди шу партиялардан тузилган жойлардаги ерларнинг давлат ҳокимиятлари ўзининг изидан боришига ишона олмайди. Ҳар бир ер ўзининг асосий манфаатларини ҳимоя қилади ҳамда худди шу мақсадларни кўзлаган бошқа ерларни ҳам, ҳокимият тепасида қайси партия бўлишидан қатъи назар, ўзларига иттифоқчи қилиб олишга ҳаракат қиладилар. Бу шунга олиб келадикки, Бундесратда кўпинча ўзгаришлар бўлиб туриши мумкин. Агар федерал ҳукумат аъзолари мансуб бўлган партиялар вакиллари Бундесратда кўпчилиқни ташкил этмаса, ҳар доим ўзаро ён бериб туришга тўғри келади. Бир йиллик муддат ўтиши билан доимо алмашилиб туриш принципи асосида Бундесрат аъзолари ўлкалар бош вазирларидан бирини палата раиси этиб сайлайди. ГФР президенти ўзининг ишлаш қобилятини йўқотиб қўйса, у ҳолда Бундесрат раиси федерал президент ваколатини ҳам бажаради³⁰ (Асосий Қонуннинг 57-моддаси).

XX асрнинг ўрталаридаги тарихий воқелик Японияда ҳам парламентнинг икки палатали бўлишини тақозо этди. Япония Конституциясининг 41-моддасига биноан парламент «давлат ҳокимиятининг олий органи ва давлатнинг ягона қонун чиқарувчи органи» ҳисобланади. Парламент вакиллар палатаси ва маслаҳатчилар палатасидан иборат. Ҳар иккала палата ҳам умумий сайлов ҳуқуқи асосида шаклланади. Номзод вакиллар палатасига сайланиши учун 25 ёшга, Маслаҳатчилар палатасига сайланиши учун 32 ёш бўлиши керак. Вакиллар палатаси депутатлигига номзодлар 3 млн. иен ҳажмида сайлов гарови тўлашлари лозим. Агар номзод сайлов округидаги овозларнинг бешдан бир қисмини олишга эриша олмаса, гаров пули қайтарилмайли. Юқори палата аъзолигига номзодлар эса 2 млн.

²⁹ Ройтер Конрад. Бундесрат Федеративной Республики Германии. 4-е изд. — Берлин, 2002,

³⁰ Основной Закон Федеративной Республики Германии. — Бонн, 1997, с. 43.

иен гаров беришлари лозим; агар номзод рўйхат бўйича сайланиши керак бўлса бу маблағнинг икки марта кўп бўлиши талаб этилади.

Вакиллар палатаси беш юзта депутатдан иборат бўлиб, улар тўрт йил муддатга сайланадилар. Вакиллар палатасини сайлаш учун Япония мамлакати 129 сайлов округларига бўлинган. Ҳар бир округдан 3—5 депутат сайланади; фақат битта округ бир мандатли ҳисобланади. Ҳар бир сайловчи ўз округида фақат битта номзод учун овоз бериши мумкин. Нисбатан кўп овоз олган номзодлар депутатлик мандатига эришадилар. Лекин қоидага кўра бундай овозларнинг сони округда уларга ажратилган жойлар учун бўлинган ва ажратилган овозлар квотасининг камида тўртдан бирига етиши талаб қилинади. Вакиллар палатаси ҳукумат талабига биноан муддатидан илгари тарқатиб юборилиши мумкин.

Юқори палата Маслаҳатчилар палатаси 252 депутатдан иборат бўлиб, улар олти йил муддатга сайланадилар. Лекин улар таркибининг ярми ҳар уч йилда янгиланиб туради. 152 та маслаҳатчи профектуралар ва пойтахтдаги округлар базасида сайланиб, бунда қуйи палата сайланган сайлов тизимига амал қилинади. Лекин бундаги фарқ шундаки, депутатлик жойини эгаллаш учун номзод шу округдаги ажратилган жой учун ҳақиқий ҳисобланиши учун ажратилган овозларга тенг ёки ундан кўпроқ овоз олишига эришиши талаб этилади. Қолган 100 та маслаҳатчи эса умуммиллий сайлов округларида партия рўйхатлари бўйича пропорционал вакиллик тизимига биноан сайланадилар.

Ҳар бир палата — Вакиллар палатаси ва Маслаҳатчилар палатаси депутатлари бир-бирларидан мустақил равишда ўз раислари ва палаталарнинг маъмурий мансабдорларини сайлайди, шунингдек, ҳар бир палата ўзининг мажлислар ўтказиш, иш тартиблари ва ички интизоми қоидаларини ўзлари белгилайдилар. Парламент тўғрисидаги қонунга биноан парламент ваколоти даври мобайнида ҳар иккала палата раислари, вице-раислари, вақтинчалик раислари, унинг қўмиталари раислари ва палаталар бош котиблари парламентнинг сайланган давридаги раҳбарият таркибига қирадилар. Уларнинг ичидан фақат бош котибгина депутат бўлмаганлар орасидан сайланади. Анъ-

анага кўра, палаталар раислари ўринбосарлари лавозими-га муҳолифат партиялардан сайланган депутатлардан қўйилади.

Япон парламентининг бош функцияси қонунлар ва давлат бюджетини қабул қилишдир. Қонунлар ҳар иккала палата қарорлари асосида қабул қилинади. Япониядаги қонун чиқариш жараёнларида қуйи палата кўпроқ устуворликка эга. Агар Маслаҳатчилар палатаси қуйи палата қабул қилган қонун лойиҳасини қайтарса, унда камида депутатларнинг учдан икки қисми қатнашган вакиллар палатасининг кўпчилик овоз билан қабул қилиши натижасида мазкур лойиҳа қонунга айланади. Бундай шароитларда вакиллар палатаси ҳар иккала палатанинг қўшма мажлиси ўткази-лишини ёки келишув қўмитаси чақирилишини талаб эти-ши мумкин. Бюджетга доир ва молиявий қонун лойиҳа-ларига нисбатан қонун чиқариш ташаббусини фақат қуйи палата амалга оширади. Қонунларни муҳокама қилиш бош вазир ва барча кабинет аъзолари иштирокида ўтади.

Испания Қироллигида парламент Генерал Кортес деб аталиб, унинг қуйи палатаси депутатлар конгресси, юқори палатаси эса Сенат деб аталади. Депутатлар Конгресси-нинг асосий функцияси Сенат билан биргаликда қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга ошириш, қонунлар қабул қилиш, давлат бюджетини кўриб чиқиш ва қабул қилиш, шунингдек, давлат органлари фаолиятини назорат этиш-дир. Депутатлар Конгресси 350 та аъзодан иборат бўлиб, улар эркин, умумий, тенг, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш йўли билан тўрт йил муддатга сайланадилар. Ҳар бир провинция сайлов округи ҳисобланади. Депутатлар Конгресси ва Сенат ўзларининг навбатдаги сессияларига йилда икки марта йиғилишадилар; биринчиси, сентябр-дан декабр-гача, иккинчиси, февралдан июл-гача. Консти-туцияга биноан Сенат ҳудудий вакилликни амалга оши-ради. Ҳар бир провинциядан тўрттадан сенатор, автоном ҳамжамиятлардан эса биттадан сенатор сайланади. Сенат 259 та аъзодан иборат бўлиб, улар тўрт йил муддатга сай-ланадилар. Сенатнинг асосий функциялари қуйидагилар-дир:

- ҳудудий интеграцияни таъминлаш (давлатнинг мин-тақавий сиёсатини қўллаб-қувватлаш, минтақавий

ҳамжамиятни ривожлантириш, ҳамжамиятлар ўрта-сидаги ҳамкорликка доир битимларни тасдиқлаш, фондларни тақсимлаш);

- депутатлар Конгресси билан биргаликда қонунлар қабул қилиш;
- ҳукумат фаолиятини назорат қилиш ва сиёсий ташаббуслар билан чиқиш (ҳукумат фаолияти ҳақида тўлиқ ахборот сўраш, унинг фаолиятини сенаторлар муҳокамасига олиб чиқиш, маълум йўналишлар бўйича сиёсатлар олиб бориш тўғрисида тавсиялар бериш ҳуқуқлари);
- ташқи сиёсатни назорат қилиш (ҳалқаро шартномаларни ратификация қилиш ёки рад этиш ҳуқуқи).

Италияда ҳам XX асрнинг ўрталаридан бошлаб икки палатали парламент амал қилади. Лекин фашистлар режими даврида парламентнинг жуда кўп ваколатлари бекор қилиниб, у деярли ўз функцияларини бажара олмади. 1947 йилги Конституцияга биноан парламент умуммиллий асосларда сайланадиган 630 депутатдан иборат Депутатлар палатаси ва 20 та вилоятлардан сайланадиган 315 та сенатордан иборат Сенат палаталаридан иборатдир. Қуйи палатага депутат бўлиш учун номзод 25 ёшга, сенатор бўлиш учун 40 ёшга тўлган бўлиши талаб этилади. Депутатлар палатасидан фарқ қилиб, Сенатда умрбод муддатга сайланмасдан аъзо бўладиган сенаторлар ҳам мавжуд: барча собиқ президентлар умрбод сенаторлар ҳисобланади. Бундан ташқари, Президент ижтимоий, фан ва маданият соҳасидаги катта хизматлари учун беш кишини умрбод муддатга сенатор этиб тайинлаш ҳуқуқига эга, лекин бунинг учун ажратилган бешта жойдан бирортаси бўшаган бўлиши керак. Депутатлар палатаси сайловларнинг пропорционал тизими бўйича шаклланади. Сенат эса сайловларнинг мажоритар тизимида пропорционал элементлардан фойдаланган ҳолда амалга сайланади. Депутатлар палатаси кўпмандатли округлардан сайланиб, овоз беришлар партиявий рўйхатга биноан амалга оширилади. Сенатга сайловлар эса бир вилоят доирасидаги бир мандатли сайлов округи асосида амалга оширилади. Бунда сайловчилар аниқ номзод учун овоз берадилар, лекин номзод баъзи мажбуриятлар билан боғланган бўлиб, унга би-

ноан, мазкур вилоятда партия томонидан кўрсатилган номзод билан олинган овозларни биргаликда баҳам кўриши лозим. Ҳар иккала палатанинг ҳам ваколати беш йил муддатга белгиланган. Ҳозирги давр Италия бикамерализми иккита конституциявий принциплар мавжудлигидан келиб чиқади: тенглик ва палаталарнинг автономлиги. Масалан, ҳукумат ҳар икки палатанинг ишончига эга бўлиши керак. Палаталар Республика Президентини сайлаш пайтида, Республика Президенти қасамёдини қабул қилишда, Республика Президентини судга бериш пайтида, Магистратура Олий Кенгаши аъзолари учдан бирини сайлашда, Президент судловчи, суд аъзолари рўйхатини шакллантиришда қўшма мажлисларга йиғиладилар.

Демак, юқорида кўриб чиқилган мисоллар бир қатор хулосалар чиқариш имконини беради.

Биринчидан, парламент палаталарини шакллантиришда ўзаро фарқлар мавжуд. Яъни, республика тузумидаги мамлакатларда қуйи палаталар асосан умумхалқ сайловлари натижасида шакллантирилса, юқори палата жойларнинг манфаатларини ифодалаб, маҳаллий вакиллик органларидан сайланиши, уларнинг айрим аъзолари давлат раҳбари томонидан тайинланиши мумкин. Шунингдек, юқори палата ҳам у ёки бу ҳудудда яшовчи фуқаролар томонидан тўғридан-тўғри сайланиши мумкин.

Иккинчидан, палаталарнинг ваколатлари аниқ белгиланган бўлиб, улар ўз вазифаларини бажаришлари учун етарли ваколатга эга бўладилар.

Учинчидан, юқори палата бир неча муовини бўлган раис томонидан бошқарилади. Раёсат ёки президиум палатанинг асосий ишчи органи ҳисобланади. Палатанинг асосий қонунчилик фаолияти комиссиялар ва қўмиталар томонидан амалга оширилади.

Тўртинчидан, қонун ижодкорлиги фаолияти билан, асосан, қуйи палата шуғулланиб, у структураси жиҳатидан юқори палатага ўхшашдир.

Европадаги барча мамлакатлар парламентлари Юқори палаталарининг умумий устувор тамойили — вакилликнинг ҳудудий принциpidир. Европадаги унитар давлатларнинг минтақавийлашуви натижасида юқори палаталарнинг функциялари тобора умумийлик тусини олмоқда.

Юқори палаталар фаолияти натижасида биринчидан, ҳокимият институтларида фуқаронинг кўпқиррали вакиллигини амалга ошириш имкониятлари туғилмоқда. Иккинчидан, баъзан рўй бериб турадиган қуйи палатанинг устунликка интилиши ва корпоративликка ҳаракат қилишини юқори палаталар чеклаб турганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун ҳам ўтиш даврини ўз бошидан кечи-раётган мамлакатлар учун икки палатали парламент яра-тиш соҳасидаги ислоҳотлар фуқаролик жамияти қуриш жараёнларининг муҳим босқичларидан бири бўлиб, бу каби парламент жамиятдаги турли ижтимоий табақалар ва гу-руҳларнинг манфаатлари ва иродаларини нисбатан кўпроқ ифодалаш, унда яратилган қонунлар ва бошқа ҳуқуқий актлар ўзининг яратувчанлиги ва ҳаётийлиги билан зару-риятга айланганлиги ҳам бежиз эмас.

II БОБ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

1. Ўзбекистонда профессионал парламент тизимини шакллантириш зарурати

Ўзбекистонда парламент тизими ривожланиб, икки палатали парламентга ўтиш ислоҳоти амалга оширилган бугунги кунда бу соҳада мазкур ўзгаришлар моҳиятини янада чуқурроқ англаб етиш учун мамлакатимизда илк қонун чиқарувчи органни ташкил этиш ғоялари, унинг ташкил топиши ва босиб ўтган йўлини тарихий изчилликда ҳолисона таҳлил этиш лозим. Мустақиллик даврида Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши ислоҳотлари шуни кўрсатдики, мамлакатда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш учун нафақат кучли давлатчиликни шакллантириш ва давлатнинг ислоҳотчилик ўрнини кучайтириш, балки жамият ва унинг институтларини ҳам демократик қадриятлар талаблари даражасида ривожлантириш зарурлигини ислоҳотлар тажрибаси исботлаб берди. Бир палатали парламент даврида сиёсий партиялар жамиятдаги турли ижтимоий табақалар манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш даражасига кўтарила олмаганлиги, минтақавий манфаатларни шакллантирувчи, ифодаловчи сиёсий институтларнинг ҳали шаклланмаганлигини ҳаёт кўрсатди. Бу соҳадаги бўшлиқни икки палатали парламент барпо этиш билан тўлдириш мумкинлиги англаб етилди.

Парламентнинг юқори палатаси минтақавий манфаатларни ифодалаш, ҳимоя қилиш, ҳар бир минтақа манфаатларини ўзаро келиштириш, уларни қабул қилинаётган қонунларда эътиборга олиш каби жамиятдаги турли минтақавий интилишлар учун асос бўлган манфаатларни келиштириш функцияларини бажариб, жамият билан қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг янада уйғунлашувини таъминласа, қуйи палата фақат сиёсий партиялар ва ташаб-

бускор гуруҳлар номзодлари асосида шаклланиб, бир томондан, сиёсий партиялар масъулияти ва ўрнини кучайтирса, иккинчи томондан, сиёсий партиялар ўз функцияларини демократик кадриятлар асосида (айниқса, жамиятдаги турли ижтимоий табақалар манфаатларининг ифодачиси бўлиш функциясини) бажаришга киришадилар ва жамият билан давлат ҳокимиятининг тўла маънодаги уйғунлашувини таъминлайди. XX асрнинг сўнгги ўн йилликлари тажрибаси кўрсатганидек, икки палатали парламент фуқаролик жамияти шаклланишининг ҳуқуқий ва сиёсий асосларни яратишга кенгроқ имконлар беради. Шу боис, мамлакатда биринчи бўлиб икки палатали парламент тузиш ғоясини Президент Ислом Каримов илгари сурди: 2000 йил 23 январда иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг II сессиясида журналистлар билан учрашувида Президент Ислом Каримов Ўзбекистонда ҳам икки палатали парламент ташкил қилиш, уни шакллантириш вақти келганини, бўлғуси парламент таркиби икки палатали бўлиши лозимлигини кенг жамоатчилик учун эълон қилди. Мамлакат халқи бу ғояни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан кутиб олди.

Ўзбекистондаги парламент ислохотлари масаласида сўз юритар эканмиз, юртимизнинг совет давридаги қонун чиқарувчи ҳокимият ваколатини бажарган давлат органининг моҳияти ва ролини тўғри баҳоламасдан туриб, бугунги ўзгаришлар аҳамиятини чуқур тасаввур этиш мушкул. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қайд этганидек, «ҳаётимизда қандай ўзгаришлар рўй берганини баҳолаш учун бизга собиқ Иттифоқдан, эски мустабид тузумдан қандай тарихий мерос қолганини яна бир қарра эслашимиз зарур»³¹.

Дарҳақиқат, жамиятимизда кечаётган жараёнларни ҳолисона таҳлил қилиш, Ўзбекистон парламентчилиги ривожланишининг босқичларини пухта ўрганиш, уларга тўғри баҳо бериш лозим. Боиси, Ўзбекистон парламентчилиги тараққиётининг навбатдаги босқичи уни икки палатали

³¹ Каримов И. А. «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда». Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг 14-сессияси 1999 йил 14 апрель) даги маъруза. — Т.: Ўзбекистон. 1999 йил, 5-бет.

шаклга трансформация бўлиши жараёнларига баҳо бериш биздан тарихни пухта билишни талаб қилади. Бунинг яна бир фойдали томони шундаки, манбаларни синчковлик билан ўрганиш, илгари йўл қўйилган камчиликларни таҳлил қилиш бунёдкорликдаги тажрибани орттириб, парламентнинг янги шаклга ўтишида бу омиллардан самарали фойдаланиш учун мустақкам пойдевор яратади.

«Ўзбекистон қонун чиқарувчи ҳокимиятининг шаклланиши тарихини совет империяси парчаланиб кетиши муносабати билан кўпгина тарихий фактлар ва ҳодисалар қайта кўриб чиқилиши ва қайта баҳоланишини ҳисобга олган ҳолда чуқур таҳлил этмасдан ва уни билмасдан, Ўзбекистоннинг совет даврида қонун чиқарувчи ҳокимият ваколатини бажарган давлат органининг моҳияти ва ролини танқидий мушоҳада этмасдан туриб, ана шу ҳокимият органи фаолияти бутун механизмнинг ҳолисона манзарасини тасаввур этиш мумкин эмас, — деб ёзади юридик фанлар доктори Э. Халилов. — Мазкур ҳолат Ўзбекистоннинг қонун чиқарувчи органи шаклланиши манбаларига тарихий назар ташлаш жиҳатидангина эмас, балки Олий Мажлис — мустақил Ўзбекистоннинг мутлақо янги қонун чиқарувчи олий органи эканлиги хусусида илмий хулосалар ва фикрларни шакллантиришнинг асоси сифатида ҳам муҳимдир»³².

Тарихдан маълумки, утопик ғояларни рўёбга чиқаришга даъво қилган большевиклар амалга оширган давлат тўнтаришидан сўнг мутлақо янги тузум ўрнатилди, янги бошқарув тизими тузилди. Бироқ мамлакатимиз ҳудудида парламент тизими, қонуф чиқарувчи органни шакллантириш йўлидаги илк уринишлар ва ҳаракатлар хусусида сўз борганда, бу жараён ҳисобини совет давридан бошлаш ёки унга боғлаш мутлақо нотўғри бўлар эди. Чунки тарихий далиллар бизнинг ўлкада бу масалада большевиклардан аввалроқ анча жиддий саъй-ҳаракатлар олиб борилганлигини тасдиқлайди.

Ўзбекистонда қонун чиқарувчи орган Англиядагидек XIV асрда шакллана олмади. Чунки мамлакатда асрлар

³² Халилов Э. Ўзбекистон Республикаси Қонун чиқарувчи олий органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. — Т.: Ўзбекистон, 2001, 19-бет.

давомида ривожланиб келган миллий давлатчилик тизимида жамият шариат қонунлари асосида, якка ҳукмрон хонлар, амирлар томонидан тахт ворислиги асосида бошқарилар эди. Гарчи давлат бошқарувида вазифалар аниқ тақсимланган бўлиб, хон ҳузуридаги нуфузли, эътиборли амалдорлардан тузилган кенгашда давлат ишлари маслаҳатлашиб турилган бўлса-да, амалдорлар, қозилар юқоридан тайинланар, сайловлар, қонун чиқарувчи органлар ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Хонликлардаги ички биқиклик, ўша вақтдаги ўзаро низолар, сўнгги асрларда Европада содир бўлаётган ўзгаришлардан беҳабарлик шароитида мамлакатда парламент тизими ҳақида тасаввурлар ҳам йўқ эди. XIX асрнинг иккинчи ярмида ўлканинг Россия империяси мустамлакасига айлантирилиши ва мустақил миллий давлатчиликнинг тугатилиши эса ўлка тараққиётини орқага суриб, аҳволни янада оғирлаштириб юборди. Бу даврда Россияда ҳам абсолют монархиянинг ҳукмронлиги ўлкага илғор фикрларнинг кириб келишига жиддий тўсиқ эди.

Бироқ XIX аср охири XX аср бошларида Туркистонда юзага келган маърифатпарварлик ва тараққийпарварлик ҳаракати — жадидчилик ўлка халқларини қолюқлик ботқоғидан олиб чиқиш йўлларини излай бошлади. Дастлаб халқни маърифатли қилиш орқали тараққиётни кўзлаган бундай илғор фикрли кишилар табиий равишда сиёсий масалаларга ҳам яқинлаша бордилар. Аммо ўлкадаги барча муаммолар асоси бўлган мустабид бошқарувга асосланган мустамлакачилик тизими ҳар бир соҳада оғир тўсиқ бўлиб турарди.

1917 йил феврал инқилобидан сўнг, император якка-ҳукмронлиги тугатилгач, муваққат ҳукумат томонидан 1917 йил 2(15) мартда чиқарилган «Баёотнома»да янги қонунчилик органини тузиш, умумий сайлов ҳуқуқи асосидаги янги сайлов Қонуни қабул қилиш ҳақидаги ҳужжат эълон қилинди. Бундай шароитда маҳаллий халқларнинг сиёсий фаоллиги кескин кучайди. Туркистонда илк бор маҳаллий бошқарув органи сифатида шаҳар Думаларига (1917 йил июл-август ойлари) сайловлар бўлиб ўтди.

Бу даврда ўлкада тобора фаоллашиб бораётган сиёсий жараёнларда кузда ўтказилиши режалаштирилган Таъсис

мажлисига тайёргарлик алоҳида ўрин эгаллади. Таъсис мажлисига умумий тартибда сайлов ўтказиш кўзда тутилган бўлиб, унда Россияда мамлакат бошқарув шаклини ва табиийки, Туркистоннинг ҳуқуқларини ҳам белгилаб берадиган конституция тузиш кутилмоқда эди. Шунинг учун Туркистон тараққийпарварлари унга жиддий тайёргарлик олиб борадилар. «Биз Туркистонликларга, — деб ёзган эди ўша пайтда Маҳмудхўжа Беҳбудий, — она тилида ҳам, рус тилида ҳам эркин сўзлай оладиган, таҳрир қиладиган, шариатни биладиган, жаҳон сиёсий шароитини тушунадиган кишилар дарҳол керак. Улар Туркистоннинг ҳаётий манфаатларини ҳисобга олувчи, биз учун зарур қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқишлари лозим. Агар биз мусулмонлар бу ишни ўзимиз қилмасак, руслар бизнинг ўрни-мизга қонунлар чиқаради. Улар худди аввалгидек бизнинг дин ва ҳаётимизга мувофиқ келмайди»³³. «Биз қабул қиладиган қонунлар, — деб уқтиради у, — яҳудийларнинг ҳам, насронийларнинг ҳам, мусулмонларнинг ҳам, умуман, барчанинг манфаатини ҳимоя қилиши керак»³⁴.

Ўлкадаги сиёсий жараёнлар жадаллик билан ривожланаётган бундай вазиятда миллий зиёлилар ҳам унга мос равишда кун тартибига ўша давр имкониятларидан келиб чиққан ҳолда аниқ вазифалар қўйиб борадилар. Улар Туркистондаги давлат бошқаруви масаласини муҳокама қилиб, Тошкентда 1917 йил 17—20 сентябрда бўлиб ўтган туркистонлик ва қозоқ мусулмонлари съездида Туркистон Мухториятини таъсис этишга қарор қилдилар. Туркистон Россия таркибидаги Федератив Республика бўлиши кўзда тутилган бўлиб, давлат хазинаси, ўз армиясига эга бўлмаган Туркистон шароитида бу энг мақбул йўл деб топилган эди. Бу ҳукуматнинг қонунчилик органи Парламент бўлиши, бу парламент Туркистон ўлкасида яшовчи барча халқлар томонидан умумий, тўғридан-тўғри, тенг ва яширин овоз бериши асосида 5 йиллик ваколат муддатига эга бўлган ҳолда сайланиши ҳақида келишиб олинади.

³³ Хуррият. 1917, 3 июль.

³⁴ Беҳбудий Маҳмудхўжа. Баёни ҳақиқат // Улуғ Туркистон, 1917 йил 12 июль.

Миллий зиёлиларнинг сиёсий ҳуқуқларни қўлга кири-тишга бўлган хоҳиши, ўлкани бошқариш истаги, қонуний ҳокимият органларининг легитим асосларини яратиш ва Туркистонда истиқомат қиладиган аҳолининг турмуш шароити ва менталитетига тўғри келадиган қонунчилик ҳужжатлари ва қарорларининг қабул қилиниши уларнинг олий ҳокимият органлари, хусусан қонунчилик органини яратиш мақсадини белгилаганликларини яққол кўрсатиб турарди.

1917 йил октябрда Тошкентда большевиклар ҳокими-ятни қўлга олдилар. Большевиклар ўлкада давр тақозоси билан юзага келган илғор ғояларни бўғиб ташладилар, уларни амалга оширишга йўл бермадилар. Ваҳоланки, тур-кистонлик тараққийпарварлар бу пайтда ҳокимиятни тинч йўл билан, сайловлар асосида, яъни демократик йўл би-лан қўлга киритиш учун жиддий тайёргарлик кўриб, шай бўлиб турган эдилар. Улар бу пайтга келиб дунёвий қонун-чилик зарурлигини англаб етгандилар, демократик сай-лов асосида қонун чиқарувчи органга эга бўлган дунёвий давлат тузиш режаларига эга эдилар. Яққол кўриниб ту-рибдики, уларнинг сайлов ҳуқуқи асосларини демократик тарзда ишлаб чиқдилар, диний мансублик, жинси, син-фий келиб чиқиш ва мол-мулкка қараб чеклашлар қўйма-дилар. Ваҳоланки, XIX аср у ёқда турсин, XX аср ўртала-ригача ҳам АҚШ, Англия, Франция, Германия каби ҳозир-да ривожланган давлатларда ирқи, жинси ва келиб чиқишига қараб жиддий чеклашлар мавжуд эди. Туркис-тонлик илғор фикрли зиёлилар томонидан бундай илғор ғояларнинг 1917 йиллардаёқ илгари сурилиши уларнинг сиёсий жиҳатдан анча илғорлашиб бораётганликларини кўрсатиб турарди.

Таъкидлаш лозимки, ўлкада совет ҳокимиятининг ўрна-тилишига жавобан Туркистондаги тараққийпарвар кучлар мусулмонларнинг тўртинчи фавқулудда қурултойини ча-қиради. 180 нафар делегат иштирок этган қурултой 1917 йилнинг 9—10 декабрь кунлари Туркистон Мухториятини эълон қилди. Унда демократик йўл билан Муваққат халқ кенгаши (айтиш мумкинки, парламент) ва Муваққат ҳуку-мат сайланди. Европалик аҳолига Халқ кенгашидан 18 та

жой (яъни умумий миқдорнинг учдан бир қисми) берилди. Бироқ маҳаллий аҳолига биронта ҳам ўрин ажратмаган, уни давлат бошқарув ишларига қодир эмас, деб таҳқирлаган совет ҳокимияти бу ҳукуматни тан олишни истамасди. Ваҳоланки, бу Туркистон халқларининг иродасини акс эттирган илк демократик ҳукуматни Фарғона, Тошкент шаҳарларида бўлиб ўтган бир неча минг кишилиқ халқ намоийишлари тўла қўллаб-қувватлаб, унга ишонч билдирган эди, совет ҳокимияти эса маҳаллий аҳоли томонидан мутлақо тан олинмаган эди. Бироқ совет ҳокимияти Туркистон Мухториятини йўқ қилиш тўғрисида қарор қабул қилди³⁵.

Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон мухтор ҳукуматыни йўқотиш тўғрисидаги 1918 йил февралда қабул қилган қарори туб аҳолининг асосий манфаатларини ошқора инкор этишдан далолат берарди. Айтиш мумкинки, туркистонликлар миллий демократик асосда давлатчиликни тиклаш, мустамлакачилик занжирларини узиш йўлида биринчи амалий қадам ташлашга уринган эди³⁶. Совет ҳукуматидан фарқли ўлароқ, Туркистон Мухторияти қонуний асосда шакланган бўлиб, кенг мусулмон оммаси ва демократик кайфиятдаги европалиқ аҳолидан ваколат олганди. Туркистон Мухторияти ўз тақдирини ўзи белгиланган халқнинг республикаси эди.

Шундай ҳолат кейинчалиқ Бухоро Халқ Совет Республикаси ва Хоразм Халқ Совет Республикаларида ҳам қайтарилди. Гарчи советлар андозасини киритишга уриниш бўлганлигига қарамай, бу республикалар Шарқдаги биринчи халқ республикалари бўлиб, улар қисқа муддатда ўрта аср монархия тузуми ва қолоқликдан, диний ақидапарастлик ва билимсизликдан демократик ислохотлар томон улкан қадамлар ташлади. «Конституцияга кўра, БХСРнинг олий органи — Бутун Бухоро халқ вакиллари

³⁵ Қаранг: Левитин Л. «Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Президент И. Каримов тарафдорининг танқидий мулоҳазалари». — Т.: Ўзбекистон, 2001, 104-бет.

³⁶ Аъзамхўжаев С. С. Туркистон мухторияти: миллий демократик давлат қурилиш тажрибаси // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. — Т.: Шарқ, 2001. 184 б.

қурултойи бўлиб, у ҳар 2000 сайловчига бир вакил сайланадиган 350 нафар аъзодан иборат эди. Қурултой ҳар йили бир марта чақирилар, унда Республика Конституциясини қабул қилиш ва ўзгартиришлар киритиш, ҳукуматнинг ҳисоботи ва давлат бюджетини тасдиқлаш каби муҳим масалалар кўриб чиқиларди. Конституцияга кўра, қурултойлар ўртасида қонун чиқарувчи ва назорат қилувчи олий орган — Бутун Бухоро Марказий Ижроия Қўмитаси ҳисобланарди»³⁷. Республикада замонавий парламент институтлари ва анъаналари тузилмаларининг зарур белгилари мавжуд эди. Бироқ улар ривожлана олмади.

Совет ҳокимияти ҳукмрон бўлган даврда ҳам халқ ҳокимияти ҳақида қанча гапирилмасин, бирорта иттифоқ республикаларида парламентчилик дунёда умумэътироф этилган нормалар доирасида ривожлана олмади. Чунки ҳокимият бир-биридан мустақил бўлган уч тармоқ асосида амалга оширилмади. Давлатчилик тизимини яратишда ўзгача йўлдан боришни истаган совет ҳокимияти ўша пайтда бошқа ривожланган давлатлар қўллаётган давлат ҳокимиятини юқорида тилга олинган учта тармоққа ажратишдан иборат классик концепциясини қўллаш орқали амалга оширишни хоҳламадилар. «Парламентаризм ва ҳокимиятнинг тармоқларга бўлиниши ғоялари буржуа жамиятининг тамойиллари сифатида қандай бўлмасин рад этилаверди»³⁸. Большевиклар Советларни қонун чиқарувчи, қонунларни ижро этувчи ва ўзлари қабул қилган қонунларни тўғри ва ўз вақтида ижро этилиши устидан назорат қилувчи орган бўлишини истадилар³⁹.

Хуллас, бу даврдаги расман белгиланган қонун чиқарувчи олий орган парламент билан мазмуни жиҳатидан ҳеч қандай умумийликка эга эмас эди. Совет давридаги бўлиб ўтадиган сайловларда сайланадиган барча депутатлар якка ҳукмрон коммунистик партия вакили ёки жуда

³⁷ «Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари». 196-бет.

³⁸ Халилов Э. Ўзбекистон Республикасининг Қонун чиқарувчи органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. Т.: «Ўзбекистон», 2001 й. 30 — бет.

³⁹ Қаранг. Хакимов М. Х., Серый Я. М. Борьба большевиков за создание национальной советской государственности в Туркестане. — Т.: Узбекистан. 1964. С. 67.

кам ҳолларда партиясиз бўлардилар. Ваҳоланки, биламизки, жамиятда турли тоифалар, қарашлар, манфаатларни ифода этувчи парламент таркиби жиҳатидан албатта бир нечта сиёсий ташкилотлар (кучлар)дан иборат бўлиши лозим. Бундан ташқари, аксарият сайлов округларидан сайловчилар бор-йўғи битта номзод учун овоз беришга мажбур эдилар.

1924—1937 йилларда Ўзбекистонда қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширган ташкилотлар бир вақтнинг ўзида ҳам қонун чиқарувчи, ҳам фармойиш берувчи, ҳам ижро этувчи, ҳам назорат этувчи идоралар эди. 1937 йилга келиб ЎзССР Конституцияси қонунларни қабул қилиш ҳуқуқини фақат Республика Олий Советига берди. Юқорида таъкидланганидек, илгари бу ҳуқуққа ЎзССР Советларининг МИК, МИК Раёсати, шунингдек ХКС эга эди. Лекин шунга қарамасдан, парламент институти рисоладагидек ишлашига эришилмади. Бу даврда Конституция нормаларидан жиддий оғишлар содир бўлиб турарди. Ҳатто расман эълон қилинган «совет демократияси» ҳам амалда анчагина чеклаб қўйилганди. Бу ҳол айниқса, Олий Совет сессиялари белгиланган муддатда чақирилмаслигида ва республика Олий Советига сайловлар вақти кўчирилмаверишида намоён бўлиб турарди. Ўзбекистоннинг давлат бюджетлари ва улар юзасидан ҳисоботлар ўз вақтида кўриб чиқилмасди. Чунончи, ЎзССР Олий Советининг сессиялари уруш йилларида фақат икки марта — 1943 йил март ва 1944 йил сентябр ойларидагина ўтказилган⁴⁰. Бу ҳолат фақатгина Ўзбекистон ССРга хос эмас эди, бошқа иттифоқдош республикаларда ҳам аҳвол шундай эди. Урушдан кейинги даврда эса Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияларида, қоида тариқасида, ҳаммиша бир хил: давлат бюджети тўғрисидаги, ЎзССР Конституцияси матнига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги, ЎзССР Олий Совети Раёсатининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалалар кўрилар эди. ЎзССР Олий Советининг сессияларини чақириш муддатлари бузиларди. Чунончи, 1946—1948 ва 1950—1952 йилларда

⁴⁰ История советского государства и право Узбекистана. Т. 3. — Т.: Фан. 1968. С. 216.

ЎзССР Олий Советининг биттадан сессияси ўтказилган. Сессия муҳокамасига масалалар жуда кечикиб киритилар эди. Ўзбекистон давлат бюджети тўғрисидаги масала ҳам, қоида тариқасида, айна ўша бюджет йилининг ўртасида кўриб чиқилар эди. Масалан, 1948 ва 1949 йиллардаги Давлат бюджетлари йилнинг ўртасидагина тасдиқланган⁴¹.

Хуллас, бу даврда Ўзбекистон қонун чиқарувчи олий ҳокимият органи ҳамон давлат қурилишининг энг муҳим масалаларини ҳал қила олмас, СССР маъмурий бўлинмасининг ратификация қилувчи ва тарғиботчи органи бўлиб қолаверди. Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқлар амалда ўз аксини топмади, ҳокимиятнинг турли тармоқлари ваколатлари ва вазифалари аниқ чегараланмади, том маънодаги парламентни шакллантириш, унинг иш механизмини яратиш, унда профессионал ишловчи мутахассисларни тайёрлаш ва бу жараёнга хос бўлган бошқа тадбирлар амалга оширилмади, ҳокимиятнинг уч тармоғи орасидаги чегара йўқлиги охир-оқибат алоҳида шахсга сифинишга, тоталитар диктатура ҳукмронлигига олиб келди.

Бу вазият деярли 80-йилларнинг охиригача ҳукмрон бўлди. 1989 йил 20 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун, «Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сайлови ҳақида»ги Қонун, «Халқ депутатлари сайловини белгилаш тўғрисида»ги Олий Советнинг қарори⁴² ва улар асосида 1990 йил февраль-март ойларида бўлиб ўтган Ўзбекистон халқ депутатлари сайлови муҳим рол ўйнади.

XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ўзбекистоннинг суверен давлат сифатида шаклланишида, демократия тамойилларини илк бор қўлланилиши, ўзбек миллий давлатчилигини юзага келтиришда тарихий аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Президенти И. Каримов таъкидлаганидек, «ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки, халқимиз иродаси ҳамда ваколати билан сайланган даст-

⁴¹ Агзамходжаев А. Образование и развитие Узбекской ССР. Т.: Фан. 1971. 211—212-б

⁴² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари . 1989. 26—28. 8—18, 18—35, 55-б.

лабки Олий Кенгаш давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида тарихий бурилишга асос солди, пойдевор қурди ва бошқарди»⁴³.

XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига бўлиб ўтган сайловлар олдингиларидан тубдан фарқ қилиб, илк бор доимий ишловчи орган сифатида беш йил муддатга Марказий сайлов комиссияси ташкил этилди, битта партия шароитида бўлса ҳам депутатликка номзодларни кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доираси кенгайтирилди (Асосан турли хилдаги меҳнат жамоалари, жамоат ташкилотлари номзод кўрсата бошладилар), бир мандат учун сайлов округларида бир нечта номзодлар кураш олиб боришлари қонунан рухсат этилди, биринчи марта давлат ҳокимияти олий ва маҳаллий органларининг ваколатлари муддатлари тенглаштирилди.

Олий Кенгашнинг тарихда муҳрланишининг яна бир сабаби унда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайланди, «Мустақиллик декларацияси» эълон қилинди, «Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди, қонунчилик ва ташкилотчилик борасида изчил фаолият юритиб, мамлакатимиз турмушининг барча соҳаларини ислоҳ қилишга доир муҳим вазифалар ҳал қилинди. Бундан ташқари, XII чақириқ даврида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қонунчилик ва ташкилотчилик борасида изчил фаолият юритиб, мамлакатимиз турмушининг барча соҳаларини ислоҳ қилишга доир муҳим вазифаларни ҳал қилиб берди. Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Референдуми тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар сайлов тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

«Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги Конституциявий Қонун, «Вазирлар Маҳкамаси

⁴³ И. А. Каримов «Ижобий ишларимизни охирига етказайлик», 12-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 16-сессиясидаги маъруза. — Т.: Ўзбекистон. 1994 й. 3-бет.

тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият органларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунлар мажмуасининг қабул қилиниши нафақат ҳокимият органлари орасидаги чегараларни белгилаш ва ажратиш, балки уларнинг давлат тизимидаги вазифалари, ўзаро муносабатларни меъёрлаш тамойилларига асос солиб, давлат ҳокимиятининг пишиқ-пухта институтларини тузиш сари ташланган муҳим қадам бўлди. Сайлов тизимини такомиллаштирувчи қатор қонунлар қабул қилинди, ҳокимият органлари орасидаги чегараларни белгилаш ва ажратиш, уларнинг давлат тизимидаги вазифалари, ўзаро муносабатларни меъёрлаш тамойилларига асос солинди.

Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, совет империясининг парчаланиши ва Ўзбекистоннинг дунё сиёсий харитасида янги мустақил давлат сифатида шаклланишидагидек мураккаб даврда айнан Олий Кенгаш янги давлатчилик тизимига босқичма-босқич ўтишни таъминлади ва бунинг оқибатидаги ўзгаришлар жараёнининг қонуний, легитим бўлишига эришилди.

Хуллас, тарихий ва сиёсий ўзгаришлар рўй бераётган мураккаб даврда айнан Олий Кенгашнинг бир нечта муҳим жиҳатлари намоён бўлди.

Биринчидан, янги давлатчилик тизимига босқичма-босқич ўтишни таъминлади, (баъзи қўшни давлатларидагидек беқарорликни келтириб чиқарган парламентлар ёдимизда) ва бунинг оқибатида ўзгаришлар жараёни қонуний, легитим бўлишига эришилди.

Иккинчидан, ўтиш даврида Президент — Парламент — Ҳукумат формуласи асосида ўзаро келишиб иш юртиш қонунчилик ижодкорлиги руҳида ишлаш, муаммоларни баҳс ва мунозара орқали ечиш йўли тутилгани қийинчиликларни ҳамжиҳатликда енгиш ҳамда жамиятда фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Учинчидан, Олий Кенгаш фаолияти давомида Ўзбекистон ҳаётида ўта муҳим бўлган масалаларни ечиш, ушбу жараёнларни халқ кўз ўнгида кечиши фуқароларнинг давлатчилик қурилишидаги фаол иштироки, Олий ҳокимият органларининг нуфузи ошишига кўмаклашди.

Мустақилликка эришгач, Ўзбекистон олий давлат вакиллик органи — мазмун ва моҳият жиҳатидан мутлақо янги бўлган парламентни шакллантиришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйди. Чунки, юқорида эътироф этганимиздек, собиқ совет давридаги парламентнинг фаолият юритиш механизми ҳам, унга ўтказиладиган сайловларнинг мазмун-моҳияти, шаклу шамойили ҳам янги давр, янги замонга мос келмай қолди. Ва шу боис 1994 йилда илк бор кўппартиявийлик асосида бўлиб ўтган сайловлар натижасида бир палатали, 250 нафар депутатдан иборат Олий Мажлис ташкил топди.

Тараққиётнинг босқичма-босқич тамойилини маъқул топган Ўзбекистон парламент ислоҳотида ҳам ана шундай йўл танланди. Ислоҳотлар эндигина бошланган дастлабки йилларда фуқаролик жамияти, умуман давлатчиликнинг ҳуқуқий пойдевори эндигина яратилаётган масъулиятли бир паллада парламентчиликнинг бир палатали модели қабул қилинди. Сабаби, жаҳон тажрибаси кўрсатаётганидек, бир палатали парламент ҳали етарли ҳуқуқий базаси шакланмаган, турли соҳалар бўйича қонунлар танқислиги сезилаётган ёш давлат учун муҳим аҳамият касб этади. Чунки бунда қонун яратувчилик жараёни тезлашади, мобил ва ихчам шаклга эга бўлади ҳамда ўзига хос жўшқинлик юзага келади.

Шу боис Олий Мажлиснинг дастлабки 5 йиллик фаолияти ниҳоятда унумли бўлди. Бу даврда 138 та қонун, 468 та қарор, 10 та Қодекс, 2 та Миллий дастур қабул қилинди. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки босқичида бир палатали парламентнинг ижобий томонларидан тўлиқ фойдалана олди.

Ўзбекистон парламенти хусусида кўплаб фикрлар билдирилади. Улар орасида ижобийлари ҳам, танқидийлари ҳам бор. Хусусан, доктор Л. Левитин ўзининг «Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида» номли китобида Олий Мажлиснинг доимий ишламайдиган орган эканлигини айтиб, унда депутатлар профессионал тартибда фаолият кўрсатмасликларини уқтиради. Тўғри, биринчи ва иккинчи қақриқ Олий Мажлиси фақат сессиялар давомида фаолият юритган бўлса-да, у ўзининг ваколатларини, вазифаларини имкон қадар тўла амалга оширди, деб айтиш

мумкин. Зеро, депутатларнинг барчаси Парламентда доимий ишламаса ҳам, уларнинг маълум қисми мунтазам фаолият кўрсатувчи яхлит орган — Олий Мажлиснинг қўмита ва комиссиялари таркибида, ишчи орган — сессиялар оралиғида қонун яратиш жараёнини бошқардилар. Бундан ташқари, йил давомида Олий Мажлиснинг коллегиял раҳбар органи — Кенгаш, турли соҳаларга ихтисослашган 13 та қўмита ва 3 та комиссияси мунтазам фаолият юритди. Турли масалалар, хусусан, қонун яратиш жараёнлари бўйича Олий Мажлисда учрашув, музокаралар, мажлислар, муҳокамалар, фракциялар йиғилишлари бўлиб ўтди.

Албатта, бу ҳол Парламентни такомиллаштириш заруриятини инкор эта олмайди, аксинча унинг профессионал асосда ишлашини таъминлаш учун икки палатали тизимга ўтиш зарурияти — бугунги кун талаби ва бу борадаги тараққиётнинг зарурий эҳтиёжи эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш асосий стратегик вазифа деб эътироф этилиши муносабати билан мамлакатда икки палатали парламентни шакллантириш объектив зарурият ва эҳтиёжга айланди. Парламент ислоҳотининг янги босқичига ўтиш гоёси иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида Президент И. Каримов томонидан илгари сурилиб, миллий парламентаризмни ривожлантириш ва янада такомиллаштириш мақсадида яқин истиқболда икки палатали қонун чиқарувчи орган яратиш лозимлиги асослаб берилди. Ўзбекистон сиёсий ижтимоий тараққиётининг навбатдаги босқичи бир палатадан кўра мураккаброқ бўлган, ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимият тармоқлари ўртасидаги мувозанатнинг янада барқарор бўлишини таъминлаш мақсадида — икки палатадан иборат қонун чиқарувчи идора ташкил этилишини тақозо этарди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек: «Парламент — бу жамият ҳаётини ойнадек яққол акс эттирадиган кўзгу. Бинобарин, жамиятда қандай интилиш, фикр ва қарашлар мавжуд бўлса, улар парламентдаги муҳокама ва мунозараларда ўз аксини то-

пиши керак. Ана шунда парламент халқнинг хоҳиш-иродаси, эзгу мақсадларини мужассам эта олади»⁴⁴.

Парламентимизнинг икки палатали бўлиши ҳуқуқий демократик давлат қуришни мақсад қилиб қўйган мамлакатимиз учун янги муҳим босқич бўлди. Шу ўринда икки палатали парламентнинг афзалликлари, унинг демократлаштириш жараёнига кўрсатадиган таъсири масаласига тўхталиб ўтиш лозим.

Юридик фанлар доктори Э. Халилов фикрича: «Қонун чиқарувчи олий органда иккинчи палатанинг тузилиши минтақаларнинг таъсирини сезиларли даражада оширади. Парламент қабул қилаётган ҳужжатларда халқнинг хоҳиш-иродаси кўпроқ намоён бўлишига имкон беради. Бу эса ўз навбатида, қонунчилик фаолияти сезиларли даражада ривожланиши учун қулай имкониятлар яратади. Парламент ишида демократия ва фикрлар хилма-хиллиги кўпроқ намоён бўлади. Умуман, икки палатали парламент тизимига ўтиш давлат ҳокимиятининг барча тизимларига ўз ижобий таъсирини ўтказди. Фуқаровий жамият қуриш йўлида муҳим шахдам одим бўлади»⁴⁵.

Олимнинг юқоридаги фикрларини республикамиздаги бошқа тадқиқотчилар ҳам таъкидлаганлар. Яъни, фуқаролик жамияти қуришда икки палатали парламентни шакллантиришнинг аҳамияти ҳақида кўп фикрлар баён қилинган. Зеро, фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим шarti сиёсий тизимни муттасил такомиллаштириб боришдан иборатдир. Унинг мақсади том маънода халқ ҳокимиятини ўрнатиш, чинакам ўзини ўзи бошқариш, фуқароларнинг ташаббусларини кенг кўламда ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш, кишиларнинг сиёсий фаоллигини оширишга эришишдир.

«Қонунчилик ҳокимиятининг замонавий фаолияти, яъни унинг профессионаллик асосида фаолият юритиши

⁴⁴ Каримов И. А. Парламент — жамият ҳаётининг кўзгуси. //Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. — Т.: Ўзбекистон, 2005 йил, 26-бет.

⁴⁵ Э. Халилов. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. Т.: «Ўзбекистон», 2001 й. 154-б.

туфайли, — деб ёзади тадқиқотчи У. Ҳотамов, — нафақат халқаро нормалар талабига жавоб берувчи демократик қонунлар яратилади, балки парламентнинг ўзи ҳам турли сиёсий гуруҳлар, ижтимоий табақалар, маъмурий ҳудудларнинг манфаатларини ўз вакиллари орқали ҳимоя қилиниши учун очиқ саҳна бўлиб хизмат қилади. Ушбу сиёсий манфаатлар курашининг жамият кўз ўнгида намоён бўлиши — жамият аъзоларининг сиёсий, ҳуқуқий онгини шакллантиришга хизмат қилади. Уларни тинчлик шароитида парламент усулида ўз сиёсий манфаатларини ҳимоя қилишга ўргатади, оқибатда фуқаролик жамиятининг муҳим институтларига ўз мавқеларини янада мустақкамлаб олишлари учун янада кенг имкониятлар яратилади»⁴⁶.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда қатор мамлакатларда икки палатали парламентнинг бир палатали парламентдан кўра қатор афзалликларга эга эканлиги тан олинган. Хусусан, 2000 йилнинг 14 мартида Париж шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон сенатларининг махсус анжумани қонун чиқарувчи органлар икки палатали тизимининг таҳлилига, унинг демократик ҳамда ҳуқуқий давлат барпо этишдаги ўрнига бағишланди. Анжуманда бўлиб ўтган барча баҳсларнинг хулосаси шундан иборатки, икки палатали парламент минтақаларнинг, кичик тузилмаларнинг, мамлакатнинг узоқда жойлашган қисмларининг манфаатларига риоя этилишига олиб келади. Иккинчи палата қонунлар чиқариш жараёнида учрайдиган энгил-елпи, тор доирадаги манфаатларга қарши турувчи қўшимча фильтр вазифасини ўтайди. Икки палатали тизим ижроия ҳокимияти билан бир палатали парламент ўртасидаги ортиқча тортишувларнинг олдини олади ҳамда парламент ва ҳукумат ваколатларининг аралашиб кетишига йўл қўймайди⁴⁷.

Таъкидлаш жоизки, республикамиздаги ҳамда жаҳондаги бир қатор олимлар икки палатали парламентни шакл-

⁴⁶ Ҳотамов У. Ж. Парламент ислохотларининг самараси — фуқаролик жамияти омили. /»Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш: муаммолар ва ечимлар» мавзуидаги илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент: 2004. Тўплам. 159-бет.

⁴⁷ Қаранг. Труд. 2000 йил, 17 март.

лантиришни ҳуқуқий давлат қурилишининг энг самарали воситаларидан бири деб эътироф этганлар. Зеро, ҳуқуқий давлат мукамал қонунлар яратишни тақозо этади. Шу боис, бир қонуннинг «икки қўлдан ўтиши», яъни уларнинг ҳар иккала палата вакиллари томонидан кўздан кечирилиши ҳам қонунларнинг мукамаллигини таъминлашга хизмат қилади. Табиийки, юқори палатанинг вазифаси фақат қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини қўшимча назорат қилишдан иборат бўлмайди. Аслида парламентнинг икки палатали қилиб шакллантирилиши натижасида палаталар ўртасида ваколатларнинг тақсимланиши муммоси юзага қалқиб чиқади. Бир вақтлар бу масала кўплаб баҳсларга сабаб бўлган. Бироқ вақт ўтиши билан парламент палаталари ўртасидаги ваколатлар тақсимотида мувозанатга эришилди.

Аммо шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, баъзи олимлар икки палатали парламентдан кўра бир палатали парламентни афзал деб биладилар. Бир палатали парламент тарафдорлари қуйидаги омилларни икки палатали парламентнинг камчиликлари сифатида кўрсатадилар:

Аввало, икки палатали парламент тизимида қонунчилик жараёнининг мураккаблашуви кузатилади ва қонунлар қабул қилиш жараёнида бир палатали тизимдан кўра секинроқ кечади.

Иккинчидан, айрим олимларнинг фикрича, парламентда иккинчи палатанинг мавжуд бўлиши демократик ислохотлар, ўзгаришлар ва янгиланишларнинг тез суръатлар билан олиб борилишига тўсқинлик қилиши мумкин. Яъни бир палатали парламент мамлакат тараққиётини тезлаштиришга кўмаклашувчи қонунларни тез ва осон қабул қилиш имконини беради.

Шунингдек, машҳур инглиз олими И. Бентам ҳам икки палатали парламентнинг афзалликлари ва камчиликлари ҳақида тўхталиб ўтади. Олим палаталар таркиби турлича бўлганлиги туфайли парламент икки қутбга ажралиб қолиши мумкинлигини, битта қонунга нисбатан икки палатада икки хил маълумотлар мавжуд бўлишини, қонун қабул қилиш жараёнининг чўзилиб кетишини, қуйи палатанинг асосан, қонунчилик ташаббуси билан, юқори палатанинг эса фақат қабул қилинган қонунларни кўриб чиқиш би-

лан шуғулланиши улар ўртасида келишмовчиликлар келтириб чиқаришини икки палатали парламентнинг камчилиги сифатида баҳолайди⁴⁸. Бироқ шундай бўлса-да, И. Бентам бир палатали парламентдан кўра икки палатали парламент кўпроқ самарали эканлиги ҳақида хулосалар чиқаради.

Хулоса қилиб айтганда, қабул қилинган қонунларнинг яна бир марта юқори палата томонидан кўриб чиқилиши қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиради, қонунларни жиддий муҳокамалардан сўнггина қабул қилинишига замин яратади.

Иккинчидан, айрим партиялар, гуруҳлар манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиққан қонунларнинг қабул қилинишига тўсқинлик қилади.

Учинчидан, қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти ўртасидаги ўзаро алоқалар мутаносиблигига олиб келади.

Тўртинчидан, қонун қабул қилиш жараёнида палаталар ўртасидаги фикрлар хилма-хиллигининг ривожланиши, бу борада турли хил маданиятли дебатларнинг кучайиши ва профессионал парламентаризм институтининг ташкил топишига имкон яратади.

Бешинчидан, қуйи палата кўринишида бевосита ҳар куни парламентда фаолият юритадиган кучли депутатлар гуруҳларининг шаклланишига хизмат қилади.

Ва ниҳоят, парламентимизнинг жаҳон ҳамжамияти парламентлари ўртасида тутган ўрнини мустаҳкамлашга ҳамда демократия ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг янада кучайишига олиб келади.

Шу ўринда парламент нафақат қонун чиқарувчи орган, балки олий вакиллик органи эканини ҳам эслатиб ўтиш лозим. Шу жиҳатдан парламентнинг икки палатадан иборат бўлиши бу демократик институт сифатида фуқароларнинг кенг кўламдаги вакиллигини таъминлайди. Чунки фақат партиявий асосда бундай вакилликни таъминлаш мумкин эмас. Боз устига ўз худудининг манфаатлари ҳақида қайғурадиган кишиларнинг Сенатдан ўрин олиши қонунлар қабул қилишда партиявий манфаатлардан эмас, умум-

⁴⁸ Бентам И. О влиянии условий, времени и места на законодательство. /Политология. Хрестоматия. Авт. -сост. Мухаев Р. Т., М.: «Издательство ПРИОР». 2000. С. 92.

давлат манфаатлар устуворлигидан келиб чиқилишини таъминлайди. Парламентнинг икки палатали асосда тузилиши халқ вакилларининг сайловчилар олдидаги мажбуриятларини унутишдан ҳам сақлайди. Чунки минтақанинг ташвишлари билан банд бўлганлиги туфайли ҳам юқори палата вакиллари парламентнинг ҳаёт билан, халқ билан мулоқотини таъминлайди.

2005 йилга қадар Ўзбекистонда амал қилган бир палатали парламент тизими, яъни қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятнинг уйғун фаолият кўрсатиши қабул қилинаётган қонунларнинг ижроси устидан назорат қилиш имкониятини маълум маънода чеклаётган эди. Чунки ижро ҳокимияти вакиллари депутатларнинг кўпчилик қисмини ташкил қилар эди. Аммо кўпчилик депутатларнинг бир вақтнинг ўзида қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият вакили бўлишининг ўзи парламентнинг самарали ишлаши ва қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлашга етарли даражада имкон бераётган эди. Аслида, ўзида чинакам демократик қадриятларни шакллантирган давлатларда бир вақтнинг ўзида ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи томонларга аъзо бўлиш тажрибаси жуда кўп учрайди. Бундан ташқари, тоталитаризмдан демократияга ўтиш тажрибаси шуни кўрсатадики, жамиятнинг мукамал сиёсий тизимини яратиш кўплаб босқичларни бошдан кечиришни, етарли муддатларни талаб қилади. Бу мураккаб жараёндан эсон-омон ўтишнинг асосий имконияти — демократик қадриятларнинг муҳим механизми — икки палатали парламент учун замин тайёрлаш ва уни шакллантириш ҳисобланади.

Бир қатор афзалликларга эга бўлган икки палатали парламент тизимига ўтиш Ўзбекистон учун айна муддаодир. Зеро, бугунги кунга келиб, икки палатали парламентни шакллантириш учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

Биринчидан, бугунги кунда мамлакатимизда икки палатали профессионал парламент учун керак бўлган профессионал корпус — юқори малакали сиёсатшунослар, ҳуқуқшунослар, иқтисодчи мутахассислар етишиб чиқди.

Иккинчидан, жамият аъзоларининг онгидаги собиқ тузумдан қолган эскича қарашлар барҳам топди. Ўтган вақт давомида уларнинг ҳуқуқий ва сиёсий онги юксалиб бор-

ди. Сайлов институти такомиллашди, сайловга доир қонунчилик базаси мустақкамланди.

Учинчидан, сиёсий муносабатларнинг янги субъектлари вужудга келди. Давлат бошқарувига бевосита таъсир кўрсата оладиган сиёсий партиялар шаклланди, нодавлат, ноҳукумат ташкилотлар, хусусий мулкдорлар ва тадбиркорлар табақаси вужудга келди.

Тўртинчидан, давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг маъмурий буйруқбозлик усуллари барҳам топди. Бошқача айтганда, бошқарув усуллари тоталитар элементлардан халос бўлди.

Ва ниҳоят, Ўзбекистон Республикасида жаҳоннинг энг илғор мамлакатлари тажрибаларидан унумли фойдаланиш учун барча шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилди.

Бир сўз билан айтганда, икки чақириқ давомида фаолият кўрсатган Олий Мажлис икки палатали парламентни вужудга келтириш учун замин яратиб берди. Шунингдек, профессионал парламентнинг демократик тараққиёт учун ҳаётий зарурият эканлигини вақт кўрсатди. Айниқса, бу зарурият қуйидагиларда кўзга ташланди:

Биринчидан, парламент томонидан қабул қилинган қонунларнинг у ёки бу вилоятда ижроси масаласи муҳокамаси ва у юзасидан қабул қилинаётган қарорлар кескин баҳс-мунозараларсиз қабул қилинди, дейиш мумкин.

Иккинчидан, фракциялар давлат ва жамият ҳаётига доир қонунларни қабул қилишда муқобил фикрлар ва қарашларни илгари сура билишлари лозим бўлди. Албатта, бу улар бир-бирларининг фикрларини асоссиз равишда инкор қилиши керак, дегани эмас. Балки фракциялар фикрлар хилма-хиллигини вужудга келтиришлари ва шу асосда қабул қилинадиган қонунларнинг ҳаётийлигини ҳамда уларнинг ижросини таъминлашлари зарурати туғилди.

Учинчидан, парламент ҳукумат томонидан таклиф этилаётган қарорлар ва ҳужжатларни ҳар томонлама чуқур ўрганиши ва керак бўлса, қайта ишлашга юбориши ҳам демократик қадриятлар мезонини ташкил этади. Жумладан, бюджетни қабул қилиш, унинг тармоқлар бўйича тақсимланиши ва ижроси масалаларида таклиф қилинаётган муқобил вариантларни муҳокама қилишдек ўта му-

ҳим жараёнлар парламент фаолиятида муҳим йўналишлардан бирини ташкил қилади. Зеро бу йўналишда муқобил фикрларни, лойиҳаларни муҳокама қилиш ҳар қандай таваккалчиликнинг олдини олиш имконини беради.

Тўртинчидан, профессионал парламентни шакллантириш, ижро ҳокимияти устидан парламент назоратини ўрнатиш имконини беради. Бу вазифа нафақат марказий ижро органлари, балки маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳам қонунлар ижросини тўла таъминлаш имконини яратади.

Хулоса қилиб айтганда, икки палатали парламентнинг юзага келиши учун, амалдаги умумхалқ референдуми асосида Конституцияга тегишли ўзгартиришлар киритилди. Парламент ҳамда сайловлар тўғрисидаги қонунлар қайтадан кўриб чиқилди, моҳиятан ва мазмунан янги қонунлар қабул қилинди. Мазкур ислоҳотлар жараёнлари Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш ислоҳотлари ўзига хос ва ўзига мос йўлдан бораётганлигини, «ўзбек модели» жаҳондаги кенг жамоатчилик томонидан тан олинаётганлигини кўрсатмоқда.

2. Ўзбекистон Республикасида икки палатали парламентни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир», дея мустақамлаб қўйилган. Шунингдек, Конституциянинг 9-моддасида давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги стратегик мақсадлар ва унга доир ҳар қандай ўзгартишлар халқ иродаси асосида амалга оширилиши қуйидагича белгиланган: «Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланган».

Шу нуқтаи назардан, Олий Мажлис икки палатали парламентни шакллантириш ва Республика Президентининг Конституциявий ваколат муддатини ўзгартириш мақсадларидан келиб чиқиб, халқ иродасини бу масалаларга бўлган муносабатини аниқлаш, ислоҳотларни халқ

иродаси асосида амалга ошириш тамойилларига амал қилиб, 2002 йилнинг 27 январида умумхалқ референдумини ўтказишга қарор қилди.

Маълумки, ривожланган мамлакатларда референдумлар ўтказиш халқнинг сиёсий ва маънавий эҳтиёжини қондиришнинг демократик воситаси сифатида ижтимоий-сиёсий ҳаётда одат тусига кирган. Масалан, Швейцарияда йилига 3—4 мартадан ҳам референдумлар ўтказилиб турилганлигини ана шундай изоҳлаш мумкин. Референдумнинг муҳим аҳамияти шундаки, «халқ овоз берганлиги туфайли ҳам, референдумда масалаларнинг тақдири узил-кесил, қатъий ҳал қилинади, халқ иродаси билан қабул қилинган қарор мажбурий тус олади ҳамда кўшимча тасдиқлашга муҳтож бўлмайди. Референдумлар йўли билан қарорлар қабул қилиш бошқарувни халққа яқинлаштиради, бунда сиёсий жараёнлар очиқ ва ошкора табиат касб этади»⁴⁹.

Мустақил Ўзбекистон Конституциясида фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришидаги асосий воситалар ҳисобланган сайловлар ва референдумларда кенг иштирок этиши ҳам ҳуқуқий жиҳатлардан мустақкамланди. Унда референдум мақоми ва фуқароларнинг референдумда иштирок этиши демократик қадриятлар талаблари асосида таърифланди: «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади»(32-модда)⁵⁰.

Мазкур масала бўйича 2002 йилнинг 27 январида ўтказилган Референдумнинг натижалари халқ хоҳиш-иродасини аниқ ва равшан кўрсатди. «Сиз келгуси чақириқ Ўзбекистон Республикаси парламенти икки палатали қилиб сайланишига розимисиз?» деган бюллетендаги биринчи

⁴⁹ Умарова Н. Халқ иштирокидаги бошқарув. //Фидокор. 2002 йил, 22 январь.

⁵⁰ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 2000, 7-бет.

саволга овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг 11344242 нафари ёки 93.85 % ёқлаб, 768828 нафари ёки 6,35 % қарши овоз берди⁵¹.

Мамлакатда икки палатали парламентни шакллантиришда иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг VII сессиясининг аҳамияти катта бўлди. Сессияда мамлакатда жамият ва давлат қурилишининг муҳим ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилди. Шунингдек, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат учун хос бўлган сиёсий ва ҳуқуқий муносабатларнинг истиқболлари белгиланди. Референдум жараёни ва унинг натижалари жаҳон ҳамжамияти олдида Ўзбекистон жамиятининг демократик қадриятлар асосида ривожланаётганлигини яна бир карра исботлаб берди. Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг саккизинчи сессиясида референдум натижаларидан қуйидаги иккита муҳим хулоса келиб чиқишини кўрсатиб ўтди: «Биринчидан, бизнинг бошлаган йўлимизни, яъни тоталитар тузумдан воз кечиб, юртимизда очиқ демократик давлат қуриш, ўзини оқламаган, буйруқбозлик тизимига асосланган, ўта марказлашган иқтисодиётдан бутун дунё яшаётган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш, озод ва фаровон ҳаёт барпо этишдек саъй-ҳаракатимизни халқимиз қўллаб-қувватламоқда; иккинчи хулоса шуки, биз ўзимиз интилган фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида ҳеч кимдан кам бўлмайдиган марраларга етиш учун бошлаган ислохотларимизни изчил ва қатъиятлик билан давом эттириш ва янада чуқурлаштиришни ҳозирги вақтда ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда, буни кенг жамоатчилигимиз, халқимиз катта умид билан биздан кутмоқда»⁵².

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг икки палатали қилиб шакллантирилишининг ўзига хос хусусиятларига тўхталишдан олдин, палаталарнинг ўзаро муносабатлари бошқа мамлакатларда қандай тартибга солинганлигини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Жаҳон тажрибаларидан келиб чиқиб, кўп учрайдиган уч ҳолат ҳақида

⁵¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси «Ахборотнома»си, — Т.: Шарқ, 2002, № 1(5), 35-бет.

⁵² Каримов И. А. Янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни ортга қайтмайди. //Туркистон, 2002, 6 апрель.

тўхталиб ўтиш мумкин. Биринчиси, палаталарнинг тенг ваколатли бўлиши ҳолатидир. Бунга Италия парламенти-ни мисол қилиб келтириш мумкин. Парламентнинг бу кўринишини кўпчилик фарб олимлари «рационаллаштирилган», «ҳамкор палатали» парламент деб атайдилар. Бунда ҳар икки палата ҳам тенг муддатга сайланиб, қонун ҳужжатларини кўриб чиқишда тенг сонли кўшма комиссиялар тузадилар.

Иккинчи кўриниш «тенг таъсирли палаталар» шаклида бўлиб, палаталар орасидаги муросасиз рақобат билан характерланади. Бунга Франция парламентини мисол қилиб келтириш мумкин. Бундай ҳолатда палаталар ваколат муддатлари бир-биридан фарқ қилишдан ташқари қуйи палатага ҳукуматни истеъфога чиқариш ваколати берилган бўлади. Айни вақтда, мамлакат президентиға қуйи палатани тарқатиб юбориш ваколати берилади. Юқори палата эса қуйи палата қабул қилган қонунларни қайта кўриб чиқиши, уларға ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда ҳар икки палата ҳам қонун қабул қилиш жараёниға бир хилда таъсир ўтказа олади.

Учинчи кўринишдаги «устувор палата шакли» Буюк Британия, Япония ва бошқа бир қатор федерал тузилишдаги давлатларда учрайди. Бунда умумхалқ йўли билан сайланган қуйи палата қонунчилик фаолиятида бир қатор устуворликка эга бўлади. Баъзан юқори палата фақат рамзий аҳамият касб этса, баъзи ҳолатларда унинг ваколатлари қонун билан чекланган бўлади. Жаҳоннинг айрим мамлакатларида юқори палата ҳудудлар манфаатларига доир қонунларни қабул қилишда устуворлик касб этса, қуйи палата умуммиллий даражадаги қонунлар қабул қилишда устунликка эга бўлади.

Агар бу соҳадаги Ўзбекистон амалиётиға қайтадиган бўлсак, иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг саккизинчи сессиясида (2002 йил 4 апрел) мамлакатда давлат қурилишини эркинлаштириш сари муҳим қадам қўйилганлигини эътироф этиш зарур. Унда «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни қабул қилинди. Бу қонун мамлакат тарихига «Кучли давлатдан кучли жамият сари»

ғоясининг амалдаги ифодасини таъминлаб берувчи ҳуқуқий асос сифатида кирди⁵³. Чунки жамиятнинг кучли бўлишини таъминловчи омиллардан бири жамиятдаги ижтимоий табақалар ва минтақалардаги фуқаролар манфаатларини қонун чиқарувчи ҳокимиятда қанчалик кўпроқ ифодаланишини назарда тутсак, икки палатали парламентнинг аҳамияти янада яққолроқ кўзга ташланади.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат куришни таъминлашга қаратилган мазкур Конституциявий Қонунда икки палатали парламентнинг структураси, таркиби, ҳар бир палатанинг ўрни ва функциялари, Қонунчилик палатаси ва Сенат депутатлари мақомлари, улар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асослари, умуман, парламентнинг қонун чиқарувчи ҳокимият сифатида тутган ўрнининг конституциявий асослари мужассамлашди. Энг муҳими, Қонун мамлакатда демократик таъминларнинг қарор топишини таъминлаш қобилиятига эга ҳуқуқий меъёрлардан иборат эди.

Ушбу Конституциявий Қонун мамлакатда ҳақиқий демократик кўппартиявийликни таъминлаш мақсадларида сиёсий партияларнинг ҳокимиятни шакллантиришдаги ўрнини кескин оширишга, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятлари тақсимланишини ўз ниҳоясига етказиш, уларнинг ўзаро мустақил бўлишларини таъминлашга, мамлакат минтақалари фуқароларини ҳам қонун чиқарувчилик фаолиятида иштирок этишларини таъминлашга ҳуқуқий замин яратиш, депутатларнинг давлат бошқарувида бевосита иштирок этишларига замин тайёрлаш, парламентнинг томонидан қонунларнинг пухта, халқчил ва демократик қадриятларга асосланган бўлиши учун унинг ичида ўзаро сиёсий мувозанатда турувчи палаталарни шакллантиришга, келажакда қонун чиқарувчи ҳокимият ўзбошимчалиги рўй бермаслиги олдини олиш учун парламент ваколатларини ҳар иккала палата ўртасида тақсимлашга, парламентда янада кўпроқ ижтимоий табақалар ва минтақалар манфаатларининг ифодаланишини таъмин-

⁵³ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий Қонуни. //Халқ сўзи, 2002 йил 6 апрел.

лашга, ҳар уччала ҳокимиятнинг бир-бирини «жиловлаб туриш» принципини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини яратишга, парламентнинг фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатга хос фаолият билан шуғулланишини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Конституциявий қонунни жамият ва давлат қурилишига жорий этиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларини ўзгартиришни, уларга айрим қўшимчалар киритишни тақозо этди. Ўтиш даврининг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, қисқа вақт давомида орттирилган тажриба асосида бирданига икки палатали парламентни шакллантириш анча мураккаб ҳолатларда кечди. Чунки узоқ йиллар парламентчилик тажрибасига эга бўлмаган депутатлар ва фуқароларнинг янги парламентни ташкил этиш ва унинг фаолиятида бевосита ва билвосита иштирок этишлари учун маълум даражада сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш талаб этиларди.

Иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг X сессияси (2002 йил 12 декабрь) «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий Қонунларнинг қабул қилиниши билан икки палатали парламентни шакллантиришнинг асосий ҳуқуқий асосларини яратиш жараёни муҳим аҳамият касб этди. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий Қонунга биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қуйи палатаси «Қонунчилик палатаси» деб номланди. Қонунчилик палатаси сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат. Қонунчилик палатасининг иши палата барча депутатларининг профессионал, доимий фаолият кўрсатишига асосланади.

Мазкур қонунга асосан Қонунчилик палатасининг ваколат муддати беш йилга белгиланди. Шунингдек, сайлов -цензи ҳам демократик давлат мезонлари асосида амалга оширилди. Яъни, йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшәтган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Қонунчилик палатасининг депутати бўлиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида парламентга сайланишда ёш ва ўтроқлик цензидан ташқари бошқа цензларнинг ўрнатилмаганлиги мамлакатимиз сайлов ҳуқуқининг анча демократик табиатга эга эканлигини кўрсатади. Маълумки, айрим мамлакатларда муқаддам судланган кишилар гарчи уларнинг судланганлиги олиб ташланган бўлса-да, депутатликка номзод сифатида кўрсатилиши мумкин эмас. Бу бир томонидан, тўғридек кўрилади. Чунки жиноий ўтмишга эга бўлган кишиларнинг қонунчилик органидан жой олиши биров шубҳали туюлади. Аммо судланганлиги олиб ташланган кишиларни ҳам сайланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш шу давлатнинг жазони ўташ тизимига ишончсизликни кўрсатади. Шунингдек, айрим мамлакатларда давлат тилини билиш ҳам депутатликка номзодларга қўйиладиган энг асосий талаблардан биридир. Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасида юқорида саналган цензларнинг ўрнатилмаганлиги, парламент таркибига турли миллат вакилларининг, турли қарашдаги инсонларнинг қира олиши имкониятини кенгайтиради.

Қонунчилик палатасининг ваколатлари ҳам фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этган етук хорижий давлатлар тажрибаси асосида белгиланди. Шунингдек, миллий анъаналар, мамлакатдаги парламентчилик тажрибалари ҳам ҳисобга олинди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, Ўзбекистон Республикаси қонунларни қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш, Ўзбекистон Республикасининг ҳокимият тармоқлари тизимини ҳамда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органларининг ваколатларини белгилаш, Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш, бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, чегараларни ўзгартириш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимиغا биноан

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиш ҳамда унинг ижросини назорат қилиш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари номзодларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш; Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ратификация ва денонсация қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва бошқалар Қонунчилик палатасининг Сенат билан биргаликдаги ваколатлари сифатида белгиланди.

Парламентнинг ҳар икки палатасига юқорида кўрсатилган ваколатларнинг берилиши жаҳон парламентаризми тажрибаларига асосланди. АҚШ, Фарбий Европа, Япония, Жанубий Корея, Австралия, Ҳиндистон каби мамлакатлардаги икки палатали парламентлар ваколатлари ва уларни ҳаётда амал қилиши атрофлича ўрганилди. Шунингдек, миллий тажриба ва миллий мерос қадриятлари ҳам эътиборга олинди. Умуман, Конституциявий Қонунларда берилган мазкур ваколатлар Ўзбекистонда ҳокимиятлар тақсимланишини амалда рўй бериши учун шартшароитлар яратиб бериши шубҳасиздир.

Лекин шу билан бирга Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг айрим мутлақ ваколатлари алоҳида моддаларда ифодаланди. Масалан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий Қонунга биноан Қонунчилик палатасининг Спикери ва унинг ўринбосарларини, кўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Қонунчилик палатаси депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш, Регламентни ҳамда ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб-қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан бошқа қарорларни қабул қилиш, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек, давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан Қонунчилик палатасининг қарорларини қабул

қилиш каби масалалар Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари сифатида белгиланди.

Албатта, қуйи палатанинг мутлақ ваколатларини Сенатнинг мутлақ ваколатларига нисбатан камроқ берилиши дастлабки йилларда унча эътибор берилмаган минтақавий манфаатларни ифодалаш ва уларга эътибор беришни юқори даражага кўтариш, сиёсий партиялар ва фуқаролар ташаббускор гуруҳлари номзодлари асосида шаклланадиган кучли умуммиллий қуйи палатага нисбатан юқори палатанинг мувозанатини сақлашга интилишдир. Шу билан бирга, ҳозирги ўтиш давридаги жамият ва давлат ички ва ўзаро муносабатларининг ҳолати ҳам мазкур ваколатлар тақсимотига ўз таъсирини кўрсатиши табиий бир ҳолдир.

Кўриниб турибдики, парламентнинг қуйи палатасига доир қонунчилик илғор ва етук мамлакатлар тажрибаси, парламентаризм анъаналари, шунингдек, миллий тажрибада тўпланган мезонларни эътиборга олиш асосида шаклланди. Мазкур палатанинг ваколатларидан шу нарса аёнки, Қонунчилик палатаси умуммиллий манфаатлар ва иродаларни ифодаловчи палата сифатида шаклланди. Қуйи палата ваколатлари билан Сенат ваколатларини ҳозирги ўтиш давридаги шароитларни ҳисобга олган ҳолда мувозанатлаштириш натижасида ҳар иккала палата ўртасидаги сиёсий тенгликни барқарорлаштириш, давлат ҳаётига мансуб масалаларни оғир ва вазминлик билан бартараф этиш ғояси ётибди.

Шунингдек, парламент палаталари ўртасидаги мувозанатни сақлаш, ҳар икки палата манфаатларини келиштириш, парламентнинг ягона миллий давлат органи сифатидаги функциясини барқарор бажариши эҳтиёжларидан келиб чиқиб, икки палатанинг келишув комиссиясини тузиш ва унинг фаолияти ҳақида қонуннинг махсус моддалари қабул қилинди. Уларга мувофиқ, Сенат томонидан рад этилган қонун юзасидан Қонунчилик палатаси ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун ҳар иккала палата аъзоларидан тенг сонли вакиллардан иборат келишув комиссиясини тузиши мумкин.

Шу билан бирга, илғор хорижий тажрибалардан келиб чиқиб, Сенатга ижро ҳокимияти ваколатларининг бир қисмини бериш, шунингдек, унинг ижро ҳокимиятини шакллантиришдаги ўрнини кучайтириш мамлакат сиёсий тизимида нафақат ҳокимиятлар тақсимланишини кафо-

латлайди, балки ҳар уч ҳокимиятнинг бир-бирларидан мустақил бўлишлари учун ҳуқуқий асослар яратади. Айниқса, Сенатга ижро ҳокимияти ва суд ҳокимияти тизимлари раҳбарларини шакллантиришга доир берилган ваколатлар унинг юқори палата сифатида халқаро мезонлар талаблари асосида ўз ваколатларини бажара олиш қобилиятига эга бўлишини таъминлайди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий Қонунга кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини, Олий судини сайлаш, Олий хўжалик судини сайлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси ва унинг ўринбосарларини, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Сенат аъзосини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботларини эшитиш, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек, давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан Сенат қарорларини қабул қилиш Сенатнинг мутлақ ваколатлари сифатида белгиланди.

Мазкур Конституциявий Қонунларда ижро ҳокимияти органлари устидан парламент назоратини амалга ошириш мақсадида «Парламент сўрови»га доир моддалар киритил-

ган. Албатта, бу қоида парламентнинг қонун чиқарувчи ҳокимият сифатида ва ижро ҳокимияти билан мувозанатлашишида муҳим аҳамиятга эга бўлган принциплардан биридир. Чунки ҳуқуқий давлат принципларидан бири, бу — нафақат қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятларининг бир-бирларидан мустақиллиги, балки уларнинг ўзаро бир-бирлари олдида масъул бўлишлари қоидасидир. Ўзаро масъулликкина ҳокимиятлар тенглигини барқарор ҳолда сақлайди, бирон-бир ҳокимиятнинг бошқалари устидан мутлақ назорат ўрнатиш ёки ўзига бўйсундириб олишини чеклайди. Ҳар уч ҳокимиятнинг бир-бирларини у ёки бу томондан назорат этиб туриши ҳар бир мамлакатда авторитаризм ёки тоталитаризмнинг авж олиб кетишига йўл қўймайдиган ўзига хос кафолатдир.

Парламентнинг ҳар иккала палатасига доир Конституциявий Қонунларнинг демократик принципларга нафақат асосланиши, балки уларни янада халқчиллашганлигига мисол қилиб, улардаги ёш цензларининг тенглигини келтириш мумкин. Қонунчилик палатасининг депутати ва Сенат аъзоси бўлиб сайланиш учун сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил мамлакат ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси даъвогарлик қилиши мумкин.

Албатта, бу қоида жаҳондаги энг демократик мезонлардан биридир. Масалан, АҚШда ҳам депутатликка номзод бўлиш ҳуқуқига камида етти йил АҚШ фуқароси бўлган, 25 ёшга тўлган, сайлов округи жойлашган штатда яшаётган фуқаро эгадир. АҚШ Сенатига сайланиш учун номзод АҚШда камида тўққиз йил яшаган, 30 ёшга тўлган, ўзи сайланаётган штатда яшаётган фуқаро бўлиши лозим. Европадаги парламентларнинг қўйи палаталари депутати бўлиб сайланиши учун номзод 25 ёшга тўлган бўлиши лозим. Лекин юқори палаталарга сайланиш учун ёш цензлари 30—35 ёшга тўлишни талаб этади.

Аммо шу ўринда миллий хусусиятларимизни эътиборга олган ҳолда Ўзбекистонда Сенат депутатлигига ёш цензини йигирма бешдан ўттизга кўтариш лозимлиги ҳақидаги фикрни илгари сурмоқчимиз. Гап шундаки, ўзбек заминидан давлат ва жамиятни бошқаришга ҳамisha ёши улуғ инсонлар, халқ ўртасида катта обрў-эътибор қозонган киши-

лар жалб қилинганлар. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, миллий менталитетимиздан келиб чиқадиган бўлсак, йигирма беш ёшли кишиларнинг Сенат аъзоси бўлиш имкониятлари ниҳоятда кам. Шундай экан, реал воқелиқдан келиб чиққан ҳолда, сенаторларнинг ёши камида ўттиз ёш бўлишини қонунда белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ.

Қабул қилинган янги Конституциявий Қонунларда қонунчилик ташаббуси билан чиқиши мумкин бўлган давлат идоралари билан бир қаторда кўплаб субъектларга ҳам бу ҳуқуқлар берилганлиги ижобий ҳолдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокурорига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқларининг берилганлиги ва уларнинг аксарият қисми қонунчилик амалиёти билан доимий шуғулланувчи органлардан иборат эканлиги қабул қилинажак қонунларнинг пишиқ, пухта, давлат ва халқ манфаатларини эътиборга олиш асосида бўлишини таъминлаши шубҳасиздир.

Шу ўринда, бир қатор мамлакатларда мавжуд бўлган лоббизм институти масаласига ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Бугунги кунда республикамиз жамоатчилигида босим гуруҳлари ҳисобланмиш «лоббизм» атамасининг ўзи салбий қабул қилинмоқда, унга парламентнинг самарали ишлашига тўсқинлик қилувчи институт сифатида қаралмоқда. Бунга сабаб шуки, юртимиз узоқ йиллар давомида шахсий ва гуруҳий манфаатлар инкор қилиб келинган тоталитар тузум остида яшади. Лоббизм ҳам «тор буржуа манфаатлари ифодачиси» сифатида талқин қилиб келинди. Ҳўш, лоббизм ўзи нима, у ҳақиқатдан ҳам биз ўйлаганчалик самарасиз сиёсий институтми?

Халқаро миқёсда ўз ўрнига эга бўлган «Миллий журнал»да ёритилишича: «лоббизм ўзига хос сиёсий институт бўлиб, унинг ёрдамида фуқаролар, жамоат бирлашмалари ва тижорат ташкилотлари қонуний равишда сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатадилар. Лобби гуруҳи бу — ўзининг ходимлари (агентлари) орқали бирор гуруҳнинг моддий, маънавий ва бошқа манфаатларини

ҳимоя қилиш учун қонун чиқариш жараёнига таъсир кўрсатувчи ташкилотдир»⁵⁴.

Таниқли сиёсатшунос Г. Алмонднинг фикрича, босим гуруҳлари (лоббизм) ижтимоий манфаатларни намоён этишда муҳим рол ўйнайдилар. Шу билан улар сиёсий тизим ва жамият аъзолари ўртасидаги коммуникатив бўғин ҳисобланадилар⁵⁵. Унинг бу фикрларини сиёсий тизимнинг мумтоз назарияси асосчиси Д. Истон ҳам такрорлайди. Унинг уқтиришича, босим гуруҳлари ва жамият манфаатларини ифодаловчи бошқа институтлашган уюшмалар жамият сиёсий эҳтиёжларини тайёр сиёсий талаб шаклига айлантирувчи оралиқ мавқени эгаллайдилар. Ушбу оралиқ жамият ва сиёсий тизимнинг «кириш» жойи ўртасида бўлади⁵⁶. Тараққиёт натижасида шу нарса аён бўлдики, у ёки бу қонуннинг қабул қилиниши ёхуд қабул қилинмаслигидан манфаатдор бўлган сиёсий кучлар ҳамиша мавжуд бўлади. Бу кучлар ҳамиша қарорлар қабул қилиш жараёнига ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қиладилар. Лоббизм эса бу ҳаракатларнинг энг кўп тарқалган усули бўлиб, унинг мавжудлиги турли ноқонуний йўллар билан парламент фаолиятига таъсир ўтказишнинг олдини олади. Лоббизм бугунги кунда ижтимоий манфаатларни уйғунлаштириш ва юқорига узатиш, сиёсий элитани шакллантиришга таъсир кўрсатиш, жамиятдан келаётган ахборотларни ҳокимиятга узатиш каби вазифаларни амалга ошириши билан сиёсий тизимнинг ажралмас қисмига айланган. «Кўплаб демократик сиёсий тизимлар амалиётининг кўрсатишича, — деб ёзади тадқиқотчи Б. Саби-ров, — айнан лоббизм турли ижтимоий гуруҳлар ва ҳокимият идоралари ўртасидаги муносабатларнинг энг кўп тарқалган ва энг самарали усулидир»⁵⁷.

Шу билан бирга, қатор олимлар лоббизмнинг айрим салбий жиҳатларини ҳам санаб ўтадилар. Хусусан, яши-

⁵⁴ Қаранг. National Journal. 8. 11. 1997. — P. 2249.

⁵⁵ Қаранг. Лавриенка В. Н. Политология. М.: 1999. — С. 192.

⁵⁶ Қаранг. Истон Д. Политическая система. 1953. — С. 55.

⁵⁷ Саби-ров Б. Н. Роль лоббизма в активизации институтов гражданского общества в политической жизни./«Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш: муаммолар ва ечимлар» мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. — Т.: 2004, 169-бет.

рин лоббизмнинг мавжуд бўлиши бюджет тақсимотига, устувор йўналишларга ўз таъсирини ўтказиб, давлат сиёсатини амалга оширишга халал беради, асосан, иқтисодий жиҳатдан бақувват гуруҳларнинг манфаатларини ҳимоялаб, жамиятда кескин табақалашувни келтириб чиқаради, давлат органларига ноқонуний равишда, баъзан коррупцион усуллар билан таъсир кўрсатиб, ҳокимиятнинг заифлашувини келтириб чиқаради. Бундай ҳолатларнинг олдини олишнинг энг самарали усули бу — лоббизм институтини фаолиятини легаллаштиришдир.

Лоббизмнинг яширин суръатларда намоён бўлишини кўриб чиқишда Россия Федерацияси қонунчилик органларининг фаолияти мисол бўла олади. Масалан, бир қатор хорижий экспертларнинг фикрича, РФ Давлат Думасининг нефть ишлаб чиқаришга доир солиқларни ошириш бўйича ташаббуслари айнан нефть ишлаб чиқарувчи компанияларнинг Думадаги лобби агентлари томонидан тўхтатилиб турилибди. «Ҳукумат нефть ишлаб чиқаришга доир солиқларни 3 миллиард АҚШ доллари миқдоригача кўтаришни таклиф қилганида, нефть ишлаб чиқарувчи компанияларга қарашли лобби гуруҳлари бу қонун лойиҳасини тўхтатиб туришга эришгандилар»⁵⁸, деб ёзади АҚШда чоп этиладиган «Бизнес-Вик» журнали. Ёки РФ Давлат Думасининг хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан «Россия қонунчилигидаги коррупция муаммоси» мавзусида ўтказилган семинарда ҳам худди шу масала кўтарилиб, унда шундай дейилади: «Баъзан қонун қабул қилиш жараёнларига гаразли манфаатларни кўзлаган кучлар ўз таъсирини ўтказмоқда. Бундан хулоса шуки, мамлакатда лоббизм тўғрисида ҳамда қонунлар қабул қилиш жараёнлари тўғрисидаги қонунларни қабул қилиш лозим. Ушбу қонунларнинг фуқаролар ва ҳокимият ўртасидаги муносабатларни максимал даражада тартибга солишига эришиш зарур»⁵⁹.

⁵⁸ <http://www.inosmi.ru/translation/translation/205700.html> Джейсон Буш. Российская нефть забьет фонтанами прибылей. Business week. 27th January 2004.

⁵⁹ <http://www.duma.gov.ru/cgi-bin/yandmarkup?hndlquery=1121914144&pagenum=0&g=1&d=0> Семинар комитета по безопасности по теме: «Проблемы коррупционности российского законодательства».

Демак, юқоридаги мисоллардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида парламентнинг профессионал асосда фаолият юритиши лоббизм институтига ҳам алоҳида эътибор беришни талаб этади. Яъни, агарда амалиётда лоббизм институтига эҳтиёж туғиладиган бўлса, унинг фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ишлаб чиқиш лозим бўлади. Чунки лоббизм фаолиятининг қонуний асослари яратилмаса, у яширин ҳолда фаолият кўрсатиши, айрим тор гуруҳлар манфаатларига хизмат қилиш мумкин.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий Қонунларнинг қабул қилиниши билан Ўзбекистонда икки палатали парламент барпо этишнинг сиёсий-ҳуқуқий асослари яратилди. Ҳуқуқий демократик давлат учун хос бўлган икки палатали парламентнинг ҳуқуқий ва сиёсий асосларини ишлаб чиқиш ва уни Олий Мажлиснинг қонун қабул қилиш жараёнларида янада такомиллаштириш натижалари кўрсатдики, Ўзбекистон фуқаролик жамияти сари қадам қўймоқда. Олий қонун чиқарувчи орган фуқароларга, уларнинг ижтимоий-сиёсий ташкилотларига, умуман, жамиятга яқинлашиб бормоқда. Икки палатали парламент нафақат жамиятдаги ижтимоий табақалар, балки шу билан бирга, минтақавий манфаатларни эътиборга олувчи, фуқароларнинг иродаларини янада кенгроқ ифодаловчи халқ минбарига айланиб бормоқда. Шу билан бирга, янги парламент мамлакатдаги сиёсий партияларнинг шаклланиш даражасини ниҳоясига етказишда ҳам муҳим аҳамиятга эгалигига шак-шубҳа йўқ. Парламентнинг умуммиллий палатаси — Қонунчилик палатасининг сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ташаббус гуруҳлари томонидан кўрсатилган номзодлари асосида шаклланиши билан қонунларда нафақат давлат манфаатлари, балки фуқароларнинг турли ижтимоий табақаларининг туб манфаатлари ҳам ифодаланишига эришилади. Шу маъно нуқтаи назаридан қаралганда, икки палатали парламент барпо этиш учун олиб борилган ислохотлар «Кучли давлатдан кучли жамият сари» гоёсининг амалиётдаги ифодаларидан биридир. Зеро, кучли

жамиятсиз кучли давлат бўлмаганидек, сиёсий ҳокимиятлар демократик қадриятлар асосида тақсимланмаган мамлакатда кучли жамият ҳам бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам давлат қурилиши ва жамият сиёсий соҳасини эркинлаштириш соҳасидаги ислоҳотларнинг бош йўналиши инсонга, унинг эрки, шаъни, қадр-қимматини ҳимоя этишга қаратилаётгани бизнинг умумий йўлимиз жаҳон ҳамжамиятига ҳамоҳанг тарзда эканлигини ифодалайди. Илмий таҳлиллар кўрсатдики, икки палатали парламентни шакллантиришга доир ислоҳотларнинг бош йўналиши давлат қурилиши ва жамият сиёсий соҳасини эркинлаштириш соҳасидаги ҳозирги ислоҳотларнинг таркибий қисми бўлиб, у асосан инсонга, унинг эрки, шаъни, қадр-қимматини ҳимоя этишга қаратилмоқда. Бу йўл жаҳондаги демократик тамойилларга ҳамоҳанг бўлиб, унинг таркибий қисмларидан бирига айланиб бормоқда.

III БОБ

ПРОФЕССИОНАЛ ПАРЛАМЕНТ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИДА ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

1. Икки палатали парламентга сайловлар: тажрибалар ва истиқболлар

Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат шароитида сайловлар фақат демократиянинг белгиси ва кўриниши бўлмасдан, шу билан бирга унинг зарурий шартин ҳамдир. БМТ Бош Ассамблеясининг 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси»дан қуйидаги демократик тамойил ўрин олган: «Ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллари орқали ўз мамлакати бошқарув ишида қатнашиш ҳуқуқига эгадир. Халқ иродаси ҳукуматнинг ҳокимияти асоси бўлиши керак: бу ирода ёпиқ овоз бериш ёки овоз беришни эркинлигини таъминловчи бошқа шунга тенг аҳамиятли кўринишлардаги умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида ифодаланиши керак»⁶⁰.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов эркин сайловлар, уларнинг демократик жамият барпо этишдаги тутган ўрнига алоҳида тўхталиб, «Модомики, биз демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш каби эзгу мақсад сари интилаётган эканмиз, демократиянинг бош талаби бўлмиш эркин сайловларни муносиб ташкил қилиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир»⁶¹, деган эди.

Сайловлар «демократиянинг бош талаби» деб аталиши бежиз эмас. Чунки замонавий демократик давлатларда сайловлар халқ суверенитетини амалга оширишнинг асосий

⁶⁰ «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси». 21-модда. 1948 йил 10 декабрь. //Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. — Т.: Адолат. 2004, 34-бет.

⁶¹ Каримов И. Ватан озодлиги — олий саодат. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пиروвард мақсадимиз. 8-жилд. — Т.: Ўзбекистон. 2000, 62-бет.

механизми бўлиб, демократиянинг «ўзаги»ни ташкил қилади. Сайловлар халққа давлат ҳокимияти манбаи сифатидаги сиёсий ролини ижро этиш имконини берувчи муҳим сиёсий жараён ҳисобланади. Шунингдек, сайловлар давлат ҳокимияти институтларига турли қатламлар, гуруҳларнинг манфаатларини етказиш воситаси ҳам саналади.

«Сайловнинг аҳамияти шундаки, — деб ёзади таниқли ҳуқуқшунос олим О. Хусанов, — унинг натижасида фақат вакиллар, давлат бошлиғи сайланибгина қолмай, жамият аъзоларининг хоҳиш-иродаси, кайфияти, олиб борилаётган сиёсатга нисбатан муносабати аниқланади. Конституциявий тарзда ўрнатилган ва тараққиётнинг муҳим факторлари ҳисобланмиш фикрлар хилма-хиллиги яққол намоён бўлади. Демократик, адолатли жамиятни сайловларсиз куриш мумкин эмас»⁶².

Демократик тамойилларга асосланган сайловлар тизimini шакллантириш, уни такомиллаштириш ўтиш даврини ўз бошидан кечираётган, мустақилликка эришган ёш давлатларда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат куриш учун муҳим ва долзарб вазифалардан биридир.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи уларни сайловлардаги иштирокини, шунингдек, сайловчилар ишончини оқламаган шахсларни чақириб олувчи тартиботларнинг ҳуқуқий меъёрлари мажмуасидир.

Сайлов ҳуқуқи тушунчаси торроқ маънода, аниқроғи, фуқароларнинг сайловларда иштирок этиш ҳуқуқи сифатида: ёки сайловчи сифатида (фаол сайлов ҳуқуқи), ёки сайланувчи сифатида (пассив сайлов ҳуқуқи) ҳам қўлланилиши мумкин. Шунингдек, кенг маънода талқин этилаётган сайлов ҳуқуқи тамойиллари ва бошқа бир қанча омиллар асосидаги сайловларнинг муайян тавсифларини кўрсатиш ва унинг турли кўринишларини бир-биридан ажратиб кўрсатиш мумкин: Президент сайлови, парламент сайлови ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайловлар. Бундан ташқари, навбатдаги, навбатдан ташқари ва қўшимча сайловлар ҳам бўлади.

⁶² Хусанов О. Сайлов — демократия ифодаси. //Жамият ва бошқарув. 1999 йил, 1—2-сон. 8-бет.

Ҳозирги дунёнинг кўплаб демократик мамлакатлари ўзларининг Конституциялари ёки махсус сайловларга доир қонунларида фуқароларнинг яширин овоз бериши орқали умумий ва тенг сайловлар ҳуқуқларини эълон қилган.

Вакиллик ҳокимияти органларига доир сайловларда ҳам ана шундай қонуниятни қайд этиш мумкин: маҳаллий органлар, бир палатали парламентлар ва икки палатали парламентларнинг қуйи палаталари ҳамма жойда ҳам тўғридан-тўғри сайловлар орқали сайланади. Айрим мамлакатларда эса (жумладан, АҚШ сенати) юқори палаталари шу тарзда шаклланиши мумкин. Бундай овоз бериш ҳам яширин бўлиб, бу қоидалар ҳозирги даврда дунёнинг барча ривожланган мамлакатларига хосдир.

Одатда, сайлов тизимларининг уч асосий тури ажратиб кўрсатилади. Булар **пропорционал**, **мажоритар** ҳамда **аралаш** сайлов тизимларидир.

Пропорционал сайлов тизимидан фақат кўпмандатли умумдавлат округларида ташкил этилган сайловларда фойдаланиш мумкин. Бунда сайловчи вакиллик органларига кўрсатилган битта номзод учун эмас, балки сайлов бирлашмаси ёки партия съездида тасдиқланган бир неча кишилик номзодлар рўйхатига овоз берадилар. Натижада, тегишли органлардаги ўринлар партияларнинг олган овозларига қараб, пропорционал равишда тақсимланади.

Пропорционал сайлов тизими унча йирик бўлмаган сайлов блокларининг ҳам вакиллик органларидан жой эгаллашларига имкон беради. Амалиётнинг кўрсатишича, бу ҳолат парламентадаги сиёсий кучларнинг майда бўлакларга парчаланишига олиб келади. Натижада, парламент фаолияти «фалажланиб» қолиши мумкин. Бундай ҳолатнинг олдини олиш мақсадида вакиллик органи таркибига кириш учун ўзига хос «чегараловчи тўсиқ» ўрнатилади. Яъни, партиялар сайловчиларнинг умумий овозидан маълум фоизини тўплашлари талаб этилади.

Юқорида таъкидланганидек, пропорционал сайлов тизимида сайловчи бир номзодга эмас, балки партия ёки сайлов бирлашмаси томонидан таклиф этилган номзодлар рўйхатига овоз беради. Одатда бу рўйхатда кўрсатилган номзодлар сони мандатлар сонидан ортиқ бўлади. Шу сабабли рўйхатда кўрсатилган номзодлардан ким парла-

мент депутаты бўлиши икки тамойил асосида амалга оширилади. Биринчиси, навбатига кўра, яъни рўйхатнинг бошида турганлар биринчилардан бўлиб парламент аъзолигига ўтадилар. Иккинчиси, преференциаллик тамойилига кўра, яъни сайловчига рўйхатда кўрсатилган бирор номзодни белгилаш ҳуқуқи берилади. Таъкидлаш жоизки, пропорционал сайлов тизими фақат коллегиял органларга, масалан, парламентга ўтказиладиган сайловлардагина қўлланилиши мумкин.

Мажоритар сайлов тизимининг (франц. majorite — кўпчилик) асосини «кўпчилик тамойили» ташкил этади. Бундай тизим, одатда, бир мандатли округларда амал қилади ва энг кўп овоз олган номзод ғолиб ҳисобланади. Мажоритар сайлов тизимининг икки шакли мавжуд, булар: нисбатан кўпчилик ва мутлақ кўпчилик овоз олиш тизимларидир. Биринчи шаклда, номзод мандат олиши учун рақибларидан кўпроқ овоз тўплаши лозим. Иккинчи шаклда эса номзод камида эллик фоиз (50%+1) овозга эга бўлганидагина ғалаба қозонади. Агар номзодлардан бирортаси ҳам 50 % дан кўп овоз ололмасалар, у ҳолда иккинчи тур сайловлари ўтказилади. Иккинчи турда фақат энг кўп овоз олган икки номзод қатнаша олади, холос. Мажоритар сайлов тизими пропорционал сайлов тизимидан кўра анча универсал табиатга эга бўлиб, уни нафақат вакиллик органларига бўлган сайловларда, балки президент сайловларида ҳам қўллаш мумкин. Мажоритар сайлов тизимининг ягона камчилиги — у унча йирик бўлмаган партия ва ҳаракатлар вакилларининг давлат органларига кириш имкониятини торайтириб қўяди.

Аралаш сайлов тизими мажоритар ва пропорционал сайлов тизимларининг нуқсонларини камайитишни назарда тутган ҳолда, уларнинг уйғунлашувидан ҳосил бўлган. Бу уйғунлик парламентнинг бир қисми — мажоритар, бошқа қисми эса — пропорционал тизимга асосан сайланишида намоён бўлади.

Таъкидлаш жоизки, сайловлар сиёсий жараёнларнинг ўлчови ҳисобланади. Сайловлар даврида турли сиёсий кучлар, қарашлар, оқимлар ҳамда мафкураларнинг тўқнашуви юз беради. Сайлов натижалари эса уларнинг қай дара-

жада яшовчанлигини, сиёсий тизимга қай даражада таъсир эта олишини кўрсатади. Сайловлар орқали кишилар ўзлари ишонган ҳамда мамлакатни бошқаришга лаёқатли деб билган инсонларига ваколат берадилар.

Сайловлар демократик тараққиётнинг асосий шарти сифатида бир қатор вазифаларни бажаради:

- аҳоли манфаатларини агрегациялаш ва артикуляциялаш вазифаси — сайловлар даврида кишиларга ўз манфаатларини англаш имконияти яратилади. Сайловлар даврида сайловчиларнинг кўпроқ овозини олишга интилган номзодлар, оммавий ахборот воситалари уларнинг муаммоларига бошқа вақтдагидан кўра кўпроқ эътибор берадилар. Бу эса айни вақтда фуқаролар томонидан ўз манфаатларини англашлари учун қулай вазиятни туғдиради. Сайлов платформаларида кишиларнинг манфаатлари артикуляцияланади, яъни бу манфаатлар, қарашлар, истаклар ҳаётга татбиқ этишга тайёр, аниқ дастур шаклини олади;
- ҳокимият институтлари устидан назорат ўрнатиш вазифаси — сайловлар ҳокимият устидан назорат ўрнатишнинг муҳим механизми саналади. Чунки сайловлар даврида кишилар ҳукуматга, парламентга бўлган муносабатларини билдирадилар, ҳокимият тузилмаларининг таркибини янгилаб турадилар. Шунингдек, сайлов натижасида ҳукуматни назорат қилувчи орган — парламент шаклланади, сиёсий мухолифат таъсир кучига эга бўлади;
- турли фикрларни уйғунлаштириш, умумий сиёсий иродани шакллантириш вазифаси — сайловлар натижасида кўпчилик инсонларнинг ягона ғоя, мақсад, дастур, платформа атрофида бирлашадилар, мамлакатда устунлик қилувчи йўналиш, ирода шаклланади;
- сиёсий тизимни, алоҳида сиёсий институтларни (парламент, президент, ҳукумат) легитимлаштириш ва барқарорлаштириш вазифаси — фуқароларнинг сайловларда иштирок этиши уларнинг мазкур сиёсий тизимни, сиёсий тартиботни, ҳокимиятни шакллантириш шаклини қабул қилганликларидан далолат беради. Сайловлар ишонч қозона олмаган ҳукуматни, депутатни алмаштириш имконини беради;

- вакилларнинг бошқа ҳокимият институтлари ҳамда фуқаролар билан мулоқотлари доирасини кенгайтириш вазифаси — сайловолди жараёнларда номзодлар сайловчилар билан учрашадилар, уларнинг фикрларини эшитиб, ўз сайлов платформаларига тегишли ўзгартиришлар киритадилар. Шу боис, сайловлар ҳокимият ва фуқаролар ўртасидаги алоқаларни мустақамлашга хизмат қилади. Уларнинг фаолияти мансабдорлар ва оддий фуқаролар ўртасидаги муносабатларнинг табиатига, кишиларнинг ҳокимиятга бўлган ишончига, уларнинг сиёсатдаги иштирокига жиддий таъсир кўрсатади;
- сайловчиларни муҳим масалаларни ҳал этиш жараёнига сафарбар қилиш вазифаси — номзодлар, партиялар кишиларни ўз дастурлари билан таништириб, уларни муайян сиёсий мақсадни қўллаб-қувватлашга чақириб, бу дастурларни амалга оширишнинг йўлларини таклиф этиб, аҳолини ва жамоатчилик фикрини бутун мамлакат учун муҳим бўлган масалаларни ҳал қилишга сафарбар қиладилар;
- аҳолининг сиёсий ижтимоийлашувига, кишиларнинг сиёсий онги ва маданиятига таъсир кўрсатиш вазифаси — сайлов жараёнида фуқаролар сиёсий қадриятларни, тажрибаларни, меъёрларни ўзлаштирадилар. Айни шу вақтда сиёсий йўналишдаги ахборотлар оқими кўпаяди, сиёсий-таҳлилий ва тарғибот-ташвиқот ишлари фаоллашади, бир-бирига қарама-қарши бўлган сиёсий қарашлар майдонга чиқади, у ёки бу муаммони ҳал қилишнинг муқобил йўллари таклиф қилинади. У ёки бу номзодни ёки партияни танлар экан, сайловчилар ўзларини қайсидир даражада бирор сиёсий кучнинг аъзоси ёки тарафдори сифатида идрок этадилар. Буларнинг барчаси кишиларнинг сиёсий онгини ва фаоллигини юксалтиришга хизмат қилади;
- сиёсий элитани шакллантириш вазифаси — сайловлар кишиларнинг сиёсий элита таркибидан жой олиши, юқори лавозимга кўтарилиши, сиёсий етакчиларни майдонга чиқариш ёки сиёсий саҳнадан туширишнинг муҳим воситасидир. Сайловлар нати-

жасида ҳукмрон ва муҳолифатдаги элитанинг таркиби ўзгаради, сиёсий партияларнинг мақоми, таъсири даражаси аниқланади;

- жамият ҳаётини муқобил сиёсий дастурлар кураши орқали янгилаб бориш вазифаси — сайловлар давлат ва жамият ҳаётини институционал жиҳатдан янгилаб бориш имконини беради. Сайловлар турли сиёсий кучларга жамиятдаги муаммоларни ҳал қилишнинг янги воситаларини, усул ва услубларини ишлаб чиқишлари учун имконият яратади. Шунингдек, сайловлар жамият тараққиётига хизмат қилувчи янги ғояларнинг юзага чиқишига, самарадорлиги кам бўлган дастурларнинг эса бекор қилинишига хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, сайловларнинг энг муҳим ва биринчи галдаги вазифаси бу фуқароларнинг иродаси ва манфаатларини рўёбга чиқариш, ҳокимият тузилмаларида халқ вакилларининг ўрин олишини таъминлаш ҳамда самарали ишловчи ҳокимиятни шакллантиришдан иборатдир. Масаланинг муҳим жиҳати шундан иборатки, сайловлар юқорида санаб ўтилган вазифаларини фақат демократик шароитдагина, сайловлар демократик мезонлар асосида ташкил этилган тақдирдагина амалга ошириши мумкин. Бунда демократик сайлов ҳуқуқи амал қилади.

Сайлов ҳуқуқининг тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, сайловларни демократик меъёрлар асосида ташкил қилишнинг ўзига хос тамойиллари ҳам ишлаб чиқилган.

Булар:

- эркин сайловларни ташкил этиш. Бу тамойилга кўра, сайловчиларга, сайлов жараёни фаолларига, номзодларга ёхуд сайловни ташкил қилувчиларга ҳар қандай сиёсий, маъмурий, ижтимоий, иқтисодий, руҳий ёки ахборот босими кўрсатиш маън қилинади.
- сайловларда муқобил номзодларнинг мавжуд бўлиши. «Сайлов» атамасининг ўзи бир неча киши ичидан фақат биттасини танлаб олишни назарда тутди. Агар муқобил номзодлар бўлмаса, сайловчилар фақат битта номзод учун овоз берсалар, у ҳолда бу сайлов ҳисобланмайди, балки номзодни маъқуллаш

ёки уни рад этиш бўлиб қолади. Шу боис, сайловларда муқобил номзодларнинг иштирок этиши сайловнинг демократик табиатини белгилаб беради.

- сайловларнинг рақобат асосида ташкил этилиши. Яъни номзодлар сайлов жараёнида ўзларининг дастурлари билан сайловчиларни таништиришлари, рақибларининг сайлов дастуридаги камчиликларни кўрсатиб, уларни танқид қилишлари лозим. Фақат шундагина сайловчилар ўзлари учун маъқул бўлган партияга ёки алоҳида номзодга овоз беришлари мумкин бўлади.
- сайловларнинг даврий ва доимийлиги. Мамлакатнинг устувор йўналишларини ўзгартириб туриш, мандатга эга бўлганлар устидан назоратни амалга ошириш, ҳокимият таркибини янгилаб бориш учун ҳамisha белгиланган муддатда сайловлар ўтказилиб туриши лозим.
- сиёсий партиялар ва номзодларнинг тенг имкониётга эгаллиги. Яъни ҳар бир сиёсий партия ёки номзод сайловолди кураши давомида ўз рақибларига тенг бўлган миқдордаги моддий ва ахборот ресурсларига эга бўлмоғи лозим. Одатда, бу тамойилни амалга ошириш учун турли мамлакатлар ўз қонунчилигида давлатга тегишли бўлган оммавий ахборот воситаларида уларга тенг вақт ажратадилар, сайловолди курашига сарфланадиган маблағларнинг максимал миқдори белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида демократик тамойиллар ва механизмлар асосида сайловлар ташкил қилиш учун етарли асослар яратилган. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида», «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида», «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида»ги қонунлар бу жараёни тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш ва ҳуқуқий жамият барпо этиш йўлидан изчиллик билан бораётган республикамизда сайлов тизимини ислоҳ қилишга қаратилган катта ишлар амалга оширилди. Хорижий тажрибани

чуқур ўрганиш асосида Парламент томонидан қабул қилинган сайловга доир янги қонунлар, ривожланган мамлакатлар қонун ҳужжатларининг муҳим демократик нормаларини ўз ичига олиб, шу билан бирга халқимизнинг миллий анъаналарига ҳам таянди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Сайлов тизими» бобида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади. Ўзбекистон Республикасида Президент сайлови, ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайлови умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётганлар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси фуқароси бир вақтнинг ўзида иккитадан ортиқ вакиллик органининг депутати бўлиши мумкин эмас.

Сайловлар умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунга кўра, мазкур Кенгашларга 21 ёшдан эътиборан депутат бўлиш мумкин. Мамлакат вакиллик ҳокимияти олий органи — Олий Мажлис умумдават аҳамиятига молик энг масъулиятли қарорлар қабул қиладиган бўлгани учун ҳам Конституция бу органга сайланиш ҳуқуқини 25 ёшга тўлган фуқароларга беради, мамлакат Президентлигига Ўзбекистон Республикасининг 35 ёшдан кичик бўлмаган фуқароси сайланиши мумкин.

Умуман, мамлакатдаги сайлов тизими демократик қадриятлар талаблари ва миллий ўзига хос хусусиятлар асосида шаклланиб, ҳозирги даврда у янада такомиллашиш ва мукамаллашиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Юқорида кўрсатилган сайлов тизимини кафолатловчи

барча қонунлар асосида вакиллик органларига биринчи бор сайлов 1994 йил 25 декабрда ўтказилди. Республика Олий Мажлисига илк бор ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида беш йил муддатга депутатлар сайланди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин Олий Мажлисга ўтказилган биринчи сайлов давлатимизда тобора тараққий топаётган демократик жараёнларнинг амалдаги ифодаси бўлди. Кўппартиялилиқ ва муқобиллик асосида ўтган сайловларда фуқароларнинг ҳуқуқлари юксак қадрланди. Депутатликка номзодлар танлаш ва номзод кўрсатишга янгича ёндашилгани сайлов кампаниясининг ўзига хос муҳим жиҳати бўлиб қолди. Сайлов ташкилотчилари сиёсий партияларнинг сайловолди дастурларини эълон қилиш чоғида, депутатликка номзодларнинг ўз сайловчилари билан учрашувлари вақтида тенглик принципига риоя этилишига жиддий эътибор бердилар.

«Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг экспертлари, — деб ёзади таниқли сиёсатшунос олим Л. Левитин, — 1991 йилдаёқ қабул қилинган, 1997 йилнинг 26 декабрида ва 1999 йилнинг анча ўзгартирилган ҳамда тўлдирилган Президентлик, Олий Мажлисга сайловларни тартибга солувчи Ўзбекистон қонунларининг замонавий демократия андозаларига етарли даражада мос келишини яқдиллик билан қайд этишади»⁶³.

Бир палатали парламент тарихига назар ташлайдиган бўлсак, республикамызда 2005 йилга қадар икки марта — 1994 йил 25 декабрда, 1999 йил 5 декабрда Олий Мажлисга («бунга қадар унинг ваколатларини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши амалга оширган»⁶⁴) сайловлар бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий вакиллик органи — Олий Мажлисга бўлиб ўтган сайловлар ҳам демократик меъёрлар асосида ташкил этилганлиги барчага маълум. Парламентга демократик ва кўп парти-

⁶³ Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. — Т.: Ўзбекистон. 2001. 24—25 бетлар.

⁶⁴ Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат. А. Жалолов ва Қ. Хоназаров умумий таҳрири остида. — Т.: Шарқ. 2000. 178-бет.

явийликка асосланган илк сайловлар 1994 йилнинг 25 декабрида ўтказилди.

Сайловларда ҳаммаси бўлиб 634 номзод, жумладан, Ўзбекистон Халқ Демократик партиясидан 243 номзод, Ўзбекистон «Ватан тараққиёти» партиясидан 141 номзод, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларидан 250 номзод кўрсатилди. Сайловларда жами 11 миллион 248 минг 464 сайловчидан 10 миллион 526 минг 654 сайловчи, яъни барча сайловчиларнинг 93,6 % иштирок этди. «1995 йилнинг 8 январидан 39 сайлов округида, 1995 йилнинг 22 январидан 7 сайлов округида такрорий сайловлар ўтказилди. Натижада, 250 депутатдан иборат биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси шаклланди. Унинг таркибини эса Ўзбекистон ХДПдан 69 депутат, «Ватан тараққиёти» партиясидан 14 депутат, маҳаллий ҳокимият органларидан эса 167 депутат ташкил этди»⁶⁵.

Иккинчи марта демократик тамойиллар асосидаги парламент сайловлари 1999 йил 5 декабр куни ўтказилди. Демократик ҳуқуқий давлат ва тараққиёт учун ошқора курашнинг муҳим йўли бўлган сайловлар белгиланган муддатда, жаҳон андозаларига монанд равишда ўтказилди. Сайловлар нафақат демократиянинг намоёниши, балки шу билан бирга, унинг пойдеворини мустаҳкамловчи, инсонлар сиёсий маданиятини юксалтирувчи омил эканлиги ўз ифодасини топди. Аввало, Марказий сайлов комиссиясидан тортиб, округ ва участка сайлов комиссияларигача партиясиз, холис ва бетараф кишилардан тузилди.

Марказий сайлов комиссиясининг бош мақсади — сайлов қонунларига тўла ва қатъий амал қилинишига, бу қонунлар ҳаётда ўз аксини топиб, чинакам воқеликка айланишига ва том маънода устувор бўлишига эришишдан иборат эди. Бу борада ошқоралик муҳим омил бўлди. Сайловлар жараёнининг ҳар бир босқичи, амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида ўз вақтида оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчилик бохабар этиб борилди.

⁶⁵ Қаранг: Файзиев М. Сайлов тизими. Ўзбекистон Республикаси: Энциклопедия. Таҳрир ҳайъати: М. Аминов (масъул муҳаррир) ва бошқ. — Т.: Ўзбекистон, Қомуслар Бош таҳририяти, 1997, 196—198-бетлар.

«Мамлакатимизда 250 та ҳудудий сайлов округлари тuzилди, 7723 та сайлов участкаси ташкил этилди. Округ ва участка сайлов комиссиялари таркибида 100 мингдан зиёд масъул киши фаолият кўрсатди. Сайлов ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар рўйхати тuzилди. 12,5 миллиондан ортиқ фуқаролар сайлаш ҳуқуқига эга экани маълум бўлди. Олий Мажлис депутатлигига бир минг икки юздан ортиқ номзод кўрсатилиб, битта ўрин учун ўрта ҳисобда қарийб 5—7 нафар номзодлар ўзаро курашдилар. Ҳар бир округда бешта сиёсий партия ва ҳокимият вакиллик органлари фақат биттадан номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган бўлсаларда халқнинг саъй-ҳаракатлари билан вужудга келган сайловчилар ташаббускор гуруҳлари бир округда бир нечтадан номзодлар кўрсатиш имконига эга эдилар. Зеро, айрим жойларда икки-уч ташаббускор гуруҳлар пайдо бўлиб, улар томонидан кўрсатилган номзодлар рўйхатга олингани фикримиз далилидир»⁶⁶.

1999 йил 5 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бўлиб ўтган сайловлар мамлакат сиёсий ҳаётида муҳим воқеага айланиб, жамиятимизни демократлаштириш йўлидаги муҳим босқич бўлди. Сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг 95,03 фоизи овоз беришда қатнашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов Конституциямизга, сайлов тўғрисидаги қонунлар ва халқаро демократик андозаларга қанчалик мос равишда бўлиб ўтгани нафақат юртдошларимиз, балки хорижий мамлакатларнинг сайловларни кузатган вакиллари ҳам эътироф этдилар. Умумжаҳон инсон ҳуқуқлари Декларацияси ва 1990 йилда қабул қилинган Копенгаген конференцияси ҳужжатларида баён этилган сайловларнинг умумийлик, ошкоралик, тенг ҳуқуқлилик, ихтиёрийлик, бевоситалик, адолатлилик ва овоз беришдаги яширинлик принциплари қонунларимизда ўз аксини топди. Мамлакатимизда ўтказилган сайловлар халқаро демократик андозаларга мос бўлганини хорижий мамлакатлар жамоатчилиги ҳам эътироф этдилар.

⁶⁶ Комилов Н. Сарҳисоб. //Ўзбекистон Республикаси Марказий Сайлов Комиссиясининг Ахборотномаси. 2000 йил, 1(4)-сон.

Бу сайловлар натижасига биноан (2000 январдаги ҳолат) Олий Мажлис депутатларининг 49 тасини Ўзбекистон ХДП, 20 тасини «Ватан тараққиёти» партияси, 11 тасини «Адолат» социал-демократик партияси, 10 тасини «Миллий тикланиш» демократик партияси, 34 тасини «Фидокорлар» миллий демократик партияси, 110 тасини ҳокимият вакиллик органлари, 16 тасини сайловчилар ташаббускор гуруҳлари номзодлари ташкил этди.

Икки палатали парламентга сайловларнинг ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратадиган бўлсак, 2004 йилда Ўзбекистон Республикасида биринчи марта бундай сайлов ўтказилганини таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон Республикасининг сайловга доир қонунларига асосан, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар сиёсий партиялар ҳамда фуқаролар ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатилади. Сенат аъзолари эса Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда олти кишидан сайланади. Қонунга биноан бир шахс фақат битта округдан депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин. Депутатликка номзод танлаш тартибини сиёсий партиялар ўзлари ҳал этадилар. Сиёсий партиялар фақат ўз партияси аъзоларини ёки партиясизларни Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатсалар, ҳокимият вакиллик органлари эса кишиларни қайси партияга мансублигидан қатъи назар сенаторликка номзод кўрсатишга ҳақлидирлар. Ҳар иккала палатанинг ҳам ваколат муддати беш йил.

Республикада сайлов тизимининг ҳуқуқий асослари парламент ва бошқа вакиллик органларига сайловларда жамоатчилик фикрини ҳар томонлама аниқлаш, номзодларнинг шахсий фазилатларини билиш, сайловчиларнинг фақатгина овоз беришигина эмас, балки уларнинг сайлов кампаниясида бевосита иштирок этиши учун демократик муҳит яратиб беради.

Шу ўринда, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсияларни келтириш ўринли бўларди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, келажакда сайловга доир қонунларни такомиллаштириш жараёнларида Ўзбекистонда ҳам аралаш сайлов тизимидан фойдаланишни (мажоритар ва пропорционал)

мазкур қонунга киритиш сиёсий партияларнинг таъсири-ни кучайтириш учун янада кенгроқ имкониятлар ярати-ши мумкин. Аммо бугунги кунда сайловнинг мажоритар, пропорционал ёки аралаш тизимидан фойдаланиш бора-сида олимлар ягона тўхтамга келмаганлар. Баъзи олим-лар, Олий Мажлисга сайловларнинг пропорционал тизим асосида ташкил этилишини ёқласалар, бошқалари мажоритар тизимни афзал кўрадилар. Масалан, таниқли олим М. Аммлери мажоритар тизимнинг афзалликларига тўхта-либ, мажоритар сайлов тизими универсалдир. Ундан кол-легиал ва яккабош органлар сайловида фойдаланиш мум-кин. Мазкур тизим сайлов округларининг турли моделла-рига, номзодлар ва партияларнинг рақобатлашувига йўл қўяди. Ундан кўпгина мамлакатлар парламентларини сай-лашда фойдаланадилар⁶⁷, деб ёзади.

Илгари Олий Мажлисга сайловларнинг мажоритар ти-зим асосида ўтказилганлигини, бу жараёнда пропорционал тизим қўлланилмаганлигини асослар экан, юридик фанлар доктори Э. Халилов шундай ёзади: «Биринчидан, мазкур тизим сайловчиларнинг сиёсий тажрибасига мос эмасди. Иккинчидан, пропорционал тизим анча мураккаб ва оғир бўлиб, кўпмандатли округлар учун квоталар белгилаш ва овозларни санаб чиқиш жараёнини қийинлаштириб юбо-ради. Учунчидан, муайян даражада ривожланган кўппар-тиялилиқ тизими мавжуд бўлмаган шароитда сиёсий ҳаёт муайян шахслар билан боғлиқ бўлади. Жамият кўп жиҳат-дан шахснинг шухрати ва нуфузига таянади. Пропорцио-нал сайлов тизимида сайловчи ўзи ўрганиб қолгандек, ном-зод учун эмас, балки умуман, партия учун, амалда эса унинг дастури учун овоз беради. Бунда барчага таниқли бўлган партия етакчилари паноҳида кўпчиликка нотаниш, профес-сионал қонунчилик фаолиятига мутлақо тайёр бўлмаган шахслар парламентга ўтиб қолиши мумкин»⁶⁸. Шунингдек, олим аралаш сайлов тизимини ҳам танқид қилиб, «Фикри-

⁶⁷ Қаранг. Аммлери М. Парламенты (пер. с англ.). — М.: Прогресс. 1967. Сс. 61—68.

⁶⁸ Халилов Э. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. — Т.: Ўзбе-кистон, 2001, 89—90-бетлар.

мизча, фуқароларнинг тенг сайлов ҳуқуқига зид эканлиги — аралаш сайлов тизимининг асосий нуқсонидир. Конституцияга мувофиқ барча фуқароларга сайловчи сифатида ҳам, номзод сифатида ҳам тенг ҳуқуқ берилади. Сайловларнинг аралаш сайлов тизими асосида ўтказилиши мутлақо бошқача вазиятни юзага келтиради. Мандатларнинг бир қисми мажоритар тизим бўйича, қолгани пропорционал тизим бўйича тақсимланганида партия рўйхатларига киритилган номзодлар бошқа номзодларга нисбатан афзалликка эга бўладилар: улар айна бир сайловнинг ўзида бир вақтда ҳам бир мандатли сайлов округидан, ҳам партия томонидан номзод сифатида рўйхатдан ўтишлари мумкин»⁶⁹, деб ёзади.

Албатта, пропорционал сайлов тизимининг ҳам, мажоритар ва аралаш сайлов тизимларининг ҳам ўзига хос ютуқ ва камчиликлари бор, бироқ пропорционал ва аралаш сайлов тизимларини Ўзбекистон шароити учун мутлақо яроқсиз, деган хулосани чиқаришга ҳали эрта. Пропорционал ва аралаш сайлов тизимларининг юқорида санаб ўтилган камчиликларини қонун йўли билан бартараф этиш мумкин.

Биринчидан, мазкур тизим сайловчиларнинг сиёсий тажрибасига мос эмас, деб айтиб бўлмайди. Зеро орадан ўтган вақт, янги сиёсий партияларнинг вужудга келиши, замонавий демократик институтларнинг шаклланиши кўп жиҳатдан аҳолининг сиёсий маданияти юксалишига сабаб бўлди.

Иккинчидан, жаҳон амалиётидан маълумки, сиёсий партияларнинг жамиятда нуфузга эга бўлиши кўп жиҳатдан ушбу партия элитасига, унинг етакчиларига боғлиқ. Аммо шуни таъкидлаш жоизки, сиёсий ҳаёт пропорционал сайлов тизимида эмас, балки мажоритар сайлов тизимида шахсларга боғлиқ бўлиб қолади. Чунки барча мажоритар сайлов тизимида кишилар номзодга шахс сифатида баҳо бериб, унинг қайси партиядан эканлигидан қатъи назар унга овоз берадилар.

⁶⁹ Халилов Э. Ўзбекистон Республикаси Қонун чиқарувчи олий органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. Т.: Ўзбекистон 2001, 89-бет.

Учинчидан, барчага таниқли бўлган партия етакчилари паноҳида кўпчиликка нотаниш, профессионал қонунчилик фаолиятига мутлақо тайёр бўлмаган шахслар парламентга ўтиб қолиши амалиётда кузатилган ҳодиса. Шу боис, партия томонидан тақдим этилаётган номзодларга қўйиладиган талабларни кучайтириш билан бу камчиликни тузатиш мумкин.

Умуман, пропорционал сайлов тизими ҳақида Юртбошимиз ҳам алоҳида тўхталиб ўтганлар. «Ишончим комилки, — деб таъкидлайди Президент Ислом Каримов, — Олий Мажлисимизни икки палатали қилиб ташкил этиш, қуйи палатага асосан партиялар томонидан тақдим этиладиган рўйхатлар бўйича сайлов ўтказиш жамиятимизни сиёсий жиҳатдан фаоллаштиришга кучли туртки беради. Ўйламанки, сайловлар тўғрисидаги қонуннинг қоидаларини қайтадан кўриб чиқиш ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади»⁷⁰.

Аралаш сайлов тизимига тўхталадиган бўлсак, унинг юқорида кўрсатилган камчилиги, яъни бир номзоднинг ҳам партия рўйхати, ҳам бир мандатли округдан сайланиши имкониятини қонун йўли билан чеклаш мумкин.

Олий Мажлиснинг Сенатига бўладиган сайловлар масаласи ҳам муҳим ўрин тутади. Фикримизча, Сенат ҳамда Қонунчилик палатасининг ваколат муддатлари тенглиги ҳамда бу ваколатларнинг бир вақтда фаолияти бошланиб, бир вақтнинг ўзида ниҳоясига етиши парламент ишида узилишларга олиб келиши мумкин. Шу боис юқори ҳамда қуйи палаталарнинг фаолиятидаги ворисийликни таъминлаш мақсадида жаҳон тажрибасини қўллаш — Сенат аъзоларининг ярмини ҳар икки ярим-уч йилда янгитдан сайлаш ва Сенат фаолияти муддатини 6 йил қилиб белгилаш мақсадга мувофиқ.

⁷⁰ Каримов И. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 9-сессиясидаги маъруза. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. — Т.: Ўзбекистон. 27-бет.

Шунингдек, парламент сайловлари тўғрисидаги қонуннинг сайловолди ташвиқотини олиб бориш ҳақидаги бобини такомиллаштириш фойдадан ҳоли бўлмас эди. Сабаби, 1999 йилда ўтказилган парламент сайловлари, 2000 йилда ўтган Президент сайловларида айрим масалалар ниҳоятда муҳим эканлигини кўрсатди. Хусусан, номзодлар телевидение, радио, газета ва, айниқса, электрон ОАВларда қай тартибда сайловолди кампаниясини ташкил этишлари зарурлиги, уларга ажратиладиган эфир вақти ва босма материаллар ҳажми, сиёсий партия ва номзодларнинг телевидение эфиридан фойдаланиш навбати белгиланиши тартиблари белгиланмаган. «Теледебат», «сиёсий реклама», «сиёсий ролик» тушунчаларига ҳуқуқий таъриф бериш ва уларни жорий этиш нормалари, девиант технологиялардан фойдаланиш учун жавобгарлик меъёрлари киритилмаган. Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, 1999 йилдаги сайловлардан кейин кўплаб нодавлат оммавий ахборот воситалари ташкил топди. Сайловолди курашлари даврида уларнинг фаолияти қайси меъёрлар билан тартибга солинади? Сиёсий реклама ва ташвиқотни молиялаш қандай амалга оширилади? Қисқа қилиб айтганда, Ўзбекистонда амал қилаётган сайлов тўғрисидаги қонунларнинг келажакда такомиллашувида шу каби масалалар ҳам ёритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Сайлов тўғрисидаги қонунларга биноан рўйхатга киритилган сайловчиларнинг ярмидан ками сайловда иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб ҳисобланади. Сайлов чоғида йўл қўйилиб, оқибат натижасида овоз бериш яқунларига таъсир қилган қоидабузарлик туфайли сайлов умуман ёки айрим сайлов округлари ёхуд айрим сайлов участкалари бўйича ўтмаган деб топилиши мумкин. Сайловни ҳақиқий эмас, деб топишга доир қарор Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинади.

Шу ўринда, бугунги кунда бир қатор ривожланган мамлакатлар амалиётида кўзга ташланаётган абсентизм масаласига эътибор қаратиш лозим. Аввало «абсентизм» атамасининг ўзига тўхталиб ўтсак. Сиёсий фанга доир адабиётларда бу ҳодисага қуйидагича таъриф берилган: «Абсентизм — (лотинча «absens» — қатнашмаслик) аҳоли-

нинг мамлакат сиёсий ҳаётига бефарқ қараши ва унда иштирок этмаслигидир. Абсентизм, кўпроқ, сайловчиларнинг сайловларда иштирок этмаслигида намоён бўлади»⁷¹. Кейинги вақтларда жаҳондаги турли етакчи мамлакатларда фуқароларнинг сиёсий абсентизмини кузатиш мумкин. Германиялик сиёсатшунос, профессор М. Херманнинг ёзишича, қатор демократик давлатларда давлат органлари ва сиёсатчилар фуқаролар томонидан кам қўллаб-қувватланаётганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Аслида бу парадоксал ҳодиса. Чунки бу давлатларнинг фуқаролари тинч, осуда ҳаёт кечирмоқдалар, моддий жиҳатдан тўла таъминланганлар. Аслида улар давлатни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари керак. Лекин ҳозирги воқелик унинг аксини кўрсатмоқда. Агар федерал парламент — Бундестагга бўлган сайловларни кузатадиган бўлсак, сайловда иштирок этишни истовчилар сони кундан-кунга озайиб бораётганининг гувоҳи бўламиз. Охирги сайловларда Германия аҳолисининг бор-йўғи 50 фоизи бу сайловларда иштирок этди. Немис ёшларининг фақат 40 фоизигина бирор партиёга овоз беришга рози бўлди. Албатта, фуқароларнинг сайловда иштирок этмасликлари қатор демократик мамлакатларга хос муаммолардан биридир. Бу ҳолат сиёсий тизимнинг тўлақонли амал қилишига халал беради. Бироқ фуқароларнинг сайловда кам иштирок этишлари уларнинг сиёсатдан буткул бегоналашганини кўрсатмайди.

Бугунги кунда ўзбекистонлик сайловчиларнинг сайловда иштирок этиши 80—90 фоиз атрофида. Бу ижобий ҳолат, албатта. Аммо шуни ҳам очиқ тан олиш керакки, сайловлардаги иштирокнинг бунчалик юқори даражада эканлиги кишиларнинг сиёсий ҳаётда иштирок этишнинг бошқача усуллари яхши билмасликларини ҳам кўрсатади. Вақт ўтиши баробарида фуқароларнинг сиёсий онги ва маданияти юксалиб бориши билан мамлакатимиз фуқаролари сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишнинг бошқа муқобил йўллари (партияларга аъзо бўлиш, мурожаат-

⁷¹ Политология: энциклопедический словарь. /общ. ред. и сост.: Ю. И. Аверьянов. М.: Изд-во. Моск. коммерч. Ун-та. 1993. -С. 15.

лар билан чиқиш ва ҳ. к.) яхши ўзлаштиришлари билан уларнинг ҳам сайловлардаги иштироки пасайиши мумкин. Шу боис, сайловни ўтган деб ҳисоблаш учун рўйхатга олинган сайловчиларнинг 50 фоизи эмас, 33 фоизи қатнашишининг етарли бўлиши қонунга 2004 йилда ўзгартириш киритишининг сабабларидан биридир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгач, Ўзбекистон халқи давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи сифатида тан олинди. Бунинг натижаси ўлароқ, мамлакатимизда эркин ва демократик сайловларни ташкил этиш, давлат ҳокимиятини халқнинг иродаси асосида ташкил этиш зарурати туғилди. Бугунги кунга қадар мустақил Ўзбекистонда ўтказилган барча Президентлик, Олий Мажлис ҳамда маҳаллий вакиллик органларига сайловлар кўппартиявийлик асосида, демократик меъёрлар ва андозаларга мос равишда ташкил этилди. Бу сайловларда кишилар ўзлари истаган номзодлари учун эркин овоз беришлари таъминланди. Ўзбекистон Республикасида сайлов ҳуқуқининг барча принциплари тўла амал қилмоқда. Бу эса юртимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

2. Профессинал парламент фаолиятида сиёсий партияларнинг ўрни ва роли

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этишга доир ислохотларни янада чуқурлаштириш, жамиятнинг сиёсий соҳасини эркинлаштиришда муҳим босқич бўлган 2002 йилнинг 5 апрелида бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг VIII сессиясидаги маърузасида Президент И. А. Каримовнинг икки палатали парламент барпо этиш юзасидан билдирган фикрлари аниқ ва равшан кўрсатиб турибдики, сиёсий ислохотларда сиёсий партияларнинг жамият сиёсий ҳаётини такомиллаштириш ва демократлаштиришдаги ўрни кескин юксалиши кутилмоқда. Президентимизнинг сессиядаги ушбу сўзлари фикримизнинг далилидир: «Барчамизга аёнки, Қонунчилик палатаси, деб ном олган қуйи палата биз учун

мутлақо янги тартибда, яъни профессионал асосда иш олиб боради. Албатта, шу йўсинда ишлайдиган қуйи палатани сайлаш тартиби ҳам табиий равишда ўзгаради. Шу муносабат билан, бугун бир нарсани айтишимиз мумкин: бу палатага аъзо бўлиш учун асосий даъвогарлар сифатида сиёсий партиялар ва сайловчиларнинг ташаббус гуруҳлари майдонга чиқади. Яъни, қуйи палатага касб-кори, профессионал нуқтаи назардан мана шу ишга етарлича тайёргарлиги ва интилиши бўлган шахсларнинг ўз номзодларини қўйиб, депутат бўлиб сайланишига ҳаракат қилишлари муқаррар»⁷².

Тажрибадан шу нарса маълумки, кўппартиявийлик тизимини шакллантирмай туриб фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатга доир ислоҳотларни амалга ошириш қийин кечади. Ўтган асрнинг сўнгги ўн йилликларида партияларнинг сиёсий тизимдаги ва давлат фаолиятидаги ўрнининг ўсиб бориши — ҳозирги замон давлатчилиги ривожланишининг тамойилларидан бирига айланди. Давлатнинг турли оммавий ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро алоқаларини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, мавжуд сиёсий тизимда иштирок этаётган партиялар жамият ва давлат муносабатлари тизимида марказий ўринлардан бирини эгаллайди.

Демократик мамлакатларда сиёсий партиялар сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси сифатида давлат органларининг шаклланиши ва сиёсий қарорларининг қабул қилинишида тобора муҳим омилга айланди. Қолаверса, сиёсий партиялар тизимининг мавжудлиги — демократик тизимлар ривожланишининг зарурий механизмларидан бири ҳисобланади. Сиёсий партиялар бир вақтнинг ўзида ҳам давлат соҳасига, ҳам фуқаролик жамиятига дахлдор институт эканлиги ҳозирги даврда ўз исботини топган. Сиёсий партияларнинг давлат ҳокимиятини шакллантириш ва бошқа сиёсий тизимдаги ўрнининг ўсиб бориши билан уларнинг ҳуқуқий мақомлари ҳар бир мамлакат учун аҳамият касб этадиган ҳолда рўёбга чиқди. Сиёсий партияларга доир қонунчилик ва қоидалар ҳар бир мам-

⁷² Каримов И. А. Янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни ортга қайтмайди. //Халқ сўзи, 2002, 6 апрель.

лакат ҳуқуқий манбаларида уларнинг миллий хусусиятларини ҳам ифодалай бошлади.

Маълумки, фуқаролик жамиятининг пайдо бўлиш зарурияти энг аввало, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва уларнинг ҳаётда кафолатланишини мукамал равишда ташкил этиш, сиёсий институтлар функциялари ва уларнинг фаолият кўрсатиш доираси фуқаролар манфаатлари доирасида қабул қилинган қонунлар воситасида чегараланган бўлиши, шунингдек, мазкур сиёсий институтларнинг яшаши ва фаолият кўрсатиши халқ оммаси сиёсий иродалари ифодаси асосида кечиши билан боғлиқдир. XX асрда демократик характерга эга бўлган сиёсий партияларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлди:

№	Туркум	Вазифалар
1	Назарий вазифалар	<p>жамият ҳолатини таҳлил қилиш ва истиқболини назарий баҳолаш;</p> <p>турли хил ижтимоий гуруҳлар манфаатларини очиб бериш;</p> <p>жамият янгиланишининг туб ва жорий мақсадини ишлаб чиқиш;</p>
2	Мафкуравий вазифалар	<p>ўз дунёқарашини ва ахлоқий қадриятларини ёқлаш ҳамда омма орасида тарқатиш;</p> <p>ўз сиёсати ва дастурий мақсадини тарғиб қилиш;</p> <p>фуқароларни ўз тарафига ва партия сафига тортиш;</p>
3	Сиёсий вазифалар	<p>ҳокимият учун кураш;</p> <p>Давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини ишлаб чиқишда бевосита ёки билвосита иштирок этиш;</p> <p>муқобил таклифларни тайёрлаш;</p> <p>сайловолди дастурини бажариш;</p>
4	Ташкилий вазифалар	<p>дастурий кўрсатма ва қарорларни амалга ошириш;</p> <p>сайлов кампаниясини ўтказиш;</p> <p>лавозимга сайлаш учун номзодларни тайёрлаш;</p> <p>партияни бошқарадиган кадрларни тайёрлаш;</p> <p>марказий ва маҳаллий бошқарувни шакллантириш</p>

Партияларнинг асосий функцияларидан яна бири, бу — сайлов тизимидаги фуқароларнинг сиёсий иштирокини маълум бир шаклга солиш ва институтлаштириш, ўз-ўзидан, стихияли равишда келиб чиқадиган сиёсий ҳаракатлар шакллари қонун устуворлиги ва ижтимоий адолат талабларига хос шаклларга солиш, бу жараёнларни анъанага айлантиришдир. Ҳолбуки, ҳуқуқий, демократик жамиятда мавжуд сиёсий ҳокимият соғломлигининг, ҳокимиятнинг суиистеъмол қилиниши олдини олишнинг шарти сиёсий ҳокимият учун сиёсий партияларнинг номонопол равишдаги эркин рақобатидир.

Умуман, партиялар манфаатлар гуруҳларининг энг аҳамиятлисидир, яъни у манфаатларнинг ҳокимиятга дахлдор бўлган қисмини расмийлаштиради, аъзоларининг манфаат ва эҳтиёжларини давлат институтларига етказиб туради, шунингдек, фуқаролар партиялар воситасидагина ўзининг гуруҳий манфаат ва талабларини ҳокимиятга етказа олади. Партиялар ҳокимият сиёсий йўлини ўз муқобил йўлига тўғри келмаган ўзгаришларга эътирозлар билдириш мақсадларида уни танқид қилиб туриши ҳам мумкин. Шу билан бир вақтнинг ўзида идора қилувчи ҳукумат органлари партиялардан ўзларининг халқ томонидан қўллаб-қувватланишига эришиш учун фойдаланадилар.

Партияларнинг энг муҳим мақсади, бу — ижтимоий қатламлар манфаатларини сиёсий тизимда ифода этишдир. Партиялар турли ижтимоий гуруҳлар, қатламларнинг манфаатларларини жамиятнинг сиёсий тизимида ифода этиш йўли билан давлат билан жамият ўртасидаги боғловчилик ва воситачилик функцияларини бажаради, шу билан бир вақтда улар жамиятнинг яхлитлиги ва бир бутунлигини таъминлайди. Давлат тизимидаги турлича: баъзан мусбатлашиб, баъзан манфийлашиб турадиган манфаатларни манфаатлар гуруҳлари, жамоат ташкилотлари ва партияларсиз назорат қилиб бўлмайди. Сиёсий партиялар у ёки бу манфаатларни ифода этибгина қолмасдан, бу манфаатларни шакллантиришда ҳам бевосита фаол иштирок этади.

Партияларнинг ўз функцияларини амалиётда бажаришларининг асосий усули, бу — сайловлар кампанияси даврида давлатнинг қонун чиқарувчи органларига сайланиш-

лари учун ўз номзодларини кўрсатишларидир. Бу номзодларнинг сайланишларига эришиш учун партия фаоллари аҳолининг кўпчилик қисмини ўз томонига оғдириши, сайловчилар ўртасида ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бориши лозим. Айниқса, бу даврда жамоатчилик фикрига таъсир қила олиш қобилиятига эга бўлиш партиянинг энг асосий мақсадидир.

Қонун чиқарувчи органларга ўз вакилларининг кўплаб сайланишига эришган партия бошқарув органларининг раҳбарлик лавозимларига номзодлар тайёрлаш ва кўрсатиш имкониятига эга бўлади. Партия, энг аввало, ана шу ўзи тайёрлаган ва ўзи номзодларини кўрсатган депутатлар, шунингдек, бошқарув лавозимларидаги мансабдорлар воситасида сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёни ва уни назорат қилишда иштирок этиш учун легитим ҳуқуққа эга бўлади⁷³.

Жамиятда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг негизини ташкил этувчи ягона сиёсий ва ижтимоий ҳудуд барпо этилган тақдирдагина ушбу аҳволни бартараф этиш мумкин. Яъни турли сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг қонунийлиги шарти аввал бошданоқ расмий ҳуқуматга қарши туриш ёки уни орқалдига қарамасдан қўллаб-қувватлайвериш эмас, балки аҳолининг энг кенг қатламлари, турли ижтимоий гуруҳлар ва энг аввало, инсон манфаатларини ифодалаш ва муҳофаза этишдан иборатдир.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ташкил топган бешта сиёсий партия фаолият кўрсатмоқда. Лекин ўтган давр давомида партияларнинг ҳанузгача жамият институти, мустақил ташкилот сифатидаги мақомга эришиш йўлидаги ривожланиши суст кечмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири партиялар у ёки бу ижтимоий табақаларнинг манфаатларини ва иродаларини тўла ифодалаш даражасига кўтарила олмаганлигидир. Шунингдек, бу масаланинг иккинчи томони шундан иборатки, жамиятда шаклланаётган ижтимоий табақалар ҳам ўз сиёсий иродаларини ва сиёсий манфаатларини сиёсий партиялар

⁷³ Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкура-лар, маданиятлар. — Т.: Шарқ, 1998, 35—38 бетлар.

воситасида ифодалаш тажрибасини эндигина ўрганиб келмоқдалар. Шунингдек, мавжуд ҳар бир партия ўзининг алоҳида ижтимоий базаси бўлган ижтимоий қатламни эмас, балки жамиятдаги барча ижтимоий қатламларнинг сиёсий иродасини ва сиёсий манфаатларини ифодалашга уриниши ҳам уларнинг шаклланиш жараёнларининг чўзилишига сабаб бўлмоқда. Қолаверса, баъзи партияларнинг ўз бошланғич ташкилотлари, расман қайд этилган аъзоларига эга эмаслиги ҳам уларни мустақил ташкилот сифатидаги функцияларини бажара олмаслигига сабаб бўлмоқда. Баъзи ўз партия аъзоларига эга бўлган партиялардаги бошланғич ташкилотлар ҳам кўпинча фақат расмиятчилик фаолияти билан чекланиб, бу аъзолардаги партияга мансублик ҳис-туйғулари унчалик сезилмайди.

Бу ҳақда сиёсий фанлар доктори С. Жўраев шундай ёзади: «Сиёсий партияларнинг сайловолди ва парламентдаги фаолияти таҳлили қуйидагича хулосалар чиқариш имконини беради:

1. Сиёсий партиялар, аниқроғи уларнинг фракциялари мустақил равишда ёки юқорининг топшириғисиз бирор марта мамлакат манфаатлари учун муҳим бўлган, долзарб, яхлит қонун лойиҳалари ишлаб чиқмаганлар ва тақдим этмаганлар. Бундан натижа шуки — сиёсий партияларнинг парламентдаги фаолияти расмий табиатга эга бўлиб, бу уларни жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётига таъсир кўрсатиш имконидан маҳрум қилади.

2. Сиёсий партиялар ташкилий-оммавий ишларининг фаоллашганига қарамай, улар ўзларининг сайловларнинг боришига таъсир кўрсата олувчи мустаҳкам электоратига эга эмаслар. Юқорида кўрсатилган институтларнинг заифлигига сабаб — сиёсий партияларда ҳокимият учун кураш истаги ҳамда ўзига хос мафкуравий концепцияларнинг йўқлигидир.

3. Партиянинг сайловчилар кўз ўнгидаги обрў-эътибори ҳалигача, унинг таркибидаги шахсларга, аниқроғи, йирик хўжалик ва давлат идоралари раҳбарларига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Қишлоқ жойлардаги сайловчилар учун партиянинг у ёки бу масаладаги позициясидан кўра, шу ҳудудда ҳокимият, куч-қудратни ўзида мужассамлаган инсон муҳимроқ аҳамият касб этади.

4. Партияларнинг фракциялари, айниқса Олий Мажлисга бўладиган навбатдаги сайловлардан кейин, самарали фаолият юритиши учун юқори малакали, ҳуқуқий жиҳатдан билимли, қонунчилик фаолиятини яхши тушунадиган мутахассисларга эга бўлишлари керак»⁷⁴.

Хусусан, Ўзбекистонда фаолият юритаётган сиёсий партияларга баҳо берар экан, Президент И. Каримов Олий Мажлиснинг 9-сессиясида сиёсий партиялар ишини жонлантириш, янги тузилаётган Либерал-демократик партия ташаббус гуруҳи аъзолари билан учрашувидаги нутқида «партияларнинг фаолияти ҳамон заиф ва мўртлигича қолаётгани, аксарият партияларимиз эса кураш ўрнига, «сен менга тегма, мен — сенга» деб, ҳозирги шиддат билан ўзгариб бораётган ҳаётдан орқада қолаётганини таъкидлаб, тузилаётган янги партия аъзолари ва тарафдорлари бундан керакли хулосалар чиқариши лозимлигига урғу берди»⁷⁵.

Президент И. Каримов бир неча бор чиқишларида сиёсий партияларнинг мақсади битта — юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлигига эришиш, лекин бу ягона мақсад сари турли (муқобил) йўллар орқали бориш лозимлигини таъкидлайди. Сиёсий партия халқ ишончи, сайловчилар овозини олар экан, албатта, сустрлик ўрнига ғайрат, кўрқоқлик ўрнига жўшқинликни ўзига қурол қилиб олмоғи лозим.

Маълумки, 1999 йилда «Фидокорлар» миллий демократик партияси ташкил этилганида у ўзини ҳар жиҳатдан яхши кўрсатганди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар қатламига таянишини билдирди, ёш, серғайрат, янгича фикрловчи одамларни ўз сафига бирлаштирди, парламент сайловларида фаол иштирок этди, кейинчалик «Ватан тараққиёти» партияси билан бирлашиш натижасида Олий Мажлисдаги энг катта фракцияга эга бўлди. 2000 йилда Ўзбекистон Президенти сайловларида президентликка

⁷⁴ Жўраев С. А. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт / Илмий-таҳлилий мақолалар тўплами/. — Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти нашр., 2003. 77—76-бетлар.

⁷⁵ «Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ижтимоий қатлами Ўзбекистон сиёсий майдонида ўз ўрнини эгаллаши лозим». //Халқ сўзи, 2003 йил. 8 октябрь.

Ислом Каримов номзодини айнан «Фидокорлар» МДП кўрсатди. Ташкилий жараён тугаб, амалий иш бошланганида эса партия анча сустлашиб қолди. Тажрибасизликми, ёки ўзи таянган қатлам билан алоқани йўқотиш оқибатидами, ёки дастурдаги ғояларни амалга ошириш механизмини ишга сололмагани туфайлими, бошқа партиядан фарқ қилмай қолди. Умуман олганда, мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг фаолияти бугунги кун талабларига, демократик ислохотлар шиддат билан олиб борилаётган давр эҳтиёжларига мос келмайди.

Ўзбекистонда икки палатали парламентни шакллантиришга доир ислохотларнинг бошланиши билан мамлакатдаги сиёсий партияларнинг мавқеи ва ўрнини юксалтиришнинг ҳуқуқий ва сиёсий асослари яратилди. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг 2-моддасида қуйидаги ҳуқуқий қоида мустақкамланди: «Қонунчилик палатаси Олий Мажлисининг қуйи палатасидир. Қонунчилик палатаси сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат. Қонунчилик палатасининг иши палата барча депутатларининг профессионал, доимий фаолият кўрсатишига асосланади».

Мазкур қонунга асосан бир томондан, қуйи палатага депутатлар номзодларини кўрсатиш ҳуқуқи сиёсий партияларнинг мутлақ ваколати сифатида ифодаланган бўлса, иккинчи томондан, қуйи палата фаолияти профессионал, доимий фаолият кўрсатишга асосланиши билан сиёсий партияларнинг парламент сайловларида ва парламент иш жараёнларида мустақил институт сифатида шаклланишларига сиёсий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратади. Қонунда маҳаллий вакиллик органларининг қуйи палата депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқини бермаганлиги сиёсий партияларнинг мустақиллигини таъминлаш соҳасидаги муҳим асослардан биридир. Олдинги парламент сайловларида ҳали мустақил фаолият кўрсатиш қобилиятига эга бўлмаган сиёсий партиялар кучли ваколатларга эга бўлган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан депутатлик ўринлари учун рақобатлашган бўлсалар, келгуси сайловлардаги рақобатдошлик фақат партиялараро

тарзда бўлиши ҳам партиялар мавқеини юксак даражага кўтариши кутилмоқда.

Ўзбекистонда партиявий рақобат етарли даражада шакланмаганлигининг бир қатор сабаблари бор. Биринчидан, сиёсий партиялар раҳбар органларида, етакчиларида изчиллик, аниқ ва режали ишлаш кўзга ташланмайди. Сиёсий партияларнинг фаолларида ўз томонларига янги тарафдорларни ағдариб олиш, умуман партияга нисбатан мойиллик туғдириши мумкин бўлган фидойилик етишмайди. Иккинчидан, партиялар дастурий ҳужжатлар асосида партиянинг стратегик режаларини ишлаб чиқадиган, Ўзбекистоннинг барча энг муҳим ижтимоий-сиёсий тadbирларида ўз партияларининг нуқтаи назари ва манфаатларини белгилайдиган бoшқа партиялар гоёвий-сиёсий дастурларининг камчиликларини аниқлаб, ўз дастурларини ҳимоя қиладиган мафқуравий, раҳбарий марказларга эга эмас.

Турган гапки, мамлакатимизда амалга оширилаётган парламент ислохотлари сиёсий партияларнинг ўз ишларини қайта кўриб чиқишини, уларнинг бир-бири билан ҳақиқий рақобат қила оладиган кучга айланишини талаб этади. Чунки келажакда, асосий қонун ижодкорлиги масъулияти партияларнинг, уларнинг Олий Мажлисидаги фракцияларининг зиммасига тушади. Хўш, улар жамиятимизда кечаётган демократлаштириш жараёнидан орқада қолмасликлари, ўзларига юклатилган вазифани тўла адо эта олишлари учун нималарга эътибор қаратишлари лозим?

Авваламбор, сиёсий партиялар ўзига хослик тамойилдан келиб чиқиб, дастурлари ва ҳаракат режаларини қайта ишлашлари лозим. Гап шундаки, бугун республикамизда фаолият кўрсатаётган партияларнинг дастурлари, моҳиятан бир-биридан кескин фарқ қилмаяпти, жамиятдаги муаммоларни ҳал қилишнинг, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг муқобил йўллари кўрсатиб бермаяпти. Партияларнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлисидаги депутатлик ўринларининг ярмини ҳам ололмаганлигини яна нима билан изоҳлаш мумкин? Президент Ислам Каримов сиёсий партияларнинг фаолиятига баҳо берар экан, уларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий

ҳаётида унчалик фаол иштирок этмаётганлигини таъкидлаб, «Сиёсий партиялар ўзларининг аниқ ва мустақил платформаларига эга эмаслар ва уларнинг бир-бирларидан фарқ қиладиган жиҳатлари ҳам йўқ. Афсуски, партияларнинг энг заиф томони мана шунда»⁷⁶, деган эди. Демак, партиялар ўз дастурларида у ёки бу ижтимоий қатламга таянишлари, таклиф этилаётган ислохотларнинг аниқ режаларини ишлаб чиқиб, шу асосда фаолият кўрсатишлари лозим.

Иккинчидан, партиялар омма билан ишлашнинг илғор технологияларини ўзлаштиришлари ва шу орқали ўз сафларини имкон қадар кенгайтириб боришга интилишлари лозим. Очигини айтиш керакки, мамлакатимиз фуқаролари сиёсий партиялар ҳақида фақат сайловлардан олдин маълумотга эга бўладилар. Аниқроғи, улар ҳақидаги ахборотни эшитадилар. Ваҳоланки, сиёсий партиялар нафақат сайловлар чоғида, балки ўзининг кундалик фаолияти давомида фуқаролар билан, аъзолари билан мулоқотда бўлишлари лозим. Президентимиз таъкидлаганидек: «Куйи палата сайланадиган бўлса, бугун мудраб ётган партиялар фаолияти ҳам жонланиши турган гап. Демакки, партиялар куйи палатада асосий жойларни эгаллаш учун сайловдан камида икки йил аввал ҳаракат қилиши, ўзини партия деган куч сифатида намоён этиш учун аввалдан курашиши, интилиши керак бўлади»⁷⁷. Ахборот технологиялари шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги кунда партияларнинг фаолиятсизлигини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Гап шундаки, сиёсий партияларнинг фаоллиги, фуқаролар ва сайловчилар билан мулоқотлари нафақат уларнинг жамиятдаги обрўсини оширишга, балки кишиларнинг сиёсий маданиятини юксалтиришга ҳам хизмат қилади.

Учинчидан, сиёсий партиялар ўз сафларини илғор фикрловчи, ташаббускор, фидойи кишилар билан тўлди-

⁷⁶ Интерфакс. Presidential bulletin. № 82 (3076) 30 апреля 2004 г.

⁷⁷ И. Каримовнинг референдум куни сайлов участкасида берган интервьюсидан. 2002 йил, 27 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати жорий архиви, 2002 йил учун ҳужжатлар тўплами, 21—22-бетлар.

ришга ҳаракат қилишлари лозим. Зеро, икки палатали парламентнинг таркиби ҳам айнан шу партиявий кадрларга боғлиқ экан, демак партиялар ўзларининг парламентдаги фракциялари фаолияти ҳақида олдиндан қайғуришлари лозим бўлади. Зеро, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг 23-моддасида партия фракцияларига берилган ҳуқуқий таъриф ҳам партияларнинг ўз дастурларини ифодалаш ва уларни амалиётга татбиқ этиш учун кенг имкониятлар яратиб беради. «Фракция сиёсий партиядан кўрсатиладиган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир»⁷⁸, деб эътироф этилиши билан партияларнинг турли ижтимоий табақалар манфаатларини ўзида мужассамлаштирувчилик ва ташувчилик функцияси қонунчиликда ўз ифодасини топти. Мамлакатда икки палатали парламентни демократик қадриятлар асосида шакллантириш мақсадлари сиёсий партияларнинг ўзаро рақобатдошлик асосида фаолият кўрсатишларини тақозо этади. Акс ҳолда, эркин фаолият юритадиган, мустақил депутатлик фаолиятини юритишга қобил бўлган номзодларни топиш, танлаш, уларни касбий шакллантириш жараёнлари қийин кечади. Парламент фаолияти ўзаро конструктив муҳолифий партияларнинг ўзаро муносабатларидагина тўлақонли шаклда рўй беради. Сифатли қонунларни қабул қилиш, мамлакат ривожланишининг муқобил йўлларини топиш турли сиёсий кучларнинг муносабасисиз амалга ошмайди. Шунингдек, сайловлар жараёнларида турли қутблаган номзодларнинг депутатлик ўрни учун кураши нафақат депутатларнинг сифатли бўлишини таъминлайди, балки фуқароларнинг сиёсий ҳаётда фаол бўлишига шарт-шароитлар яратади.

Тўртинчидан, сиёсий партиялар нафақат бир-бирлари билан рақобатлаша оладиган, балки амалдаги ҳукумат

⁷⁸ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни. //Халқ сўзи, 2002, 27 декабрь.

сиёсатига нисбатан ҳам танқидий баҳо бера оладиган, муқобил дастурлар ва ғояларни илгари сура биладиган даражага етишлари лозим. Зеро, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларда сиёсий партияларнинг демократик тамойиллар асосида такомиллаштириш масаласи нечоғлик аҳамиятли эканлиги Президент И. А. Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг IX сессиясидаги маърузасида очиқ ва ойдин кўриниб турибди: «Биз барчамиз шуни яхши тушуниб олишимиз зарурки, жамиятимизни янада демократлаштириш ва фуқаролик институтларини шакллантириш, аввало, аҳоли сиёсий фаоллигининг ўсиши, унинг сиёсий, ижтимоий ва давлат ҳаётида нечоғли фаол иштирок этиши билан узвий боғлиқ. Бу масалани ечишда биринчи галда мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партия ва ҳаракатлар — бундан тан олиб айтишимиз керак — ҳозирги заиф ва мўрт ҳолатдан чиқиб, ўз фаолиятини жонлантириши, тараққий топган демократик давлатлар тажрибаси асосида юртимизда ҳақиқий кўппартиявийлик, демократик парламентаризм тизими, ижобий сиёсий рақобат муҳитини қарор топтиришга ва жамиятимиз сиёсий майдонида тан олинган оппозиция пайдо бўлишига ҳисса қўшиши лозим»⁷⁹.

Шу ўринда масаланинг яна бир муҳим жиҳатига эътибор қаратиш лозим. Гап шундаки, муҳолифатдаги партиянинг энг асосий вазифаларидан бири — турли фитналарни рад этиш, турли куч ишлатишга асосланган нодемократик ҳаракатларнинг рўй бермаслигини таъминлашдир.

Шу билан бирга муҳолиф партияларнинг сиёсий қураш воситаси ҳам фақат электорат орқалигина амалга оширилиши лозим. Президент Ислам Каримов ўз асарларида бу масалага алоҳида тўхталиб ўтади: «Жамиятда барқарорликни сақлаш ҳақида гапирар эканмиз, сиёсий институт сифатида муҳолифат масаласини тилга олмаслик мумкин эмас. Бундай институтнинг мавжуд бўлиши демократик жамият учун шарт бўлган ва нормал ҳолдир. Айни маҳалда шуниси ҳам муҳимки, у ташкилий жиҳат-

⁷⁹ Каримов И. А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. //Халқ сўзи, 2002, 30 август.

дан расмийлашган, юридик мақомга эга бўлиши, Конституция ва қонун нормаларини ҳурмат қилиши, ўз ҳаракатлари билан мамлакатдаги давлат ва ижтимоий тузумнинг қатъий, барқарор ҳолати учун масъул бўлиши давлат қурилишининг муқобил лойиҳаларига эга бўлиши лозим»⁸⁰.

Умуман, ҳар бир партиянинг ўз дастури ва мақсадларига мос равишда назарий, мафкуравий, сиёсий ва ташкилий функциялари бўлиб, улар партия фаолияти ва ички ҳаётининг ажралмас бўлақларидир. Сиёсий партиялар бир-бирларига муҳолифий рақобатсиз яшай олмайдилар. Чунки партиянинг чинакам ва ҳақиқий ўз функциясини бажара олиш қобилиятига эга бўлиши учун унга рақобатда бўлган бошқа партиянинг ҳам бўлиши тақозо этилади. Партиялар фақат ўзаро рақобатдошликдагина ривожланишга мойилдилар. Партия ўз салоҳияти, қобилияти, сайловчилар хайрихоҳлигига эришиши учун ўзи каби бошқа партия билан мусобақалашиви ва рақобатлашиши лозим. Акс ҳолда партиянинг ички салоҳияти, мафкуравий ва ташкилотчилик қобилияти рўёбга чиқмайди ва сайловлар жараёнларидаги оддий ва расмий аҳамиятга эга бўлган пассив ташкилот даражасидан юқорига кўтарила олмайди. Партиянинг партия сифатидаги мақоми ва қобилиятини таъминловчи куч, бу — унга муҳолиф бўлган партиянинг ўзаро рақобатда «бардош» бера олиш функциясини бажара олишидир. Ўзаро рақобатсиз партия фақат тоталитар тузумдаги яккапартиявийлик монополияси ҳолатидагина яшай олиши мумкин. Шунинг учун ҳам партияларнинг бир-бирларига нисбатан рақобатсиз яшай олмаслиги ҳозирги даврда ўз исботини топган қоидалардан бирига айланди.

Сиёсий партияларнинг ўзаро рақобатда бўлишининг яна бир муҳим ва асосий аҳамияти шундаки, сайловчилар демократиянинг принципларидан бири бўлган — ўзларининг устидан бошқарувчилик қиладиган мансабдорларни танлаш имкониятига эга бўладилар. Шунингдек, партияларнинг сайловлардаги ўзаро рақобати туфайли сайловчилар

⁸⁰ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: Ўзбекистон. 175—176-бетлар.

партиялар номзодларига жиддий эътибор берадилар, уларда бу сайлов жараёнида фаол қатнашиш мойиллиги туғилади. Қолаверса, жамият муҳолиф партияларнинг турли-туман муқобил ривожланиш дастурлари ва улар ўртасидаги баҳс-мунозаралар асосида тез ривожланиш имконига эга бўлади.

Маълумки, партиялар фракциялари ҳуқуқий давлатга хос бўлган демократик тамойиллар асосидаги интерпелляция⁸¹ жараёнларида бевосита иштирок этиш ҳуқуқларига эга бўлдилар. Шу билан бирга, сиёсий партиялар ўзларининг парламентда эгаллаган салмоқларидан келиб чиқиб, ўз фракциялари воситасида қонунларни қабул қилиш, ҳокимият органлари фаолиятини назорат қилиш каби халқаро меъёрлардаги фаол сиёсий жараёнларга тортиладилар. Чунки сиёсий партияларни фаоллаштиришнинг энг асосий омили, бу уларнинг ўз функцияларини етарли даражада бажара олишлари учун сиёсий ва ҳуқуқий ваколатлар беришдир. Ваҳоланки, партияларга ваколатлар шаклидаги бурчлар берилмас экан, уларнинг фаоллашишлари учун масъуллик характерлари ҳам шаклланмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ҳар қандай сиёсий партия учун молиялаштириш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Етарли маблағларсиз ҳеч бир сиёсий партия самарали фаолият кўрсата олмайди. Мамлакатда парламентнинг қуйи палатасини умуммиллий характерга эга бўлган палата сифатида ҳуқуқий мақомга эга бўлиши билан сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ҳам тезлик билан юксалиши кутилмоқда. Демак, «Сиёсий партияларни молиялаштириш» тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилинганлиги уларнинг ишини янада жонлантириши табиий. Хўш, бу қонун нимага хизмат қилади?

Биринчидан, ушбу қонун парламент ислоҳотининг норматив-ҳуқуқий негизига бевосита алоқадорлиги билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Негаки, мазкур қонундаги қатор қоидалар сайловларни ташкил қилиш ва қонун чиқарувчи ҳокимият тизимидаги партия фракцияларининг фаолият юритиши билан боғлиқ.

⁸¹ Интерпелляция — Парламент депутатлари томонидан у ёки бу масалага аниқлик киритиш мақсадида ҳукуматга йўлланадиган сўров.

Иккинчидан, мамлакатимиздаги сиёсий партиялар ижтимоий ва сиёсий ҳаётда тўлақонли иштирок этиши, фуқаролик жамиятида ўз вазифаларини тўла адо эта олишлари учун мустаҳкам молиявий заминга эга бўладилар.

Учинчидан, бундай молиявий асос жамият учун кўпинча мавҳум бўлиб қоладиган турли хорижий манбаларнинг маблағлари эвазига эмас, балки партиялар фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳамда юртимиздаги юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг хайрия пуллари ва ихтиёрий бадаллари ҳисобига амалга оширишини назарда тутати.

Сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрнини кўтариш йўлларида бири, ҳар бир партия ўз таянчлари бўлган ижтимоий табақанинг манфаат ва мақсадларини тўла ифода эта олиш қобилиятини ўстиришга боғлиқдир. Шунингдек, ҳар бир партия у ёки бу ижтимоий табақанинг ижтимоий ва сиёсий манфаатларини ифода этиш, уларни парламентга ташиш каби вакиллик функциясини бажара олиш қобилияти икки палатали парламент фаолиятини демократик қадриятлар даражасида кечишини таъминлайди.

Шу ўринда, сиёсий партияларнинг яна бир муҳим вазифаси — сиёсий элитани шакллантириш масаласига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим бўлади. Дастлабки сиёсий партияларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳам парламент ва вакиллик органларига номзодлар танлаш, уларни тайёрлаш ва сайловлар жараёнларида халқ томонидан сайланишига шарт-шароитлар тайёрлаш мақсадларида пайдо бўлган. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, мамлакатимиздаги барқарорлик ва хавфсизлик йўлида таҳдид бўлиб турган муаммолар орасида маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик иллатларини кўрсатади. Гарчанд, бутунги кунда ҳақиқий маънодаги уруғ-аймоқчиликка бўлинган жамиятни топиш мушкул бўлса-да, лекин баъзан у шакли ўзгарган, «янгиланган» ҳолда мавжуд бўлиши мумкинлигидан огоҳлантирилади. «Маълум даражада қариндош-уруғчилик билан боғланидиган одамларнинг бир-бирларига мадад беришлари ҳам мутлақо табиий бўлиб кўринади, — деб ёзади Президент, — лекин қариндош-уруғчилик, худудий ёки этник принциплар асосида давлат тузилма-

ларида ёки бошқа тузилмаларда тор гуруҳчилик манфаатлари билан иш кўрадиган, айнан шу манфаатларни биринчи ўринга қўядиган уюшмалар (кўпинча норасмий уюшмалар) умумий ишга, умумдавлат, умумхалқ манфаатларига зарар келтирган ҳолда шаклланиб, ўз мақсадларига эришиш учун аъзоларни мавжуд давлат, ҳокимият ва бошқа поғоналарда юқори кўтаришга ҳаракат қилар экан, бу ҳол хавфли бўлиб қолади. Ана шунда жамиятнинг барқарорлиги ва хавфсизлигига реал таҳдид солувчи маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик ҳақида гапиришга тўғри келади»⁸².

Афсуски, ҳокимият учун кураш, унга эришиш йўлида айнан шу иллатлар «янгиланган», ҳозирги замонга мосланган шаклда намоён бўлиши, бўй чўзиши мумкин. Сиёсатшунослик фанининг муҳим қирраси — ҳокимият омиллари билан чамбарчас боғлиқ экан, демак буни чуқурроқ ўрганиш ва таҳлил қилиш лозимдир. Шу маънода, уруғ-аймоқчиликнинг мақсади — ўз аъзоларини давлат ҳокимияти пиллапояларида мумкин қадар юқори кўтаришдан иборат эканлигини давлат устунларини кемирувчи омил сифатида баҳоласак, унинг қандай қилиб олдини олиш керак деган савол туғилади?

Таъкидлаш жоизки, демократия ривожланган давлатларда маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик омилларини сусайтиришда, аввало, мавжуд демократик тизимнинг формуласи ҳисобланган ҳокимиятлар ўртасидаги «ўзаро тийиб туриш ва мувозанатни сақлаш тизими» ва сиёсий партиялар муҳим ўрин тутати. Гап шундаки, сиёсий партиялар жамоатчилик назоратини ўрнатишга интилишлари, сиёсий элитани шакллантиришда фаол иштирок этишлари, юқори мансабларга ўз кадрларини имкон қадар кўпроқ ўтказишга ҳаракат қилишлари билан уруғ-аймоқчилик ва маҳаллийчилик иллатига қарши кураша оладилар. Зеро давлат лавозимларининг партиявий манфаатлар нуқтаи назаридан тақсимланиши, тор гуруҳлар манфаатларидан келиб чиқилган мансаб тақсимотидан афзалроқдир.

⁸² Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». — Т.: Ўзбекистон, 1997й. 78—79 бетлар.

АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Италия давлатлари бу борада сермашаққат, шу билан бирга, самарали ва оқилона йўлни босиб ўтдилар. «Сиёсий партиялар демократия тамойиллари чуқур илдиз отган давлатларда ижроия, қонун чиқарувчи ҳокимият, турли қуйи ташкилотлар учун том маънода етук кадрлар тайёрлаш мактабига айландилар»⁸³.

Фуқаролик жамияти, очиқ демократик давлатни шакллантиришдаги сиёсий партияларнинг ўзига хос муҳим жиҳати — уларнинг аъзолари ижобий шахсий фазилатларни намоеън этиш, етакчиликка интилиш, сайлов кампаниясида фаоллик кўрсатишни ўрганадилар. Хуллас, мураккаб, муҳими, ҳалол кураш жараёнларини ўз фаолиятлари давомида синаб кўрадилар. Булар биринчидан, сиёсий фаолиятда энг кучли аъзоларини аниқлаш, иккинчидан, рақиблардан (нафақат ўз партияси, балки бошқа партиялар орасида) огоҳ бўлиш ва учинчидан, тажрибали сиёсатчи, раҳбар, етакчини юзага чиқишига ёрдам беради.

Баъзи демократик давлатларда Президентлар ва Бош вазирлар ҳокимиятни амалга ошириш даврида бирор бир партия аъзоси бўлиши мумкин эмас. Лекин уларни шу юқори лавозимга эришишида айнан сиёсий партиялар асосий ўрин тутди. Хусусан, АҚШда Президент Жорж Буш атрофидаги жамоасини ўзи номзод бўлиб чиққан республикачилар партиясидан шакллантирган бўлса-да, ўзи президентлик ваколатлари ижроси давомида бевосита партия ишлари билан шуғулланмайди. Бошқа бир қанча демократик давлатларда, аксинча, давлат ва ҳукумат раҳбарлари ўз ваколатларини бажариш даврида ҳам сиёсий партияларда етакчиликни давом эттиришлари мумкин. Мазкур мисоллар яна бир бор, ҳокимиятнинг турли шохобчаларини шакллантиришда партиялар ижобий рол ўйнашини яққол кўрсатмоқда. Шу боис, партиявий фаолият нисбатан суст бораётган Ўзбекистонда ҳам бу жараёнлар жадаллашиб, турли ҳокимият бўғинлари учун етук кадрлар етиштириб берувчи мактабга айланса сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ислохотларни юксалтиришда ва ҳуқуқий

⁸³ Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. //Халқ сўзи, 2000, 23 январь.

демократик давлат қурилиши ишида ўрни беқиёс бўлар эди.

Халқ депутатлари вилоят кенгашлари сессияларида Ўзбекистон раҳбари ҳаётда учраб турадиган бу иллатларни батамом йўқ қилиш раҳбарларнинг асосий вазифаларидан бири эканини қайта-қайта такрорлайди. Албатта, бу муаммоларни бирданига ва фақатгина айрим ёки бир нечта кишилар ҳаракати билан ечиб бўлмайди. Ўйлайманки, ҳокимият структурасини янги кадрлар, янги заҳира билан тўлдиришда айнан сиёсий партияларга таяниш тўғри бўларди. Биринчидан, шунда маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик эмас, аксинча, иш қобилиятларига қараб танлов амалга оширилади. Иккинчидан, ҳокимият тизимларига кадрлар келишида транспарентлик ва ҳокимиятга легитим йўл билан эришиш тамойиллари амалда ишлайди.

Бироқ бу гоёлар Ўзбекистонда фақат назарий бўлиб қолмаслиги учун мавжуд сиёсий партиялар фаолиятида кескин ўзгариш рўй бериши керак.

Бир палатали Олий Мажлис шароитида қонунчилик фаолиятида сиёсий партиялардан ташқари бошқа субъектлар ҳам иштирок этганини ҳисобга олсак, янги икки палатали Олий Мажлисида қўйи — Қонунчилик палатаси таркиби асосан сиёсий партиялардан иборат бўлди, бу эса улардан, табиийки, жўшқин, сермахсул тарзда иш юритишни тақозо этмоқда. Демак, шу босқичда сиёсий партиялар ўз дастурлари, сайлов платформалари, мақсад ва вазифаларига танқидий-ислоҳий нуқтаи назар билан қараш вақти келди.

Шу ўринда Олий Мажлиснинг юқори палатаси — Сенатни шакллантириш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш билан сиёсий партияларга боғлиқ бўлган масалаларни келиб чиқиши ҳам табиий бир ҳолдир. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг 2-моддасида шундай ҳуқуқий қоида ўрин олган: «Сенат аъзолари (сенаторлар) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — олти кишидан сайланади».

Ўзбекистонда сиёсий партиялар қисқа давр ичида, мустақиллик даврида мамлакат жамиятида кўппартиявийлик тизимини ташкил қила олдилар. Лекин ҳали ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатда сиёсий партиялар ривожланган давлатлар андозалари даражасига кўтарила олмадилар. Бунинг асосий сабабларидан бири шуки, сиёсий партияларни мустақил демократик институт сифатида фаолият кўрсатиш қобилиятини бахш этадиган ижтимоий таянчлар — ижтимоий қатламларнинг ўтиш даврида тугал шаклланмаганлиги билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам жамиятнинг қандай даражада ривожланиши сиёсий фаоллик, тафаккур ва маданият юксалиши жараёни билан чамбарчас боғлиқдир.

Сиёсий партиялар ҳокимиятни шакллантиришнинг легитим воситасидан бирига айланиши ҳам, давлат ва жамият қурилиши жараёнига таъсир этмай қолмайди. Ҳокимиятни турли тор гуруҳлар, уруғ-аймоқ вакиллари, «тасодифий» одамлар билан эмас, аксинча маълум ижтимоий қатлам манфаатларини ифода этувчи, соғлом рақобат синовларидан ўтган кишилар билан ташкил топтиришда айнан сиёсий партияларнинг ўрнини юксалишига амалда эришиш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ўзбекистон Мустақиллигининг дастлабки ўн беш йилги тарихи, хорижий демократик тараққий этган давлатлардаги бу борадаги тажрибадан унумли фойдаланиш навбатдаги босқичдаги кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

Ўзбекистонда ҳам икки палатали парламентнинг шаклланиши билан-умуммиллий палата — Қонунчилик палатасининг сиёсий партиялар кўрсатган номзодлар асосида шаклланиши мамлакатдаги кўппартиявийлик тизимини жаҳон илғор демократик тажрибалари асосида кечаётганлигини англатади. Умуман, мамлакатда амалга оширилдиган янги парламент сайловлари сиёсий партияларнинг мустақил жамият институти сифатидаги мақомини таъминлаши шубҳасиздир.

3. Ўзбекистонда икки палатали парламентни шакллантириш жараёни: асосий натижалар ва хулосалар

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликни қўлга киритиши мамлакатимизда демократик давлат барпо этиш учун замин бўлиб хизмат қилди. Навқирон давлатимизда миллий давлатчиликни мустақкамламасдан туриб, мавжуд сиёсий тизимни ислоҳ қилмасдан туриб, демократик таъмоийлар ва қадриятларни ўрнатиб бўлмас эди. Мустақил тараққиётнинг ўзига хос йўлини танлаган республикаимизда икки палатали парламентни шакллантиришга доир ислохотларнинг амалга оширилиши бу борада қўйилган муҳим қадам бўлди, десак хато бўлмайди. Зеро, қонунчилик ҳамда вакиллик органи бўлган парламент мамлакат сиёсий тизимида муҳим роль ўйнайди. Мазкур китобда Ўзбекистонда профессионал парламент тизимининг сиёсий институт сифатида шаклланиши муаммоларининг тадқиқ этилиши бир қатор назарий хулосалар ва амалий таклифларни илгари суриш имконини бери.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, жаҳондаги парламентлар турли тарихий шароитларда ташкил топган бўлса ҳам, уларнинг тузилишида фарқлар мавжуд бўлса ҳам, шунингдек, улар миллий анъанавий хусусиятларга эга бўлсаларда, парламентлар жамият сиёсий тизимида қонун чиқарувчи ҳокимият сифатида алоҳида ўринга эга. Парламентнинг қонунчилик вазифаси шахс, жамият, давлат фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш имконини беради. Шунингдек, парламент давлат ҳокимияти институтлари тизимида сайлаб қўйиладиган асосий вакиллик органи бўлиб, бу омил парламентнинг фуқаролар учун очиқ ва демократик табиатини белгилаб беради. Бундан ташқари, парламент ўзининг таъсири, ваколатлари нуқтаи назаридан ҳокимият шохобчалари ичида муҳим аҳамият касб этади. Турли ижтимоий манфаатлар ва қарашларнинг айнан парламентда жамланганлиги жамият аъзолари, ҳокимият шохобчалари, «марказ» ва «ҳудуд» ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган турли зиддиятларнинг олдини олиш имконини беради. Шундан келиб чиқиб, жаҳон парламентлари ўзларининг тадрижий тараққиёти давомида профессионал парламент даражасига эришишга интилганлар.

Шу ўринда, парламентнинг профессионал табиатини белгилаб берувчи омилларга тўхталиш зарур. Биринчидан, нафақат қонун чиқариш вазифасини бажарадиган, балки ҳокимиятлар бўлиниши тамойилини амалда қўллаш имконини берадиган, халқ вакиллигини ҳаққоний амалга оширадиган парламентнигина «профессионал парламент» деб аташ мумкин. Иккинчидан, депутатларнинг парламент ишида доимий иштирок этиши, яъни уларнинг ваколат муддати давомида қонун яратиш билан бевосита шуғулланишлари, уларнинг бошқа турдаги фаолият билан шуғулланмасликлари, яъни уларнинг парламентда профессионал асосда ишлаши ҳам профессионал парламентнинг муҳим белгисидир. Учинчидан, профессионал парламентнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, унинг аъзолари қонунчилик фаолиятини чуқур билишлари, бу жараённинг масъулиятини ҳис этишлари лозим.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш асосий стратегик вазифа, деб эътироф этилиши туфайли мамлакатда икки палатали парламентни шакллантириш зарурати вужудга келди. Парламент ислохотининг янги босқичига ўтиш ғояси иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида Юртбошимиз томонидан илгари сурилиб, миллий парламентаризмни ривожлантириш ва янада такомиллаштириш мақсадида яқин истиқболда икки палатали қонун чиқарувчи орган яратиш лозимлиги асослаб берилди. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий тараққиётининг навбатдаги босқичи бир палатадан кўра мураккаброқ бўлган, ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимият тармоқлари ўртасидаги мувозанатнинг янада барқарор бўлишини таъминлайдиган, икки палатадан иборат қонун чиқарувчи идора ташкил этилишини тақозо этди.

Таъкидлаш жоизки, олимлар икки палатали парламент шакллантиришни ҳуқуқий давлат қурилишининг энг самарали воситаларидан бири, деб эътироф этадилар. Зеро, ҳуқуқий давлат мукамал қонунлар яратишни тақозо этади. Шу боис, бир қонуннинг ҳар иккала палата вакиллари томонидан кўздан кечирилиши ҳам қонунларнинг мукамаллигини таъминлашга хизмат қилади. «Юқори палатада кўриб чиқиш жараёнида тўртта қонун қайтарилди. Улар

бўйича Қонунчилик палатаси билан биргаликда келишув комиссиялари тузилиб, барча баҳсли масалалар кўриб чиқилди ва ўзаро мақбул хулосага келинди, — деб таъкидлади Президент Ислом Каримов 2006 йил 24 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида сўзлаган нутқида. — Икки палата ўртасида шаклланаётган мана шундай эътиборга сазовор муносабат ва тажриба аввало бугун парламентимизда демократик кўникма ва жараёнлар қарор топаётганидан дарак беради»⁸⁴.

Аmmo шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, айрим олимлар икки палатали парламентдан кўра бир палатали парламентни афзал деб биладилар. Улар икки палатали парламент тизимида қонунчилик жараёнининг мураккаблашувини уқтириб, парламентда иккинчи палатанинг мавжуд бўлиши демократик ислохотлар, ўзгаришлар ва янги ланишларнинг тез суръатлар билан олиб борилишига тўсқинлик қилиш мумкин, деган фикрни билдирадilar. Яъни, бир палатали парламент мамлакат тараққиётини тезлаштиришга кўмаклашувчи қонунларни тез ва осон қабул қилиш имконини беришини таъкидлайдилар.

Бироқ тадқиқот натижалари икки палатали парламентнинг бир палатали парламентга нисбатан қатор афзалликларга эга эканлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини берди. Биринчидан, қабул қилинган қонунларнинг яна бир марта юқори палата томонидан кўриб чиқилиши қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиради, қонунларнинг жиддий муҳокамалардан сўнггина қабул қилинишига замин яратади. Иккинчидан, айрим партиялар, гуруҳлар манфаатлари нуқтаи назаридан ишлаб чиқилган қонунларнинг қабул қилинишига юқори палата тўсқинлик қилади. Учунчидан, қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти ўртасидаги ўзаро муносабатлар мутаносиблигига эришилади. Тўртинчидан, қонун қабул қилиш жараёнида палаталар ўртасидаги фикрлар хилма-хиллигининг ривожланиши, бу борада турли баҳс-мунозараларнинг кучайиши

⁸⁴ Каримов И. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. //Халқ сўзи. 2006 йил, 25 февраль.

профессионал парламент институтининг ривожланишига туртки бўлади. Бешинчидан, қуйи палатада бевосита ҳар куни парламентда фаолият юритадиган кучли депутатлар гуруҳлари шаклланишади. Ва ниҳоят, Ўзбекистон парламентининг ривожланган хорижий мамлакатлар парламентлари ўртасида тутган ўрни мустаҳкамланиб, демократия ва инсон ҳуқуқлари ҳимояси янада кучаяди.

Шу ўринда парламент нафақат қонун чиқарувчи орган, балки олий вакиллик органи эканини ҳам эслаш лозим. Бу жиҳатдан, парламентнинг икки палатадан иборат бўлиши бу демократик институтда фуқароларнинг кенг қўламдаги вакиллигини таъминлайди. Чунки фақат партиявий асосда бундай вакилликни таъминлаш мумкин эмас. Боз устига, ўз худудининг манфаатлари ҳақида қайғурадиган кишиларнинг Сенатдан ўрин олиши қонунлар қабул қилишда партиявий манфаатлардан эмас, умумдавлат манфаатлар устуворлигидан келиб чиқилишини таъминлайди. Парламентнинг икки палатали асосда тузилиши халқ вакилларининг сайловчилар олдидаги мажбуриятларини унутишдан ҳам сақлайди. Чунки минтақанинг ташвишлари билан банд бўлганлиги туфайли ҳам юқори палата вакиллари парламентнинг ҳаёт билан, халқ билан мулоқотини таъминлайди.

Юқорида таъкидланган афзалликларга эга бўлган икки палатали парламент тизимига ўтиш Ўзбекистон учун айна муддаодир. Зеро, бугунги кунга келиб, икки палатали парламентни шакллантириш учун барча етарли шарт-шароитлар мавжуд. Биринчидан, бугунги кунда мамлакатимизда икки палатали профессионал парламент учун керак бўлган профессионал корпус — малакали сиёсатшунослар, ҳуқуқшунослар, иқтисодчи мутахассислар етишиб чиқди. Иккинчидан, жамият аъзоларининг онгидаги собиқ тузумдан қолган эскича қарашлар бирмунча барҳам топди. Ўтган вақт давомида уларнинг ҳуқуқий ва сиёсий онги юксалиб борди. Сайлов институти такомиллашди, сайловга доир қонунчилик базаси мустаҳкамланди. Учинчидан, сиёсий муносабатларнинг янги субъектлари вужудга келди. Давлат бошқарувига бевосита таъсир кўрсата оладиган сиёсий партиялар шаклланди, нодавлат ноҳукумат ташкилотлар, хусусий мулкдорлар ва тадбиркорлар қатлами вужуд-

га келди. Тўртинчидан, давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари барҳам топди. Бошқача айтганда, бошқарув усуллари тоталитар элементлардан халос бўла бошлади. Ва ниҳоят, Ўзбекистон Республикасида жаҳоннинг энг илғор мамлакатлари тажрибаларидан унумли фойдаланиш учун барча шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилди.

Профессионал парламент тизимини сиёсий институт сифатида тадқиқ этиш мамлакатимизда шаклланаётган икки палатали парламентнинг янада самаралироқ ишлаши, унинг фаолиятини такомиллаштиришга доир қатор тавсиялар бериш имконини туғдирди. Биринчидан, миллий хусусиятларимизни эътиборга олган ҳолда Ўзбекистонда Сенат аъзолигига ёш цензини йигирма беш ёшдан ўттиз ёшга қадар кўтариш лозимлиги ҳақидаги фикрни илгари сурмоқчимиз. Гап шундаки, ўзбек заминида давлат ва жамиятни бошқаришга ҳамиша ёши улуғ инсонлар, халқ ўртасида катта обрў-эътибор қозонган, тажрибали кишилар жалб қилинганлар. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, миллий менталитетимиздан келиб чиқадиган бўлсак, йигирма беш ёшли кишиларнинг Сенат аъзоси бўлиш имкониятлари ниҳоятда кам. Шундай экан, реал воқелиқдан келиб чиққан ҳолда, сенаторларнинг ёши камида ўттиз ёш бўлишини қонунда белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, қатор мамлакатларда мавжуд бўлган лоббизм институтини Ўзбекистонда ҳам шакллантириш масаласига ҳам тўхталиш лозим. Бугунги кунда республикаимиз жамотчилигида босим гуруҳларини ифодалайдиган «лобби» атамаси бироз салбий қабул қилинмоқда, унга парламентнинг самарали ишлашига тўсқинлик қилувчи институт сифатида қаралмоқда. Бироқ таниқли сиёсатшунос Г. Алмонднинг фикрича, босим гуруҳлари ижтимоий манфаатларни намоён этишда муҳим роль ўйнайди. Шу билан улар сиёсий тизим ва жамият аъзолари ўртасидаги коммуникатив бўғин ҳисобланадилар⁸⁵. Унинг бу фикрларини сиёсий тизимнинг мумтоз назарияси асосчиси Д. И-

⁸⁵ Қаранг. Лавриенка В. Н. Политология. М.: . 1999. — С. 192.

стон ҳам такрорлайди. Унинг уқтиришча, босим гуруҳлари ва жамият манфаатларини ифодаловчи бошқа институтлашган уюшмалар жамият сиёсий эҳтиёжларини тайёр сиёсий талаб шаклига айлантирувчи оралиқ мавқени эгаллайдилар⁸⁶. Тарихий тараққиёт натижасида шу нарса аён бўлдики, у ёки бу қонуннинг қабул қилиниши ёхуд қабул қилинмаслигидан манфаатдор бўлган сиёсий кучлар ҳамиша мавжуд бўлади. Бу кучлар ҳамиша қарорлар қабул қилиш жараёнига ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилдилар. Лоббизм эса бу ҳаракатларнинг энг кўп тарқалган усули бўлиб, унинг мавжудлиги турли ноқонуний йўллар билан парламент фаолиятига таъсир ўтказишнинг олдини олади. Демак, шундай хулоса чиқариш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида парламентнинг профессионал асосда фаолият юритиши лоббизм институтига ҳам алоҳида эътибор беришни талаб этади. Яъни, агар амалиётда лоббизм институтига эҳтиёж туғиладиган бўлса, унинг фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ишлаб чиқиш лозим бўлади. Чунки лоббизмнинг қонуний асослари яратилмаса, у яширин ҳолда фаолият кўрсатиши, айрим тор гуруҳлар манфаатларига хизмат қилиши мумкин.

Учинчидан, демократик тамойилларга асосланган сайлов тизимини шакллантириш, уни такомиллаштириш ўтиш даврини ўз бошидан кечираётган, мустақилликка эришган ёш давлатларда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги муҳим вазифалардан биридир. Шу ўринда, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсияларни келтириш ўринли. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, келажакда сайловга доир қонунларни такомиллаштириш жараёнларида Ўзбекистонда ҳам аралаш сайлов тизимидан фойдаланишни (мажоритар ва пропорционал) мазкур қонунга киритиш сиёсий партияларнинг таъсирини кучайтириш учун янада кенгроқ имкониятлар яратиши мумкин. Албатта, пропорционал сайлов тизимининг ҳам, мажоритар ва аралаш сайлов тизимларининг ҳам ўзига хос ютуқ ва камчиликлари бор. Бироқ пропорционал ва аралаш сайлов тизимларини

⁸⁶ Қаранг. Истон Д. Политическая система. 1953. — С. 55.

«Ўзбекистон шароити учун мутлақо яроқсиз», деган хулоса чиқариб бўлмайди. Пропорционал сайлов тизими ҳақида Президентимиз ҳам алоҳида тўхталиб ўтиб: «Ишончим комилки, Олий Мажлисимизни икки палатали қилиб ташкил этиш, қуйи палатага асосан партиялар томонидан тақдим этиладиган рўйхатлар бўйича сайлов ўтказиш жамиятимизни сиёсий жиҳатдан фаоллаштиришга кучли туртки беради. Ўйлайманки, сайловлар тўғрисидаги қонуннинг қоидаларини қайтадан кўриб чиқиш ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади»⁸⁷, деб таъкидлаган эди.

Тўртинчидан, Олий Мажлиснинг Сенатига бўладиган сайловлар масаласи ҳам муҳим ўрин тутди. Фикримизча, Сенат ҳамда Қонунчилик палатасининг ваколат муддатлари тенглиги ҳамда уларнинг бир вақтда фаолият бошлаб, бир вақтнинг ўзида ниҳоясига етиши парламент ишида узилишларга олиб келиши мумкин. Шу боис, юқори ҳамда қуйи палаталарнинг фаолиятидаги ворисийликни таъминлаш мақсадида жаҳон тажрибасини қўллаш — Сенат аъзоларининг ярмини ҳар икки ярим-уч йилда янгитдан сайлаш ва Сенат фаолияти муддатини 6 йил қилиб белгилаш мақсадга мувофиқ, деб биламиз.

Бешинчидан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг сайловолди ташвиқотини олиб боришга бағишланган бобини такомиллаштириш фойдадан ҳоли бўлмайди. 1999—2004 йилларда ўтказилган парламент сайловлари, 2000 йилда ўтган Президент сайловларида айрим масалалар ниҳоятда муҳим эканлигини тажриба кўрсатди. Хусусан, номзодлар телевидение, радио, газета ва айниқса, электрон оммавий ахборот воситаларида қай тартибда сайловолди кампаниясини ташкил этишлари зарурлиги, уларга ажратиладиган эфир вақти ва босма материаллар ҳажми, сиёсий партия ва номзодларнинг телевидение эфиридан фойдаланиш навбатини белгилаш тартиблари белгиланмаган. «Теледебат», «сиёсий реклама», «сиёсий

⁸⁷ Каримов И. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 9-сессиясидаги маъруза. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 2003, 27-бет.

ролик» тушунчаларига ҳуқуқий таъриф бериш ва уларни жорий этиш нормалари, девиант технологиялардан фойдаланиш учун жавобгарлик меъёрлари киритилмаган. Ушбу масалаларнинг ҳам қонунлардан ўрин олиши бу борадаги келишмовчиликларга чек қўяди. деб ўйлаймиз.

Олтинчидан, давлатнинг турли жамоат ташкилотлари билан ўзаро алоқаларини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, сиёсий партиялар жамият ва давлат муносабатлари тизимида марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Бироқ сиёсий партияларнинг раҳбар органларида, уларнинг етакчиларида изчиллик, аниқ ва режали ишлаш кўзга ташланмаслиги, дастурий ҳужжатлар асосида партиянинг стратегик режаларини ишлаб чиқадиган, Ўзбекистоннинг муҳим ижтимоий-сиёсий тadbирларида ўз партияларининг нуқтаи назари ва манфаатларини белгилайдиган, бошқа партиялар ғоявий-сиёсий дастурларининг камчиликларини аниқлаб, ўз дастурларини ҳимоя қиладиган мафқуравий, раҳбарий марказларга эга эмаслиги тўғрисида бугунги кунда Ўзбекистонда фаолият юритаётган сиёсий партиялар ўртасида кескин рақобат муҳити шаклланмаган. Демак, сиёсий партиялар жамиятимизда кечаётган демократлаштириш жараёнидан ўзларига юклатилган вазифани тўла адо эта олишлари учун бир қатор масалаларга эътибор қаратишлари лозим. Авваламбор, сиёсий партиялар ўз дастурларида у ёки бу ижтимоий қатламга таянишлари, таклиф этилаётган ислохотларнинг муқобил режаларини ишлаб чиқиб, шу асосда фаолият кўрсатишлари лозим. Шунингдек, партиялар омма билан ишлашнинг илғор технологияларини ўзлаштиришлари ва шу орқали ўз сафларини имкон қадар кенгайтириб боришга интилишлари зарур. Бундан ташқари, икки палатали парламентнинг таркиби айнан партиявий кадрларга боғлиқ экан, демак, партиялар ўзларининг парламентдаги фракциялари фаолияти ҳақида аввалдан қайғуришлари лозим бўлади.

Еттинчидан, Олий Мажлиснинг юқори палатаси — Сенатни шакллантириш ва унинг фаолиятини йўлга қўйишда сиёсий партиялар билан боғлиқ масалаларнинг келиб чиқиши табиий ҳолдир. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг 2-моддасига кўра, Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар,

туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — олти кишидан сайланади. Агар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳар вакиллик органлари депутатларининг кўппартиявийлик асосида сайланганликлари, мазкур вакиллик органларида ҳам партиявий фракциялар мавжуд бўлишига эътибор берилса, сенаторларни сайлашда уларнинг таркибидаги мазкур партиявий таъсирга барҳам бериш ёки уни очик тан олишни қонунчиликка киритиш масаласини ҳал этиш мақсадга мувофиқ.

* * *

Ўзбекистонда илк бор икки палатали парламентга бўлиб ўтган сайловлар мамлакат тарихида улкан аҳамиятга эга воқеа сифатида муҳрланиб қолиши муқаррардир. Мамлакатимизнинг демократик янгиланишлар сари изчил ҳаракатида муҳим босқич бошланди. Икки палатали парламентга ўтиш билан боғлиқ ислоҳот ҳаётий заруратдан келиб чиққанди. Унинг асосий моҳияти демократик институтларни ривожлантириш, ҳокимиятда мувозанат ва чекловлар тизимини қарор топтириш ва энг муҳими, фуқароларнинг мамлакат сиёсий ҳаётига, жамият бошқарувига фаол жалб этиш, ўз тақдирлари, ўз келажакларининг тўлақонли соҳиблари бўлишига эришишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2005 йил 28 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биринчи қўшма мажлисида бўлиб ўтган сайлов жараёнига алоҳида баҳо берди.

«Илк бор икки палатали парламентга бўлиб ўтган сайловлар, — деди жумладан давлат раҳбари, — Ўзбекистоннинг янги тарихида алоҳида, ғоят муҳим ўрин эгаллади, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Конституциямиз, республикамизнинг сайлов қонунчилиги талаблари ҳамда халқаро меъёр ва қондаларга тўлиқ амал қилган ҳолда, очиклик ва сиёсий бағрикенглик шароитида ўтган сайловлар мамлакатимиз демократик қури-

лиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил қадамлар билан илгари бораётганининг яна бир ёрқин далили бўлди.

Ўзбекистонда бўлиб ўтган сайловлар ҳақидаги мухтасар фикрларимизга яқун ясар эканмиз, қуйидаги хулосаларни чиқаришимизга тўлиқ асос бор.

Биринчидан, ушбу сайловлар биз учун чинакам демократик тамойиллар, сайловнинг меъёр ва механизмларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда яхши мактаб вазифасини ўтади.

Иккинчидан, мамлакатимизда икки палатали парламентга сайловлар ўтказиш бўйича қабул қилинган кўп жиҳатдан ўзига хос тизим ҳамда сайловлар жараёнининг ўзи республикаимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар, жамоат ташкилотларининг кескин жонланиши ва фаоллигини кучайтиришда, уларнинг масъулияти ортишида гоят кучли омил бўлди.

Сайловларда қатнашган барча сиёсий партияларнинг қонунга мувофиқ равишда бугун парламентнинг қонунчилик палатасида ўз фракцияларини ташкил этиш учун етарли ўринга эга бўлганининг ўзи ҳам уларнинг сайловчилар томонидан муносиб эътироф этилганидан далолат беради. Сайловчилар ташаббускор гуруҳлари томонидан Қонунчилик палатасига кўрсатилган 54 та номзоддан 12 нафар мустақил депутат сайлангани ҳам алоҳида эътиборга лойиқ, деб ўйлайман.

Учинчидан, сайловларни ўтказиш жараёнида сайловчиларимиз ўзларининг сиёсий ва фуқаролик савияси етуқлигини, ўз ҳаёти, ўз келажагини умумэътироф этилган демократик кадриятлар асосида қуришга қодир эканликларини намоён этдилар.

Тўртинчидан, бўлиб ўтган сайловлар яна бир ҳақиқатни яққол тасдиқлади: мамлакатимизнинг демократик янгиланиш ва эркин ижтимоий тузумга хос бўлган барча асосий кадриятларни ўзида мужассам этган фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги босқичма-босқич, изчил ҳаракати ҳозирги кунда ҳеч қандай куч тўхтата олмайдиган муқаррар, қонуний жараёнга айланди. Шундай деб айтишга бугун бизнинг барча асосларимиз бор.

Ва ниҳоят, бўлиб ўтган сайловлар аввалгиларидан наинки очиқлиги ва кескин кураш олиб борилиши билан,

балки, аввало, аксарият сайловчиларнинг бу жараёнлардан ҳар томонлама хабардорлиги, уларга онгли муносабати билан ҳам тубдан фарқ қилди.

Фуқароларимиз сайловларга мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим, жамиятимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятига, демакки, ҳар бир сайловчи тақдирига таъсир кўрсатадиган сиёсий воқеа сифатида ёндашдилар. Бу ҳам бизнинг энг катта ютуқларимиздан биридир»⁸⁸.

2004 йилнинг 20 сентябрь куни эълон қилинган сайлов кампанияси тўрт ойдан узоқ давом этди. Марказий сайлов комиссияси календар режасига биноан икки палатали парламентни шакллантириш уч босқичда амалга оширилиши кўзда тутилганди. Шундай қилиб, сайлов кампаниясининг **дастлабки босқичи** сайловчиларни парламент ислоҳотининг моҳияти, сайлов қонунчилиги ва бу борадаги асосий ҳуқуқий асос билан таништириш, сайловчиларда фаол фуқаролик позиция шаклланишида кўмаклашишга қаратилган ахборот-маърифий кампания билан боғлиқ бўлди. Унинг доирасида халқаро тажрибани ўрганишга ва буни миллий ўзига хосликлар билан мужассамлаштиришга асос бўладиган бир қатор халқаро конференциялар, давра суҳбатлари ташкил этилди. Телевидение ва оммавий ахборот воситаларининг бошқа турлари орқали маърифий ва ахборот дастурлари, ижтимоий роликлар, дебатлар, очик мулоқотлар, таҳлилий материаллар эълон қилиб борилди.


Марказий сайлов комиссияси календар режасидаги **иккинчи босқичнинг** ва балки бутун сайлов кампаниясининг энг муҳим воқеаси 2004 йилнинг 26 декабрида рўй берди. Ўзбекистон халқи Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатларини сайлади. Шу куни сайловларда 62 та округдан сайланган депутатлар маълум бўлди, қолган 58 та округда номзодлар етарли овоз ололмагани туфайли қонунчилик талабига кўра икки ҳафта ичида, яъни 2005 йил 9 январь куни такрорий овоз бериш ташкил этилди. Бу борада шунини айтиш мумкинки, номзодлар орасида сайлов-

⁸⁸ Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. — Т.: Ўзбекистон, 2005, 30—33-бетлар.

чи овози ва ишончи учун олиб борилган кураш қанчалик кескин бўлгани намоён бўлди. Шундай қилиб, сайловчилар асосий ва такрорий овоз беришда иштирок этганидан сўнг парламентнинг қуйи палатасига 120 нафар депутат сайланди.

Сайловларда 489 нафар депутатликка номзод, шу жумладан, сиёсий партиялардан — 435 киши ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан — 54 киши иштирок этди. Сайловларда фуқаролар фаол қатнашди. 2004 йил 26 декабрдаги асосий сайловда 12 млн. 197 минг 159 (85,1 фоиз) сайловчи, жорий йилнинг 9 январидан эса 5 млн. 400 мингдан ортиқ киши ёки такрорий овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган сайловчиларнинг қарийб 80 фоизи қатнашди.

Сайловлар натижасида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сайловчиларнинг энг кўп овозини олди, бу партиядан депутатларнинг 34,2 фоизи (41 нафар депутат) сайланди; Ўзбекистон Халқ демократик партиядан депутатларнинг 23,3 фоизи (28 нафар депутат) сайланди. Шунингдек, Фидокорлар партиядан 18 нафар депутат (15,1%), «Миллий тикланиш» партиясининг 11 аъзоси (9,1%), «Адолат» партиясининг 10 аъзоси (8,3%) Қонунчилик палатасига сайланди. Сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар сони 12 кишини, яъни 10 фоизни ташкил этди.



Янги сайланган депутатлар корпуси таркибида Қонунчилик палатасининг профессионал хусусияти ўз аксини топган. Сайланган депутатлар орасида 18,3 фоизи — ҳуқуқшунослар, 21,7 фоизи — иқтисодчилардир. Айна пайтда куйи палатада жамиятнинг деярли барча ижтимоий қатламлари вакиллари бор. Депутатларнинг 10 фоизи саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа соҳаси вакиллари, 7,5 фоизи қишлоқ хўжалиги вакиллари, 12,5 фоизи тадбиркорлар, 20 фоизи таълим, фан, маданият ва соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларидир. Депутатларнинг қарийб 16 фоизи — нодавлат нотижорат ташкилотларнинг вакиллари.

Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг қарийб 18 фоизини хотин-қизлар ташкил этди, бу эса 1999 йилда Олий Мажлисга бўлган сайловлардагидан икки ярим барабар кўпдир.

Сайлов кампаниясининг учинчи — сўнгги босқичи эса Парламентнинг юқори палатаси — Сенатни шакллантиришдан иборат бўлди. Сенаторларнинг асосий қисми Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоят Кенгашларининг қўшма мажлисларида яширин овоз бериш йўли билан сайланди. Жўқорғи Кенгес ва ҳар бир вилоят Кенгаши ўзининг олти нафар номзодини Сенат аъзоси сифатида сайлаган бўлса, яна 16 нафар Сенатор мамлакат Президенти томонидан Республикамизнинг обрўли жамоатчилик арбоблари орасидан тайинланди.

Сенат таркибида ҳам жамиятнинг деярли барча ижтимоий қатламлари вакиллари бор. Сенаторларнинг қарийиб 15 фоизи Ўзбекистон аграр секторининг намоёндаларидир. 20 фоиздан ортиғи — таълим, илм-фан ва маданият тизими вакиллари. Улар орасида йирик олимлар, маданият ва санъат арбоблари бор.

Мамлакатимиз саноати мажмуи вакиллари сенаторларнинг 10 фоизини ташкил этади. Улар асосан энг йирик ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари, юртимиз иқтисодий ривожланиши, халқимиз фаровонлигини юксалтириш суръатларини белгиловчи Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор тармоқлари вакиллари билан иборат.

Сенат аъзоларининг 15 фоизи турли соҳаларда фаолият юритувчи, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этувчи, ўз меҳнати, илғор ҳаётий қарашлари билан халқимиз орасида обрў-эътибор қозонган хотин-қизлардир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисида куйи палатанинг Спикери ва унинг ўринбосарлари сайланиб, кўмиталар тузилди, уларнинг раҳбарлари тайинланди. Хусусан, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасининг Спикери этиб сайловчилар ташаббускор гуруҳидан кўрсатилган номзод Э. Ҳ. Халилов сайланди.

Спикернинг ўринбосарлари лавозимига сайловлардан сўнг парламентда энг кўп ўрин эгаллаган икки партия вакиллари тайинланди. Шу тариқа бу лавозимга ЎзЛи-ДеП партиясидан сайланган А. А. Каримов ва ХДПдан сайланган депутат М. Б. Сафаева номзодлари тасдиқланди.

Юқори палата — Сенатга эса илгари Тошкент молия институти ректори сифатида ишлаб келган Мурот Шарифхўжаев Раис этиб сайланди. Унинг ўринбосарлари — илгари Ўзбекистон Олий судининг раиси лавозимида ишлаган Фарруха Муҳиддинова ва қонунчиликда назарда тутилганидек Қорақалпоғистон Республикасидан вакил — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Муса Эрниязов тайинландилар.

Янги сайланган парламентнинг биринчи қўшма йиғилишида халқ ноиблари тасдиғига мамлакат Бош вазири номзоди тақдим этилди. Ўзбекистон Президенти тавсиясига биноан, бу лавозимда ишлаб келган Шавкат Мирзиёев қайтадан Бош вазир этиб тасдиқланди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, М. Шарифхўжаев Сенат Раиси сифатида мамлакатимизнинг олий қонунчилик органи фаолиятини йўлга қўйиш ва унинг зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш ишига муносиб ҳисса қўшди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2006 йил 24 февралдаги қарори билан М. Шарифхўжаев саломатлигига кўра ўз аризасига биноан эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси сайлаш тўғрисида»ги қарорига асосан 2006 йил 24 февраль куни Илгизар Матёкубович Собиров Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси этиб сайланди.

Икки палатали парламент ижро ҳокимиятининг бир қатор ваколатларини олиши билан ҳам Ўзбекистонда парламентчиликнинг янги сифат босқичини очиб беради.

Хусусан, Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги элчиларини тайинлаш ва бошқа бир қатор лавозимларга мутасаддилар номзодларини тасдиқлаш каби ваколатлар парламент аъзолари томонидан амалга ошириладиган бўлди.

Энди 2004 йилдаги сайлов натижаларидан сўнг, унинг хусусиятлари, ўтказилган бошқа сайловлардан фарқли жиҳатларига тўхталиб ўтсак.

2004 йил сайловларини ўтказиш амалиётига оид ўзига хос жиҳатларидан бири — дастлабки тайёргарлик босқичида жаҳон парламентаризми тажрибасини фаол ўрганишга эътибор қаратилганлиги бўлди. Жумладан, бу борада Марказий сайлов комиссияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, мамлакатнинг етакчи олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда, Ташқи ишлар вазирлигининг бевосита кўмаги билан бир қатор халқаро анжуманлар, давра суҳбатлари ташкил этилди. Уларда сайловларни ташкил этиш ва ўтказишнинг деярли барча қирралари муҳокама этилди. Хусусан:

- *«Олий Мажлисга сайловлар: Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муғим босқичи»;*
- *«Парламентаризм: хорижий давлатлар тажрибаси»;*
- *«Сайлов технологиялари ва оммавий ахборот воситалари: ҳуқуқий ва этикавий жиҳатлар»;*
- *«Сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда очиқлик, ошкоралик ва транспарентликни таъминлашнинг ҳуқуқий жиҳатлари — жаҳон тажрибаси, мезонлар ва андозалар»;*
- *«Демократик сайловларни ўтказишда халқаро мезонлар ва Ўзбекистон сайлов қонунчилиги»;*
- *«Сиёсий партиялар ва сайловлар: жаҳон амалиёти ва Ўзбекистон сайлов қонунчилиги»;*
- *«Сайлов кампанияси даврида сайловчилар ташаббускор гуруҳлари фаолияти».*

Мазкур анжуманлар ишида ЕХХТ, БМТ Тараққиёт дас-тури, Фридом Хаус (АҚШ), Конрад Аденауэр ва Фридрих Эберт жамғармалари (Германия), Халқаро Республика институти (АҚШ), Миллий Демократик институт (АҚШ) каби халқаро ташкилотлар вакиллари, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония, Бельгия, Ҳиндистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Польша, Россия, Украина, Франция, Исроил, Жанубий Корея ва бошқа давлатлардан ташириф буюрган мутахассислар иштирок этдилар.

Шу ўринда мазкур анжуманларда ифода этилган асосий хулосалардан келиб чиққан ҳолда жаҳон тажрибасига муурожаат қиладиган бўлсак, схириги пайтларда икки палатали парламент тизими тарафдори бўлган давлатлар сони тобора кўпайиб бораётганини кузатиш мумкин.

XX асрнинг сўнгги 30 йилда икки палатали парламентлар сони 45 тадан 72 тага кўпайди. Ҳозирги кунда қатор давлатлар икки палатали тизимга ўтмоқдалар. Эътиборлиси шундаки, дунёнинг илғор мамлакатлари икки палатали парламентнинг афзаллигини эътироф этиб, шунга мос равишда ўз парламентларини ислоҳ қилганлар. АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия, Германия, Япония, Швейцария каби мамлакатлар шулар жумласидандир. Бир палатали парламентларнинг деярли 70 фоизи асосан ривожланаётган давлатлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Жаҳон тажрибасида икки палатали парламент тизимининг шаклланиши масаласини кўриб чиқишда, давлатларнинг тузилишига, яъни уларнинг унитар ёхуд федератив эканлигига эътибор қаратиш лозим бўлади. Чунки унитар ҳамда федератив давлатлардаги парламентларнинг фаолиятида ўхшашлик билан бир қаторда фарқлар ҳам мавжуд. Одатда икки палатали парламентлар фақат федератив давлатларга хос, деган тушунча мавжуд бўлади. Бунда иккинчи палатанинг федерация субъектлари манфаатларини ифодалашига урғу берилади. Бироқ ҳозирги кунда бикамерализм федератив тузилишга эга давлатларнинг барчасида, яъни 24 давлатда мавжуд бўлса, 40 га яқин унитар давлатларда ҳам икки палатали парламентлар амал қилади.

Айни пайтда, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган 12 та мамлакатнинг еттитасида — Украина, Туркменистон, Арманистон, Озарбайжон, Грузия, Молдова, Қирғизистонда бир палатали парламент амал қилади. Россия Федерацияси, Қозоғистон, Беларусь, Тожикистон ва Ўзбекистонда икки палатали парламент фаолият кўрсатмоқда.

Бир палатали тизим	Икки палатали тизим
Украина	Россия Федерацияси
Туркменистон	Қозоғистон
Арманистон	Беларусь
Озарбайжон	Тожикистон
Грузия	Ўзбекистон
Молдова	
Қирғизистон	

Ўзбекистонда парламентнинг икки палатали тизимга ўтказилиши даврнинг объектив зарурати билан боғлиқ бўлди. Шу ўринда кўпчиликда табиий қизиқиш уйғотган бир қатор саволларга жавоб бериб ўтиш жоиздир:

- *Нега парламентчиликнинг икки палатали тизими мустақилликнинг дастлабки йилларидан тадбиқ этилмади?*
- *Бир палатали Олий Мажлис фаолиятини қандай баҳолаш мумкин?*
- *Янги икки палатали парламент зиммасига юклатилаётган мақсад ва вазифалар нималардан иборат?*
- *Икки палатали парламент Ўзбекистонга нима беради?*

Ушбу саволлар юзасидан узоқ ва атрофлича мушоҳада қилиш мумкин. Лекин, айнан бу саволларга жавоблар Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2005 йил 28 январь куни Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи қўшма мажлисида сўзлаган нутқида қисқа ва мухтасар баён этилган.

«Биз бугун ҳаётимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш ҳақида гапирар эканмиз, — деди жумладан Президент, — ўз олдимизга қўйган куйидаги устувор вазифа ва йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа бу қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат Парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришишдан иборат»⁸⁹.

Бу борада давлат раҳбари Президент ваколатларининг бир қисмини Сенатга ва ҳукуматга ўтказиш, профессионал, доимий асосда ишлайдиган қуйи — Қонунчилик палатасини шакллантириш, мамлакат ҳукумати роли ва масъулиятини ҳамда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш вазифаларини белгилаб берди.

Икки палатали парламентни барпо этишдан асосий мақсад эса маърузада тўрт банд билан ифода этилади:

«**Биринчи** — парламент ўз ваколатларини самарали амалга ошириши, ҳар томонлама асосли ва пухта қарор-

⁸⁹ Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. — Т.: Ўзбекистон, 2005, 36-бет.

лар қабул қилиши учун зарур бўлган ўзаро мувозанат ва чекловлар тизимини яратиш.

Иккинчи — Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий профессионал тарзда олиб бориши назарда тутилган ҳолда, парламентнинг қонун ижодкорлиги борасидаги ишининг сифатини кескин ошириш.

Учинчи — Сенат асосан маҳаллий Кенгашлар, ҳудудларнинг вакилларида иборат бўлиши ҳамда вакиллик вазифасини бажаришини инobatга олиб, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш.

Тўртинчи — аҳолининг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштироки кўламини янада кенгайтириш.

Айнан шу мақсад юқори палата — Сенатнинг вилоят, шаҳар ва туман вакиллик органлари депутатларидан сайланиши замирида ҳам мужассам.

Юқорида зикр этилган мақсад ва йўналишларнинг барчаси, аввало, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида узоқни кўзлайдиган «**Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари**», деган тамойилни ўзида ифода этади⁹⁰.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида кўппартиявийлик тизими унча ривожланмаган, профессионал сиёсатчилар унча кўп бўлмаган пайтда асос солинган бир палатали парламент ўзининг тарихий вазифасини бажариб бўлди. Суверенликни эндигина қўлга киритган Ўзбекистон учун мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга қонуний база яратиб беришга қодир бўлган ихчам парламент керак эди. Сабаби — бир палатали парламент ҳали етарли ҳуқуқий базаси шаклланмаган, турли соҳалар бўйича қонунлар танқислиги сезилаётган ёш давлат учун муҳим аҳамият касб этади. Бунда қонун яратувчилик жараёни тезлашади, у мобил ва ихчам шаклга эга бўлади.

Шу нуқтаи назардан ҳам Олий Мажлиснинг дастлабки икки чақириқ мобайнидаги фаолияти ниҳоятда унумли бўлди. Биринчи чақириқда 138 та қонун, 468 та қарор, 10 та Кодекс, 2 та Миллий дастур қабул қилинди, 70 та халқаро ҳужжат ратификация қилинди, қонунчиликка 216 та

⁹⁰ Қаранг: Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. — Т.: Ўзбекистон, 2005, 38—39-бетлар.

Ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Иккинчи чақириқ Олий Мажлиси депутатлари эса 94 та қонун, 1 та кодекс, 307 та қарор қабул қилди, 55 та халқаро шартнома ратификация қилиниб, 279 та қонун ҳужжатига 1229 та ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки босқичида бир палатали парламентнинг ижобий томонларидан тўлиқ фойдаланди.

№	Қабул қилинган ҳужжатлар тури	Биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг фаолиятида	Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг фаолиятида
1.	Қонунлар	138	94
2.	Қарорлар	468	1
3.	Кодекслар	10	307
4.	Миллий дастурлар	2	—
5.	Халқаро ҳужжатлар	10	55

Бугунга келиб эса мазкур сон кўрсаткичи сифат кўрсаткичига ўзгариши лозим. Амалдаги қонунларга замон талабларига мос ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, янгиларини қабул қилишда дунёдаги глобализация жараёнлари, келажақда пайдо бўлиши эҳтимолли муаммоларни ҳисобга олиш керак.

Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги ва амалиётининг тараққиётини мамлакатда олиб борилаётган демократик ислохотларнинг ажралмас қисми сифатида кўриш керак. Бугунги кунда Ўзбекистонда нафақат сайлов тизими, балки сайловчининг онги ва тафаккури унинг сайловларга, сиёсий партия ва сайлов ҳуқуқига муносабати ҳам тубдан ўзгармоқда. Айни пайтда республикамизда шаклланган сайлов қонунчилигининг учта асосий таянч элементини Ўзбекистоннинг демократияга ўтиш моделининг ўзига хос жиҳати сифатида белгилаш мумкин:

1) инсон ҳуқуқлари борасида халқаро ҳуқуқ мезонлари ва сайловларнинг халқаро умумэтироф этилган тамойиллари;

2) хорижий демократик мамлакатлар қонунчилиги ва сайлов амалиётидаги илғор тажрибалар;

3) сайлов жараёнида миллий тарихий тажриба ва мамлакатдаги демократик ривожланиш даражасидан келиб чиқиш.

Миллий сайлов қонунчилиги жаҳон миқёсида эътироф этилган мезон ва талабларга тўла мос келади ҳамда эркин ва адолатли сайловлар ўтказиш учун яхши асос бўла олади. Ўзбекистон Конституциясининг преамбуласида ҳам умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари устуворлиги тан олинган.

2004 йил сайловлари арафасида Конституцияга бир қатор қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиб, янги Конституциявий қонунлар қабул қилинди, сайлов қонунчилиги такомиллаштирилди. Шу маънода олиб қараганда, мазкур сайловлар аввалги йилларникидан қатор жиҳатлари билан ажралиб турди. Қонунчиликдаги энг диққатга молик янгиликлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- > Авваламбор, сиёсий партиялар номзод кўрсатаётганда улардан камида 30 фоизи аёллар бўлиши лозимлиги ҳақидаги қонун талаби. («Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги қонун, 22 модда). Аҳолининг 51 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлган мамлакат учун сиёсатда аёлларнинг ўрни ва мавқеи масаласи долзарб бўлиши табиий. Мутахассисларнинг таъкидлашича эса аёлларнинг давлат ишларига фаол жалб этилиши мамлакат тараққиётининг мувозанатли боришига ижобий таъсир қилади.
- > Яна бир муҳим янгилик эса сайловчилар иштирокига оид бўлди. Агар аввалги йилларда сайловлар ҳақиқий ҳисобланиши учун сайловчиларнинг 50 фоизидан кўп қисми овоз беришда иштирок этиши талаб қилинган бўлса, эндиликда ушбу кўрсаткич 33 фоизни ташкил этади. Бу эса Ўзбекистон ушбу масалада ҳам жаҳон андозаларига муносиб бўлиб бораётганига яна бир мисолдир. Ривожланган давлатларнинг аксарият қисмида худди шундай тартиб қабул қилинган. Масалан, АҚШда бу рақам 25 фоизни, Европанинг кўп давлатларида эса 30—35 фоизни ташкил этади.
- > Аввал судланган фуқаролар депутатликка номзод сифатида рўйхатдан ўтиш ҳуқуқига эга эмасди. Энди эса бу чеклов фақат судланганлиги олиб ташланма-

ган кишиларга тааллуқлидир. Суд томонидан меҳнатга лаёқатсиз деб топилган, озодликдан маҳрум этиш жойларида жазо муддатини ўтаётган фуқаролар сайланиши ёки сайловда иштирок этиши мумкин эмас. Бошқа барча ҳолатларда эса фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита чеклашларга йўл қўйилмайди.

- > Шунингдек, депутатликка номзодларнинг сайловолди тарғибот кампаниясини молиялаштириш борасидаги янгиликларни ҳам эътиборга олиш муҳимдир. 2004 йил сайловларида бу масала Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг 14 сессиясида қабул қилинган «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонун асосида мувофиқлаштирилди. Хусусан, Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳар бир номзодга сайловолди тарғиботни олиб бориш учун 717. 500 сўмдан маблағ ажратилди. Ушбу маблағ сиёсий партияларнинг ва мустақил номзодлар учун тегишли округ сайлов комиссияларнинг ҳисоб рақамларига ўтказилган бўлиб, номзодларнинг молиявий харажатлари шаффофлигини таъминлаш мақсадида барча тўлов операциялари пул ўтказиш йўли билан амалга оширилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон сайлов қонунчилиги барча депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, мустақил ташаббускор гуруҳлар учун тенг шароит яратган, хусусан, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш борасидаги имкониятлар бунга яққол мисолдир.

Умуман олганда, оммавий ахборот воситаларининг фаолияти ва сайловлар ошкоралигини таъминлаш масаласига 2004 йилда бўлиб ўтган сайловларда алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада Марказий сайлов комиссияси матбуот хизмати билан бир қаторда Матбуот маркази ҳам фаолият юритгани фикримизга далилдир.

Шу билан бирга мамлакатнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида ҳам худди шундай матбуот марказлари ташкил этилган бўлиб, бу ҳол ахборотнинг янада кенг тарқалишига асос бўлди. Журналистлар хоҳ Тошкентда бўлсин, хоҳ Самарқандда, хоҳ Урганчда,

хоҳ Нукусда сайловларга оид ҳар қандай саволига мутахассис жавобларини топишлари учун имконият яратилди. Бир сўз билан айтганда, Марказий сайлов комиссияси Матбуот маркази фаолиятининг шиори — «Сайловда фақат овоз бериш яшириндир, қолган ҳаммаси — очиқ, ошқора ва транспарент» ибораси ўзини баландпарвоз сўз сифатида эмас, балки амалда оқлади.

Ўзбекистонда сайловларнинг ёритилиши тарихига назар ташлайдиган бўлсак, шу пайтгача сезиларди тараққиётга эришилганининг гувоҳи бўламиз. Республика Олий Мажлисига дастлабки сайловлар 1994 йилда ташкил этилган бўлса, у пайтда сайлов кампаниясининг матбуотда ёритилиши масаласи билан бевосита шуғулланадиган алоҳида матбуот маркази ёки бошқа бир бўлинма бўлмаган. Ўшанда оммавий ахборот воситаларининг аксарияти давлат тасарруфида бўлгани учун Марказий сайлов комиссияси ҳам улар билан ишлашда кўпроқ маъмурий имкониятлардан фойдаланган. Шу тариқа 1994 йил сайловларини фақатгина учта нодавлат ОАВ ёритган. Буни Ўзбекистон ахборот ва матбуот агентлиги архив маълумотларидан ҳам кўриш мумкин.

1994 йил сайловларини ёритган ОАВ	
Газета	384
Журнал	66
Телестудия	19
Радио	2
Нодавлат ОАВ	3
Ахборот агентлиги	1
ЖАМИ	475

1999 йилда эса Ўзбекистон Республикасининг «Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги янги қабул қилинган Қонунига кўра МСК ўз фаолиятини янги мақомда олиб борди. Шундай қилиб, Иккинчи чақириқ Олий Мажлисига сайловлар жараёнида Марказий сайлов комиссияси-

нинг махсус Матбуот маркази тузилиб, у журналистларга ахборот етказиб турди. Сайловларни эса 22 та нодавлат ҳамда 100 дан зиёд трансмиллий ва халқаро ОАВ ёритиб борди.

1999 йил сайловларини ёритган ОАВ	
Газета	490
Журнал	138
Телестудия	26
Радио	5
Нодавлат ОАВ	22
Ахборот агентлиги	4
ЖАМИ	685

2004 йил сайловларининг ўзига хос хусусияти шундаки, Марказий сайлов комиссияси тизимида Матбуот маркази билан бир қаторда матбуот хизмати ҳам фаолият олиб борди. Бу эса МСКнинг ОАВга ва жамоатчилик билан ишлашга бераётган катта эътиборидан далолатдир. Сайловларни ёритиш учун бу гал Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказидан 300 дан зиёд маҳаллий ва 107 хорижий оммавий ахборот воситаси вакиллари аккредитациядан ўтказилди. Улар учун матбуот марказида барча зарурий шароитлар яратиб берилди. Мунтазам равишда матбуот анжуманлари ўтказилиб, ахборот баёнотлари орқали сайлов жараёнига оид сўнгги янгиликлар етказиб турилди.

Сайлов кунини Матбуот марказида жараённинг узлуксиз ва жонли ёритилиши таъминланди. Бу ерда кун давомида матбуот конференцияларида бир неча бор ахборот баёнотлари берилиб, журналистлар янгиликларни тезкор узатишлари учун уларга халқаро телефон алоқаси, Интернет ва бошқа барча замонавий қулайликлар таъминлаб берилди. Ўзбекистон телевидениесига сайлов жараёнига оид янгиликлар ҳар соат бошида эфирга узатилиб турган махсус дастурлар орқали аҳолига етказиб турилди. Жаҳон телекомпаниялари ҳам матбуот марказидан туриб ўз янгилик ва репортажларини тайёрлади.

2004 йил сайловларини ёритган ОАВ	
Газета	597
Журнал	145
Телестудия	43
Радио	12
Нодавлат ОАВ	93
Ахборот агентлиги	4
ЖАМИ	928

Қисқа қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов очиқ ва ошкора, транспарент руҳда ўтиши учун барча омиллар ҳозир этилди. Шу билан бирга, сайловда дунёнинг 40 га яқин мамлакатидан 228 хорижий кузатувчи, жумладан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти кузатувчилари миссиялари қатнашди. Миллий қонунчилик, халқаро меъёр ва стандартларга тўла мос ҳолда ўтган сайловлар Ўзбекистонда очиқ ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган демократик ислохотлар изчил амалга оширилаётганидан далолат беради.

2004 йил сайловларида иштирок этган халқаро кузатувчиларнинг сифат таркиби ҳақида

МАЪЛУМОТ

Жами кузатувчилар	Жумладан											
	Давлат ва жамоат арбоблари		Парламентлар депутатлари		Марказий сайлов комиссиялари аъзолари		Олим ва сиёсатшунослар		Бизнес доиралар вакиллари		Журналистлар	
	жами	%	жами	%	жами	%	жами	%	жами	%	жами	%
227	46	20,3	48	21,1	14	6,2	30	13,2	14	6,2	24	10,6

Халқаро ташкилотлар вакиллари­нинг умумий сонидан	Жумладан							
	МДХ		ЕХҲТ		ШҲТ		Евро- парламент	
жами	жами	%	жами	%	жами	%	жами	%
51	26	51	22	43,1	2	3,9	1	1,7

2004 йил сайлов кампаниясининг аввалгиларидан фарқи нафақат сонларда, балки сифатда ҳам акс этади. Марказий сайлов комиссияси ва унинг матбуот марказларининг бутун иш фаолияти сайлов жараёнларига оид барча маълумотларнинг ошкоралиги ва очиқлигини таъминлашга қаратилди. Матбуот марказлари мунтазам равишда ишчи учрашувлар, семинар-тренинглар, анжуманлар ташкил этиб, уларга журналистларда қизиқиш уйғотиши мумкин бўлган барча доирадаги мутахассис ва мансабдор шахсларни таклиф қилиб келди.

Интернетда Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайти ҳам яратилиб, ундаги маълумотлар доимий равишда янгиланиб турилди. Унда сайлов жараёнларига оид барча керакли ахборот, жумладан, сўнгги янгиликлар, қонун ва меъёрий ҳужжатлар, МСК ҳақида маълумотлар ва бошқа зарур ахборотлар жойлаштирилди. Ўтказилган матбуот анжуманларининг видеоёзувини, сайлов куни эса Матбуот марказидаги жараёнларни шу ерда ўрнатилган веб-камералар орқали Интернет фойдаланувчилари жонли кузатиш имкониятига эга бўлди.

Сайлов кампанияси жараёнида веб-сайтдан 45 мингдан зиёд киши фойдалангани қайд этилди. Таъкидлаш керакки, 1999 йилда МСКнинг Интернетда бир саҳифаси бор эди холос, энди эса анча кенгроқ ҳисобланган веб-сайт устида алоҳида мутахассислар гуруҳи иш олиб борди. Шунингдек, жаҳон миқёсидаги «ўргимчак тўри»дан фойдаланиш имконияти МСКнинг барча ҳудудий матбуот марказларига ҳам яратиб берилди.

Электорат бохабарлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон телевидениеси ва радиосида сайлов қонунчилигига оид маърифий роликлар эфирга бериб борилди, МСК, сиёсий партиялар вакиллари, ҳуқуқшунос мутахассислар иштирокида жонли кўрсатувлар тайёрланди.

МСК Матбуот маркази аввалги сайловлар тажрибаси ва халқаро амалиётдан келиб чиққан ҳолда, сайлов кампанияси ёритилишини таъминлашда қуйидаги асосий мақсадларни кўзлади:

1. Ҳукумат очиклиги ва шаффофлигини намоён этиб, электорат билан алоқани фаоллаштириш;
2. Оммавий ахборот воситаларида умуммиллий миқёсда сайловнинг турли жиҳатларини муҳокама этиш;
3. Сайлов кампаниясининг очик, ошкора ва транспарент ўтишини таъминлаш.

Давлат оммавий ахборот воситалари билан бир қаторда, мамлакатдаги нодавлат телерадиокомпаниялар ҳисобига 2004 йил сайлов кампаниясининг муқобил ОАВда ёритилиши ҳам таъминланди. Гап шундаки, Ўзбекистонда 70 га яқин ҳудудий хусусий телерадиокомпаниялари мавжуд. Уларнинг эфирга чиқиш жуғрофиясининг умумий ҳудуди мамлакатнинг 70 фоизини қамраб олади, аудиторияси эса 18 миллион кишига яқин. ОАВнинг мазкур сектори аҳоли, яъни сайловчи кайфияти ва фикрига таъсири ҳақида ҳулоса қилиш қийин эмас. Агар аввалги йилларда бу телекомпаниялар сайлов жараёнини асосан жойларда локал равишда ёритган бўлса ва эфирга чиқиш жуғрофияси алоҳида туманлар, кичик шаҳарлар билан чекланган бўлса, 2004 йил сайловлари даврида улар ўз имкониятларини бирлаштирган ҳолда, сайлов кампанияси жараёнларини умуммиллий қамровда аҳолига етказишга қарор қилди. Бунинг учун ягона тармоқ — Нодавлат телерадиоузатувчилар тармоғига (НТТ) асос солиниб, шу восита орқали ўзаро ахборот ва дастурлар алмашувини йўлга қўйди. Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари ассоциацияси (ЭОАВМА) ташаббуси билан тузилган бу тармоқ учун Тошкентдаги «Эркин фикр» студияси депутатликка номзодлар иштирокида турли дастурлар, ток-шоу ва дебатларни видеотасмага тушириб, уларни мазкур телетармоқ орқали барча аъзо телекомпанияларга етказиб турди.

Шундай қилиб, 2004 йил сайлов кампанияси нафақат давлат оммавий ахборот воситалари, балки нодавлат ОАВ орқали ҳам муқобил равишда ёритилди. Бу эса мазкур сайловларда фикрлар турфа хиллигининг таъминланиши, турли нуқтаи назарлар ўз ифодасини топиши, жамиятда ошкоралик юзага келиши йўлида олдинга қадам бўлганини ҳам намоён этади.

Шу билан бирга ушбу сайловларда нодавлат оммавий ахборот воситалари юқорида зикр этилган янги «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ илк бор номзодларга сиёсий реклама борасида пуллик хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлдилар. Бундай ҳамкорлик хусусиятлари «Депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари сайловолди ташвиқотида ОАВдан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги МСКнинг махсус Низомида ҳам белгилаб ўтилган. Унда сиёсий реклама, сиёсий дебатлар, сайловолди ташвиқот каби тушунчаларнинг аниқ таърифи ҳам келтирилади.

Низомнинг асосий эътиборли жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

1. Сайлов иштирокчилари ОАВдан фойдаланишда тенг ҳуқуқларга эгадир.

2. Сиёсий партиялар учун давлат телевидениесида бепул эфир вақти ажратилиб, у ҳафтасига прайм-таймда 40 дақиқани ташкил этади.

3. Шунингдек, пулли эфир вақти ёки матбуотда жой миқдори ҳамда молиялаштириш манбалари белгиланган. ОАВ ҳамма сайлов иштирокчилари учун тенг бўлган тўлов нархларини ўзлари белгилайди.

4. ОАВ ва сайлов иштирокчилари ўртасидаги ҳар қандай ҳамкорлик шартномавий асосга эга бўлиши керак. Тўловлар пул ўтказиш йўли билан амалга оширилиб, нақд пул бериш ман этилади.

5. Депутатликка номзодлар ҳақидаги маълумотлар ОАВда бир хил жойда, тенг ҳажмда ва бир хил вақтда берилиши керак.

6. Номзодларнинг телевидение ёки радиодаги чиқишларининг кетма-кетлиги қуръа ташлаш йўли ёки алфавит тартибида белгиланади.

7. ОАВ уларнинг мулкчилик шаклидан қатъи назар номзодларга ажратилаётган эфир вақти ва жой ҳажмини назорат қилиб, бу ҳақдаги ахборотни МСКга тақдим этиши керак.

8. ОАВ таҳририяти номзодлар томонидан тақдим этилган ахборотни номзодларнинг розилигисиз таҳрир қилиши мумкин эмас.

9. Сайлов иштирокчилари томонидан таъсис этилмаган ОАВ ўз адади ёки даврийлигини ўзгартириб номзодлардан бирига устунлик бериши мумкин эмас.

10. Агар ОАВ вакили депутатликка номзод сифатида тавсия этилса, у сайловолди ташвиқоти даврида ўз лавозимидан вақтинчалик четлаштирилади ва унинг маоши сайловларга ажратиладиган маблағ ҳисобидан сақлаб қолинади.

11. ОАВ депутатликка номзодлар ҳақида ёлғон маълумот тарқатиши мумкин эмас. Агар бундай ахборот эълон қилинса, номзод ОАВдан раддия талаб этиши мумкин.

12. ОАВ сайлов иштирокчиларининг хайрия фаолияти ҳақида ахборот тарқатиши мумкин эмас.

Бўлиб ўтган сайловлар Ўзбекистон қонунчилиги ва сиёсий тизимининг янада такомиллашишига, жамиятда шаффофлик юзага келишига хизмат қилди. Бу борада сайловларнинг жамият ҳаётига таъсири ва натижасини қуйидаги бандларда ифода этиш мумкин:

Биринчидан, Олий Мажлиснинг қуйи — яъни, қонунчилик палатаси энди профессионал асосда фаолият юритади. Сайланган халқ ноиблари кундалик асосда фаолият юритиб, бевосита қонун яратувчилик билан шуғулланади, қонунлар ҳар томонлама пухта ва мукамал тайёрланишига хизмат қилади.

Иккинчидан, парламентнинг юқори палатаси — Сенат Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар вакиллари ҳамда мамлакатдаги обрўли жамият арбобларидан иборат экан, бу мазкур органнинг вакиллик функцияси ҳам самарали амалга ошишига омил бўла олади. Сенаторлар қабул қилинаётган қонунларнинг жойлардаги ижроси ва бериши мумкин бўлган натижасидан келиб чиққан ҳолда, республиканинг барча ҳудудий манфаатлари ҳам қонун чиқарувчилик жараёнида акс этишига хизмат қилади.

Учинчидан, янги сифатдаги парламент мамлакатда ҳокимиятлар бўлиниши принципи ҳамда «мувозанат ва чекловлар тизимининг» мустақкамланиб боришига асос яратади. Эндиликда ҳокимиятнинг барча тармоқлари бир-биридан мустақил равишда, маҳаллий ҳокимият органларининг қонунчилик жараёнига аралашуви тўла чекланган ҳолда самарали ва бир-бирини назорат қилиш ва мувозанатга солиш асосида фаолият юритиши учун омиллар яратилди. Айти пайтда ижроия ҳокимиятнинг муайян ваколатлари ҳам изчиллик билан парламент зиммасига топширилади (мамлакатдаги асосий давлат лавозимларига номзодларни тайинлаш каби), демакки, қонун чиқарувчи ҳокимият имкониятлари кенгайиб, «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» формуласи амалда жадаллашади.

Тўртинчидан, бўлиб ўтган сайловлар Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланишини тезлаштирди. Кўп-партиявийлик асосида ўтказилган сайлов жараёнида сайлов иштирокчилари ўртасида кескин рақобат олиб борилди, бу эса партияларнинг жамиятдаги роли ошишига ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг фаоллашишига олиб келди. Улардан энг рақобатбардошлари парламентда ўрин эгаллаган экан, эндиликда улар ўз сайловчилари манфаатларини ифода этишлари, жамиятда зарур ижтимоий мулоқотни йўлга қўйишлари лозим бўлади. Шу тариқа партиялар депутатлар тимсолида жамият ва давлат ўртасидаги боғловчилик вазифасини самарали амалга ошира олади.

Бир сўз билан айтганда, 2004 йил икки палатали парламентга илк бор ўтказилган сайловлар нафақат қонунчилик тизимини, балки бутун мамлакат тараққиётини янги босқичга олиб чиқиш билан бирга ижтимоий жарёнларнинг ҳам анча жадаллаштирди, жамиятдаги турли қатламларни фаоллашишига олиб келди. Ишончимиз комилки, ушбу воқеа Ўзбекистон тарихида ва, хусусан, парламентчилик тараққиётида янги саҳифани очиб беради. Бу эса мазкур жараёнларни ўрганиш бундан буён ҳам долзарблигини йўқотмаслиги, аксинча, ошиб боришига асос бўлиши шубҳасиз.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистонда икки палатали парламент барпо этишнинг сиёсий-ҳуқуқий асос-

лари яратилди. Ҳуқуқий демократик давлат учун хос бўлган икки палатали парламентнинг ҳуқуқий ва сиёсий асосларини ишлаб чиқиш ва уни Олий Мажлиснинг қонун қабул қилиш жараёнларида янада такомиллаштириш натижалари шуни кўрсатдики, Ўзбекистон фуқаролик жамияти сари қадам қўймоқда. Келгусида фаолият юритадиган икки палатали парламент нафақат жамиятдаги ижтимоий қатламлар, балки шу билан бирга, минтақавий манфаатларни эътиборга олувчи, фуқароларнинг иродаларини янада кенгроқ ифодаловчи халқ минбарига айланади. Шу билан бирга, парламентнинг Қонунчилик палатасининг сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатилган номзодлари асосида шаклланиши билан қонунларда нафақат давлат манфаатлари, балки фуқароларнинг турли ижтимоий қатламларининг туб манфаатлари ҳам ифодаланишига эришилади. Шу нуқтаи назаридан қараганда, икки палатали парламентни шакллантириш йўлида бошланган ислоҳотлар «Кучли давлатдан — кучли жамият сари» ғоясининг амалиётдаги ифодаси бўлмоқда.

Илмий таҳлиллар кўрсатдики, икки палатали парламентни шакллантиришга доир ислоҳотларнинг бош йўналиши давлат қурилиши ва жамият сиёсий соҳасини эркинлаштириш соҳасидаги ҳозирги ислоҳотларнинг таркибий қисми бўлиб, у асосан инсонга, унинг эрки, шаъни, қадр-қимматини ҳимоя этишга, шахс салоҳиятини юзага чиқаришга қаратилмоқда. Мазкур китобдан ўрин олган хулоса ва таклифлар ушбу ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади, деган умиддамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Қонунлар, фармонлар, қарорлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — Т.: Ўзбекистон, 2001.
- Ўзбекистон Республикасининг «Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонуни, 1991 йил 31 август.
- Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонуни, 1993 йил 6 май.
- Ўзбекистон Республикасининг «Сийёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуни. 1997.
- Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро Биль. — Т.: Адолат, 1992.
- Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳақида»ги Қонуни (Янги таҳрири). 1999.
- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 1992.
- «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» ги Қонун. — 1991, 31 август.
- «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонун.
- «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонун. (Янги таҳрири). 2003 йил 29 август.
- Ўзбекистон Республикасининг «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий қонуни. 2002 йил 4 апрел.
- Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил қилиш тўғрисида» ги Қонун. 1999 йил 2 сентябр.
- «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонун. 1993 йил 2 сентябр.
- «Фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун. 1993 йил 2 сентябр.
- «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонун. 1993 йил 28 декабр. (Янги таҳрири, 2003 й. 29 август).
- Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий Қонуни. 2002 йил 27 декабр.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий Қонуни. — 2002 йил 28 декабр.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Қонун. 2003 йил 29 август.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонун. 1994 йил 5 май.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Қонун. 2003 й. 29 август. (Янги таҳрири)

«Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун. 1994 йил 5 май. «Ўзбекистон Республикаси жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонун. //Ўзбекистон Республикасининг қонунлари. 4-сон. — Т.: «Адолат», 1993.

«Сийёсий партиялар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1997 йил 7 январ.

Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисида қонунлари. — Т.: Ўзбекистон, 1994.

Основной Закон Федеративной Республики Германии. — Бонн, 1997.

Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари. 1989. 26—28. 8—18, 18—35, 55-б.

II. Китоблар ва рисолалар

Каримов И. А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. — Т: Ўзбекистон, 1992. 251 б.

Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. — Т.: Ўзбекистон. 1996. —364 б.

Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Тошкент, Ўзбекистон. 1996. —380 б.

Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. — Т.: Ўзбекистон. 1996. —366 б.

Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. — Т.: Ўзбекистон. 1996. —349 б.

Каримов И. А. Янгича фикрлаш — давр талаби. 5-жилд. — Т.: Ўзбекистон. 1997. —384 б.

Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. — Т.: Ўзбекистон. 1998. —429 б.

Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. — Т.: Ўзбекистон. 1999. —410 б.

Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-жилд. — Т.: Ўзбекистон. 2000. —528 б.

Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. — Т.: Ўзбекистон. 2001. —432 б.

Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: Ўзбекистон. 1997. — 326 б.

Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. — Т.: Ўзбекистон. 1993. — 183 б.

Каримов И. А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. 2002 йил 30 август. — Т.: Ўзбекистон. 2002. — 168 б.

Каримов И. А. Янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни ортага қайтмайди. //Туркистон, 2002, 6 апрел.

Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. //Халқ сўзи, 2000, 23 январь.

Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 14 сессиясидаги 1999 йил 14 апрелдаги маъруза. — Т.: Ўзбекистон. 1999. — 48 б.

Каримов И. А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. — Т.: Ўзбекистон, 1995. — 67 б.

Каримов И. А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. — Т.: Ўзбекистон. 1996. — 110 б.

Каримов И. А. Адолат, ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуғ. — Т.: Ўзбекистон., 1998. - 64 б.

Каримов И. А. Янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни ортага қайтмайди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VIII сессиясидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2002, 5 апрель.

Каримов И. А. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2002, 25 апрел.

Агзамходжаев А. Образование и развитие Узбекской ССР. — Т.: Фан, 1971. С. 212.

Айтматов Ч. Собр. соч. Т. 6. Диалоги. — Москва, 1998, С. 479.

Арзаканян М. Ц. Де Голль и голлисты на пути власти. — Москва: Высшая школа, 1990. С. 278.

Баталов О. С. Легитимация как становление права на политическую власть. Екатеринбург, 1992, С. 105.

Бердяев Н. А. Самопознание. (опыт философской автобиографии). Москва: Книга, 1991. С. 312.

Бундесрат — Федеративный конституционный орган. — Магдебург: Гебр. Гарлофф, 1998, С. 43.

«Конституция мира». Составители: У. Таджикионов, А. Саидов. Тошкент, 1997. Тома 1—7.

Всемирная история. В 10-и томах. Т. 3. -Москва, 1957.

Гегель Г. В. Философия права. — Москва: Мысль, 1990, с. 476.

Грановский Т. Н. Лекции по истории средневековья. — Москва: Наука, 1987. С. 278.

Гутнова Е. В. Возникновение английского парламента. — Москва, 1960. С. 188.

Горгес Р. Так работают правительство и парламент. Организация, сотрудничество и контроль в парламентской системе правления (на примере ФРГ). — Москва: Дело, 1993. — С. 201.

Даниленко В. Н. Декларация прав и реальность. — Москва: Междунар. отношения, 1989. С. 14—16.

Джефферсон Т. Автобиография. Заметки о штате Виргиния. — Ленинград: Наука, 1990, С. 196.

Жумаев Р. З. Политическая система Республики Узбекистан: становление и развитие. — Ташкент: Фан, 1996. С. 207.

История советского государства и права Узбекистана. Т. 3. — Ташкент: ан. 1968. С. 216.

История Франции. В 3-х томах. Т. 1. Отв. ред. А. З. Манфред. — Москва: Наука, 1972, С. 99—100, 107.

Конституции и законодательные акты буржуазных государств XVII—XIX вв. Сб. докум. — Москва, 1957. С. 131—144.

Конституция США: Текст коммент. (в двух частях). — Москва, 1984, с. 55

Конституция Японии. В кн.: Современные зарубежные конституции. Сост. В. В. Маклаков. — Москва, 1992. С. 280.

Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Общая часть. Учебник. — Москва: БЕК, 1996. С. 778.

Гаджиев К. С. Политическая наука. — Москва: Международные отношения, 1995. С. 400.

Демишель А., Демишель Ф., Пикемаль М. Институты и власть во Франции. — Москва, 1973. С. 302.

Жўраев Н. Юксалиш. — Т.: «Ўзбекистон», 1998. — 152 б.

Жўраев Н. Агар огоҳ сен... — Т.: «Шарқ», 1998. — 288 б.

Жалолов А. Сийсий партия: юксалиш муаммолари. — Т.: «Ўзбекистон», 1992.

Кара-Мурза А. А. Тоталитаризм — феномен XX века? В сб.: Тоталитаризм как исторический феномен. — Москва, 1982. С. 308.

Ковлер А. И. и другие. Парламенты мира. — Москва: Высшая школа, 1991. С. 402.

Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. — Т.: Ўзбекистон. 2001. 368 б.

Левитин Л., Карлайл С. Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти. Агротек, Вена — Австрия. 1996. — 158 б.

Локк Дж. Сочинения: В 3-х томах. /Пер. с англ. и лат. Т. 3. / Ред. и сост., авт. примеч. А. Л. Субботин — Москва: Мысль, 1988. С. 317—337.

Милль Дж. С. О свободе. В кн: Антология мировой политической мысли. В 5т. Т. 1. Зарубежная политическая мысль: истоки и эволюция. — Москва: Мысль, 1987. С. 845.

Очерки по истории государственности Узбекистана, с. 185.

Парламенты мира. — Москва: Высшая школа, 1991. с. 422.

Ревуненков В. Г. Очерки по истории Великой Французской революции. Якобинская Республика и ее крушение. — Ленинград, 1983. С. 410.

Ройтер Конрад. Бундесрат Федеративной Республики Германии. 4-е изд. Берлин, 2002

Савельев В. А. Капитолий США: прошлое и настоящее. — Москва: Мысль, 1989. С. 58—59.

Сандеуар Пьер. Контроль за деятельностью государственной администрации во Франции. — Париж: Французская Организация Технического Сотрудничества, 1994. С. 5—72.

Скидмор М. Дж., Трипп М. К. Американская система государственного управления. Вводный курс. — Москва: СП «Квадрат», 1993. С. 152—188;

Создание Узбекского социалистического государства. Под. ред. С. Раджабова. д.ю.н, Госиздат УзССР, — Ташкент: Узбекистон, 1950, С. 35.

Тўғон Аҳмад Заки Валидий. Бўлингани бўри ер. Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан. Хотиралар. Тошкент: «Адолат», 1997.

М. Файзиев. Узбекская ССР — суверенное государство. Госиздат, УзССР, — Т.: 1961, С. 115.

Халилов Э. Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи олий органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. — Т.: Ўзбекистон, 2001. 384 б.

Хакимов М. Х., Серьга Я. М. Борьба большевиков за создание национальной советской государственности в Туркестане. — Т.: Узбекистан, 1964, с. 167.

Ҳусанов О. Т. Ўзбекистон Республикаси давлат органлари. — Т.: Шарқ. 1996. 80 б.

Хўжаев Ф. Бухоро инқилобининг тарихига оид материаллар// Файзулла Хўжаев ҳаёти ва фаолияти ҳақида янги мулоҳазалар. — Т.: Фан, 1997.

Ўзбекистоннинг янги тарихи. Тузувчилар: Н. Жўраев, Т. Файзуллаев. — Т.: Шарқ, 2000.

Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, сиёсий мафкуралар, сиёсий маданиятлар. — Т.: Шарқ, 1998. 160 б.

Қосимов Н. Мустақиллик: курашлар даври. — Т: «Ўзбекистон», 1997. — 79 б.

Политические партии в условиях демократии. Роль и функции партии в политической системе ФРГ. — Санкт-Аугустин: Фонд Конрада Аденауэра, 1995.

Қурбонов С. Ўзбекистон Халқ демократик партияси. Университет, 2001.

III. Рўзнама ва журналлардаги мақолалар

Азизхўжаев А. Демократия — халқ ҳокимияти демакдир. //Миллий тикланиш. 1997 йил, 16-сентябрь.

Азизхўжаев А. А. Халқ ҳокимиятнинг бирдан бир манбаидир. //Халқ сўзи. 1995. 8-март сони.

Азизхўжаев А. А. Демократиянинг ёрқин ифодаси //Жамият ва бош-қарув. 2002. №1. 4—8 бетлар.

Бехбудий М. Хайрул-умури-авсатухон //«Хуршид» журнали, 1996, 11 октябр.

Бехбудий М. «Ҳақ олинур, берилмас»//Хуррият, 1917, 13 июл.

Бобоев Ҳ. Инсон ҳуқуқи ҳар недан азиз //Тафаккур, 1997, № 1.

Болтаев А. Ҳокимиятлар бўлиниши моҳияти ва ислоҳот. //Ҳаёт ва қонун. 1997. №3. 29 — 32 б.

Бугров Б. Вакиллик ҳокимиятининг долзарб вазифалари: фуқаролик жамиятлари. //Халқ сўзи. 2000. 19 июль.

Жумаев Р. З. Политическая система и личность //Экономика и жизнь. 1993. №4.

Жумаев Р. Сиёсий тизимни ислоҳлаштириш. Миллий тикланиш. 1997. 11 феврал.

Жўраев Н. Демократия ва тарихий жараён. //Мулоқот. — 1998. № 1. 12—19 бетлар.

Зокиров С. Давлат қурилишини эркинлаштиришни айрим хусусиятлари. //Ҳаёт ва қонун. 1999, №3, 28 — 31 б.

Исхаков Ф. Общественно-политическое устройство Узбекистана. //Правда Востока, 1995, 24-октябр.

О’Доннел Г. Делегативная демократия //Пределы власти, 1994, №1.

Раҳимов А. Америка парламенти: имконият ва масъулият. //Философ. 2000. 6-сентябр.

Халилов Э. Мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида Олий Мажлис фаолиятининг асосий йўналишлари. //Ҳаёт ва қонун. 1998. № 5. 2 — 4 б.

Эргашев Ф. Фуқаролик жамияти — барқарорлик асоси //Тафаккур, 1996, №3.

Демократия нима дегани? АҚШ ахборот бўлими. Вена: 1993.

Предварительные материалы проекта по углублению реформ государственного управления в Республике Узбекистан. ТАС18. Проект №9802, 2002, 1 мая, с. 67—70.

Турсунов А., Гасанов М. С учетом мирового опыта. //Народное слово, 2002, 19 января.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси «Ахборотнома»си, — Тошкент: Шарқ, 2002, № 1(5).

Қирғизбоев М. Халқ иродасининг ифодаси. //Хуррият, 2002, 23 январь.

Қирғизбоев М. Сайловлар: хорижий тажриба ва амалиёт. //Миллий Тикланиш, 2003, 27 май.

Қирғизбоев М. Парламентлар. //Тафаккур. 2000. 3—14 б.

Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти //Ёшлик, 1996, №6.

IV. Китоб ва авторефератлар

Халилов Эркин Хамдамович. Становление и развитие высшего законодательного органа государственной власти Республики Узбекистан. Книга на соискание ученой степени доктора юридических наук по специальности 12. 00. 01 — «Теория и история государства и права: история политических и правовых учений». Академия Наук Республики Узбекистан. Институт философии и права им. И. М. Муминова. Т. — 2000.

Воҳидов Зоҳиджон. Ўзбекистон Республикасида ҳокимият бўлинининг амалий ифодаси. 12. 00. 02. — «Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви маъмурий ҳуқуқ; молия ҳуқуқи» ихтисослиги бўйича юридик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тайёрланган китоб. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси. Т. — 2000.

Джумаев Р. З. Проблемы формирования и укрепления политической системы Республики Узбекистан. Дисс. на получения доктора политических наук. Т.: 1997.

Жўраев Н. Қ. Ўзбекистонда янгиланишлар концепциясининг яратилиши ва амалиётда қўлланилиши. 23. 00. 02. — «Сиёсий институтлар ва жараёнлар» ихтисослиги бўйича сиёсий фанлар доктори илмий даражасини олиш учун илмий маъруза тарзида тайёрланган китоб. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси — Т. 2001.

V. Хорижий тиллардаги китоблар ва мақолалар

Riggs F. Presidentialism versus Parliamentarism: Implications for Representativeness and Legitimacy //International Political Science Review. 1977, N 3.

Bonnard Maryvonne. Le role du Parlement. //Les Institutions de la France. -Publie par les sions de IAmbassade de Frans a Moscou, 1993.

Leorganisation Administrtive de la France. Centre National de la fonction publique territoriale (CNFPT). — P., 1993. P. 17—20.

Oleszek W. Congressional Procedures and the Policy Process. 2-d ed. Wash., 1984. P. 1 11—152.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I-БОБ. ПАРЛАМЕНТНИНГ СИЁСИЙ ТИЗИМДАГИ ЎРНИ ВА РОЛИ	7
1. Парламент: генезиси, моҳияти ва ривожланиши	7
2. Икки палатали парламент тизимининг шаклла- ниши: жаҳон тажрибаси	23
II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ	41
1. Ўзбекистонда профессионал парламент тизимини шакллантириш зарурати	41
2. Ўзбекистон Республикасида икки палатали парламентни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари	61
III БОБ. ПРОФЕССИОНАЛ ПАРЛАМЕНТ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИДА ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ	77
1. Икки палатали парламентга сайловлар: тажрибалар ва истиқболлар	77
2. Профессионал парламент фаолиятида сиёсий партияларнинг ўрни ва роли	95
3. Ўзбекистонда икки палатали парламентни шакллантириш жараёни: асосий натижалар ва хулосалар	114
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	144

Шерзодхон Тождидинович ҚУДРАТХЎЖАЕВ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ПРОФЕССИОНАЛ ПАРЛАМЕНТ
ТИЗИМИНИНГ СИЁСИЙ ИНСТИТУТ СИФАТИДА
ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Муҳаррирлар: *Т. Эшбек, У. Раҳимов*
Бадий муҳаррир *С. Саидхўжаев*
Мусахҳих *Г. Азизова*
Компьютерда саҳифаловчилар: *Ф. Холматова, Э. Ким*

Босишга рухсат этилди 18.05.07. Бичими 84×108^{1/32}.
«Таумс» гарнитураси. Шартли б. т. 7,98. Нашр. т. 7,53.
Adadi 1200 нусха. Буюртма № 105.

«Аггапринт» МЧЖ да саҳифаланиб, чоп этилди.
100182, Тошкент, Ҳ. Бойқаро кўчаси, 41.